

# АСЛ АСАРЛАР СЕХРИ

АБДУЛЛА УЛУГОВ



TOSHDO'TAU




0000000762

АБДУЛЛА УЛУГОВ

# АСЛ АСАРЛАР СЕХРИ

Адабий мақолалар




Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент—2007

83.3(5Y)  
У45

Нашр учун масъул:

**Муҳаммад Исмоил**



---

## СЎЗ БОШИ

Асл нарсалар ҳамиша гўзал, жозибадор бўлади. Улар ўзи-га хос жиҳатлари билан доимо эътиборни тортади. Адабиёт тарихида ҳам шундай асарлар борки, улар неча замонлар ўтса-да, худди жавоҳирдай ярқираб кўринади. Чунки уларда барча давр кишилари ҳаётига дахлдор ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолар, кишилараро мураккаб муносабатлар, инсоннинг ўз-ўзини англаш, тушуниш жараёни зидди-я tlari ҳаққоний ва таъсирчан акс эттирилади. «Илиада» ва «Одиссея», «Рамаяна» ва «Махобҳорат», «Шоҳнома» ва «Хамса», «Алпомиш» ва «Манас» сўз санъатининг шундай дурдо-налари саналади. Жаҳон адабиётининг бу асл асарлари инсо-ният маданиятининг бебаҳо бойлигидир. Улар неча асрлардан бери кишиларни ҳаётни севишга, инсонни ардоқлашга, ўз-ўзини англашга, эзгуликка даъват этиб келади. Маънавият, маърифат маёғи бўлган бу асарлардан ҳар бир авлод, ҳар бир киши ўз тафаккури, қизиқиши, дунёқараши доира-сида баҳра олади. Адабиётнинг асл асарлари барча миллат кишилари учун ҳамиша маънавий-руҳий қувват бериб кела-ди. Атомдан ҳам кучли адабиётнинг асл асарларига макон ва замон тўсқинлик қилолмайди. Чунки уларда Оламлару Одам-ларнинг яралишига восита бўлган Сузнинг сир-сехри, унинг ҳикмат тўла маънолари намоён бўлади, инсон қалбининг турфа манзараси, унинг ҳис-туйфули мавжи, ҳаётнинг қувонч ташвишлари, қайфу-изтироб аламлари кўринади.

Адабиётнинг асл асарлари ноёб истеъдод соҳибларининг илоҳий илҳом билан иштиёқла қўлган меҳнати самараси си-фатида дунёга келади. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кун-лар», «Мехробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Аб-дулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Навоий», Одил Ёкубовнинг «Улугбек хазинаси», «Кўҳна дунё» романлари, Фигратнинг «Абулфайзхон», Мақсад Шайхзоданинг «Мир-ю Улуғбек» трагедиялари, F.Ғуломнинг «Вақт», «Софиниш», Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат»,

«Баҳор» каби шеърлари шундай асарлар сирасига киради. Адабиётимизнинг бу каби сара асарларида инсон дунёси, ҳаёт ҳодисалари таъсирчан гавдалантирилади. Айни жиҳати билан жозиба касб этадиган мазкур асарлар бизнинг одам ва олам тўғрисидаги тасаввурларимизни теранлаштириб, турмуш ҳамиша турфа хил ташвиш, муаммоларга тўлалиги ва улар инсон учун «синов» эканлиги тўғрисида ўйлантиради. Бу асарлар адабиётнинг инсоншунослик моҳиятини намоён этиб, онгу тафаккуrimизни бойитади, бошқаларни тушунишимиз ва ўзимизни англашимизга яқиндан ёрдам беради. Ўзини англаш эса ҳар бир кишининг инсон сифатида камолотга эришиши учун мустаҳкам асос яратади. Ўзининг ким эканлигини англашга интилган киши ҳамиша ҳар бир хатти-ҳаракатини таҳлил, тафтиш қиласи ва такаббурлик, манманлик, шухратпастлик каби иллатлардан ҳалос булиб боради. Ҳар бир кишининг комиллик сари интилишида унга адабиётнинг асл асарлари бевосита маънавий-руҳий таъсир кўрсатади. Шунинг учун барча давр кишилари адабиётнинг асл асарларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиласи. Жумладан, «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романлари чоракам бир асрдан бери милионлаб китобхонларнинг энг севимли асари булиб келмоқда. Улар асосида фильмлар, спектакллар яратилмоқда. Абдулла Қаҳҳор етмиш йил аввал яратган ҳикояларини, адабиётнинг «Сароб» романини ўқувчилар ҳозир ҳам завқ билан ўқишиади. Абдулла Ориповнинг салкам қирқ йил бурун битган «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат» каби шеърлари ахборот «бўрон»и ичida XXI аср одамларини ҳам ҳаяжонга солади. Адабиётимизнинг уч улкан ижодкори қаламига мансуб ушбу асарлар адабиётнинг асл асарлари ҳеч қаҷон эскирмаслиги, улар барча даврларда ҳам кишиларга маънавий-руҳий кувват бағишлишидан далолат беради.

Ушбу китобдаги мақолаларда ўзбек адабиёти дурдоналарига айланган асарлардаги қадрдон қаҳрамонлар, уларнинг ички ва ташқи қиёфаси, абадиятга даҳлдор муҳаббат туйғусининг таъсирчан талқинлари хусусида мулоҳаза билдирилади. Умид қиласизки, улар сизда ҳам, албатта, фикр уйғотади.

---

## ҚОДИРИЙ ЯРАТГАН ҚАДРДОН ҚАҲРАМОНЛАР

Абдулла Қодирий ижоди ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. XX аср ўзбек адабиётини унинг асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Адибнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» каби романлари адабиётнинг асл асарлари сифатида миллионлаб ўқувчилар қалбидан жой олган. Улар асосида бадиий фильмлар, спектакллар яратилган. Чунки Абдулла Қодирий романлари, ҳикояларида ҳаёт жуда ишонарли тасвирланган, қаҳрамонлар худди жонли одамлар каби кўрсатилган. Ойбек, Абдулла Қаҳдор каби ўзбек адиблари Абдулла Қодирийни «устоз» деб билишган. Абдулла Қодирийнинг асарлари барча давр китобхонлари учун бирдай севимли. «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романларини, «Калвак махзумнинг хотира дафтиридан», «Тошпӯлат тажанг нима дейди?» каби асарларини мутолаа қилиш ҳар бир китобхон учун янги бир дунё очади. Ёзувчининг асарларидаги воқеалар ҳам, улардаги қаҳрамонлар ҳам ўзига хос. Улар бошқаларга ўхшамайди. Абдулла Қодирий асарлари қаҳрамонлари худди ҳаётдаги одамларга ўхшайди. Кишилар ёзувчи яратган қаҳрамонлардан таъсиirlангани боис фарзандлариға Анвар, Раъно, Отабек, Кумуш деб исм қўйишган.

Абдулла Қодирий ҳар бир асарини ҳаётни чуқур ўрганган ҳолда ёзган. «Ёзувчининг ўзидан қўшиши (русча айтганда «вымисел») адабий асарда катта роль ўйнайди. Лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман. Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабабчи бўлади» дейди у.<sup>1</sup> Юксак бадиий маҳорат эгаси Абдулла Қодирий ижоди ўзбек адабиётшунослигида чуқур ўрганилган. Ойбек, Матёкуб Қўшжонов,

---

<sup>1</sup> Қодирий А. Ижод мashaққати: Бадиий ижод тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар.— Тошкент: «Ўқитувчи», 1995.—5-бет.

Иzzат Султон, Умарали Норматов каби адабиётшуносларнинг Абдулла Қодирий ижодига багишланган тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради. Абдулла Қодирий ижодининг қизиқиши билан ўрганилиши сабаби шундаки, унинг асарлари миллионлаб кишилар қалбидан жой олиши баробарида, бадий жихатдан ҳам салмоқдор, ўзига хосдир.

## УНУТИЛМАС ҚАҲРАМОНЛАР

«Ўтган кунлар» романи ўзбек ўқувчиларининг энг севимли асарларидан бири саналади. Уни миллионлаб китобхонлар мутолаа қилишган ва беҳад таъсиrlанишган. «Ўтган кунлар» романида чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши арафасидаги замон ҳаёти ишонарли ва таъсиrchan гавдалантирилади. Ушбу романнинг яратилиши тарихи тўғрисида адабиётшунос Умарали Норматов шундай ёзди: «Шу пайтга қадар «Ўтган кунлар» романидан парчалар 1922 йилда «Инқилоб» журналида босила бошланганлигини, 1925 йили асарнинг бўлимлари алоҳида-алоҳида ҳолда, сўнг 1926 йили ёзувчининг жиддий таҳрири билан яхлит ҳолда китоб бўлиб чиққанини билар эдик. Адид романни қачон ёзишга киришгани ҳақида ҳар хил таҳминлар юради. 1937 йили Қодирий устидан уюштирилган жиноий иш, тергов материалларининг эълон этилиши туфайли маълум бўлдики, адебнинг ўзи «Ўтган кунлар»ни 1919 йилда ёза бошлаганини айтган. Романнинг 1925 йили чоп этилган биринчи бўлимига илова тариқасида битилган «Узр»да адид бу асар дунёга келиши биланоқ баҳтсизликка учрай бошлагани, «беш йиллаб босила олмай» ётгани ҳақида куйиниб ёзди. Демак, роман 1920 йилдаёқ асосан ёзиг тутатилган, аммо асар қўлёзмаси устидаги иш у тўла ҳолда нашр этилгунга қадар давом этган»<sup>1</sup>.

Ёзувчига, ўзбек адабиётига катта шухрат келтирган «Ўтган кунлар» Ўрта Осиё халқлари адабиётидаги дастлабки роман эди. Ўзбек адабиёти мумтоз намуналари қаторидан жой олган ушбу роман тўғрисида ёзувчи бундай дейди: «Модомики биз янги даврга оёқ босдик, бас, ҳар бир йўсинда шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга

<sup>1</sup> Норматов У. Қодирий боғи: (Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида). – Тошкент: «Ёзувчи», 1994.—43-бет.

ўхшаш достончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромғўр»лари билан таниширишга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз».<sup>1</sup> Маълумки, «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин» каби асарларда қаҳрамонларнинг савги-муҳаббати билан боғлиқ можаролар, тўсиқ, ғовлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Бир-бирини севган ёшларнинг тортган изтироб, азоблари, душманларнинг ёвузликлари, ҳийла-найранглари баён этилади. Ушбу асарлардаги бир-биридан чигал тақдирлар, қаҳрамонларнинг бошидан ўтказган фожеий воқеалар китобхонларни ҳаяжонга солади. Чунки севги-муҳаббат билан боғлиқ воқеалар ҳаммани бирдай қизиқтиради. Севги-муҳаббат ҳар бир кишини энг сирли, сехрли, гўзал дунё сифатида ўзига торгади. Бу гаройиб оламга мафтун бўлмаган одам дунёда топилмайди. Абдулла Қодирий «халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари билан танишириш учун ўзимизда мажбурият ҳис этамиз» дейиш билан ўзининг асари севги-муҳаббат мавзусига багишланганини таъкидлайди. Севги-муҳаббат адабиётнинг азалий мавзуларидан бири саналади. Адабиётнинг азалий мавзуси бўлган севги- муҳаббат тўғрисидаги достонлар қаҳрамонларнинг туғилиши, уларга исм қўйилиши воқеалари билан бошланади. Шундан сўнг уларнинг болалиги, ўқиши, касб-хунар эгаллаши ҳақида сўз юритилади. Шу тарзда ошиқларнинг бошланиши жиҳатидан ҳам ошиқлар муҳаббати тўғрисидаги достонлардан кескин фарқ қиласди. Аввало у насрда ёзилган. «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин» достонлари эса шеърий йўлда битилган. Ушбу достонлар ошиқларнинг дунёга келиши тафсилотлари билан бошланса, «Ўтган кунлар» романининг биринчи бўлими: «1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қиши кунларнинг бири, куёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир» деб бошланади. 1264 ҳижрий йили мелодий ҳисобда 1844 йилга тўғри келади. 21 январ – 19 феврал оралиғи – далв ойи. «Ўтган кунлар»нинг бу тарзда бошланишининг ўзиёқ унинг тарихий мавзуда эканини билдиради.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман.—Тошкент: Faғур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.— 3-бет.

Тарихий мавзудаги ушбу романда ўнлаб қаҳрамонлар образи бор. Асарнинг бош қаҳрамони — Отабек. Роман Отабекнинг Марғилонга савдо иши билан келиши билан бошланади. Ёзувчи Отабек турган карвонсаройни тасвирлайди. Тошкентлик Отабекнинг олдига Марғилон бойларидан Зиё шоҳичининг ўғли Раҳмат ва унинг тогаси Ҳомид келишади. Улар уйланиш, оила, севги-муҳаббат тўғрисида гаплашишади. Раҳмат: «Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир. Уйланган хотининг таъбингга мувофиқ келса, бу жуда яхши, йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас» деса, Отабек унинг бу фикрини қувватлаб: «Сўзингизнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладиган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида, эр ҳам хотинга мувофақаттаб» дейди. «Мувофақаттаб» — таъбига мос, муносиб деган маънони билдиради. Аммо Раҳмат ва Отабекнинг бу сўзларига Ҳомид: «Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ. Хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя... Аммо жиян айтганидек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса, бас», дея эътиroz билдиради.<sup>1</sup>

Отабек ва Раҳматнинг уйланиш, оила қуриш тўғрисидағи мулоҳазалари уларнинг аёлларга ҳурмати бениҳоя баландлигини билдиrsa, Ҳомиднинг гаплари аксинча таассурот уйготади. Роман сюжети асосида икки хил дунёқараашга эга кишилар — Отабек ва Ҳомид ўртасидаги муросасиз кураш ётади. Бу икки қаҳрамон ўртасидаги кураш «майдон»ига бошқа қаҳрамонлар ҳам тортилади. Улар орасида хотин-қизлар ҳам талайгина. Жумладан, Кумуш, Зайнаб, Хушрӯй, Ўзбек ойим ва бошқалар. Бу қаҳрамонлар ҳам роман сюжети воқеаларида фаол иштирок этишади. Абдулла Қодирий Ўзбек ойим, Кумуш, Зайнаб, Хушрӯй каби образларни гавдалантириб, ўша замонлардаги ўзбек хотин-қизларининг дунёқараши, оиласидаги жамиятдаги ўрнини кўрсатади.

«Ўтган кунлар» романни инсоний севги-муҳаббатни улуғловчи асаллар сирасига киради. Ундаги асосий воқеалар бевосита Отабек, Кумуш, Зайнаб, Ҳомид, Уста Олим, Сао-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман.—Тошкент: Faғур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.—11-бет.

дат каби қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишга хизмат қиласди. Шунинг учун Муртазо Қаршибой: «Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида қаламга олинган қайгули ишқ қиссаси йилларки китобхонлар қалбини ларзага солиб келади. Асар қаҳрамонларининг кўнгил ҳолатлари — ишқий изтироблари шу қадар теран тасвиранадики, беихтиёр уларнинг тақдирни илоҳий бир мантиқ измида кечганига ишониб қоласиз ва ҳайраттга тушасиз» дейди<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий ўзининг биринчи романида Отабек ва Кумуш севги-муҳаббатини ҳикоя қиласди. Уларнинг Зайнабга муносабатини, Зайнабнинг севишганларга зиддан адова-ти қандай фожиаларга олиб келганини кўрсатади. Шунингдек, романда уста Олим ва Саодатнинг қайгули муҳаббати тарихи баён этилади. Ҳомид Отабек ва Кумушнинг баҳти ҳаётини барбод этиш мақсадида қандай қабиҳликларга қўл урганини кўрсатиш «Ўтган кунлар» сюжетининг асосини белгилайди.

Романда Отабек ва Кумуш муҳаббати можароларидан аввал ўша замонда хотин-қизларга қандай муносабатда бўлинганига эътибор қаратилиади. Дастлаб Отабек, Раҳмат ҳамда Ҳомиднинг шу хусусдаги суҳбати берилади. Иккинчи бобда ҳам бу мавзуя яна давом эттирилади. Зиё шоҳичининг уйидаги суҳбатда Отабекнинг уйланган-уйланмагани тўғрисида гап очилади ва унга ҳасади келган Ҳомид истеҳзо билан Ҳасаналига: «Балки бегингизнинг тамалари хон қизидадир. Бундок юигитлар уйланганларида ҳам киши қизини умр бўйи азоб ичиди ўтказадирлар» дейди. «Тушуниш қийин бўлган бу истеҳзога қарши Ҳасанали сукут қилмади:

— Мен унинг хон қизини олиш мақсади борлигини билмайман,— деди кулимсираб, — бироқ у хон қизини олса, арзимайдирган юигит эмас... Ҳатто, менга ҳам қаттиқ сўз айтишдан сакланган бир юигит ўз никоҳида бўлган озод бир қизга, албатта, заҳмат бермас, дея ўйлайман. Хотин урадиган ва хотин устига хотин олиб, хотинларига зулм қиласдиган баъзи ҳайвонсифат кишилардан бўлиб кетиши, менимча, эҳтимолдан жуда узоқдир, иним мулла Ҳомид...»<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаршибоеv M. Ўнгланмаган тақдир талқини (Адабий-танқидий мақолалар). Тошкент: «Камалак», 1995.—3-бет.

<sup>2</sup> Қодирий A. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 21-бет.

Хотин устига хотин олиб, хотинларига зулм қиладиган Ҳомид сингарилар ўша замонларда кўп бўлган. Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида ҳам турмушда мавжуд бўлган ана шу фожейй иллатни қоралайди. Турмушдаги жуда кўп фожиалар Ҳомид каби кимсалар туфайли юзага келишини «Ўтган кунлар» романида таъсирчан гавдалантиради. Ўша пайдада кишилар ўз қизларини Отабек сингари аёлларни ардоқлайдиган кишиларга узатишни, хотин-қизларни қадрлайдиган, уларнинг хурматини жойига қўядиган ҳукмдор бўлишини орзу қилишини Мирзакарим қутидор, Акрам ҳожи каби қаҳрамонлари тилидан айттиради.

«Ўтган кунлар» романининг бешинчи бобидан бошлаб хотин-қизлар сюжет воқеаларида бевосита пайдо бўлади. «Киройи куёвинг шундоқ бўлса» деб номланган ушбу бобда Мирзакарим қутидор хонадони аҳли билан таништирилади: «Танчанинг икки биқинида икки хотин – булардан биттаси, ичидан атлас кўйлак, устидан одми хон атлас гуппи кийган, бошига оқ даканини хом ташлаган, ўттиз беш ёшлар чамали гўзал, хушбичим бир хотин. Юзидан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилик маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси – Офтоб ойим. Иккинчиси, етмишлардан ўтган бир кампир, Офтоб ойимнинг онаси – Ойша буви. Ўчоқ бошида кўполгина, қирқ беш ёшлар чамалияна бир хотин чой қайнатиб юради. Бу хотин эса оиланинг чўриси – Тўйбека».¹ Шундан сўнг романнинг асосий қаҳрамонларидан бири – Кумуш билан таништиришга ўтилади. Ёзувчи бу ишни унинг портретини чизиб кўрсатишдан бошлайди: «Ўйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ қучогида, совуқдан еринибми ё бошқа бир сабаб биланми, уйғоқ ётган бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турли томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жингила киприк остидаги тим қора кўзлари бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийик қошлари чимирилганда нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланганда, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ кўллари билан латиф

<sup>¹</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман.—29-бет.

бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўтириди. Сариқ рўпоҳ атлас кўйлакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўтиргач, бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратга киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак кутидорнинг қизи – Кумушбиби эди<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий ушбу романида оила қуриш, эрга тегиш, уйланиш масаласида ёшлар ўз эркича иш тута олмагани, ўғил-қизлар кўпроқ ота-онаси хоҳиши асосида оила курганига эътибор қаратади. Қаҳрамонлардан бири Раҳмат романнинг бошидаёқ шу хусусда гапиради: «Уйланишдаги ихтиёrimиз ота-оналаримизда бўлганликдан, оладирган келинлари ўғилларига ёқса эмас, балки унинг ота-оналари ўзларига ёқса, бас. Бу тўғрида уйланувчи йигит билан эр қилувчи қизнинг лом-мим дейишга ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасdir. Масалан, мен ота-онамнинг ёқтиришлари билан уйландим... Аммо хотиним ота-онамга мувофиқ бўлса ҳам, менга мувофиқ эмас», деб куюнади<sup>2</sup>.

Кумушнинг эрга тегиши масаласини ҳам унинг ота-онаси, тўғрироғи, отаси Мирзакарим кутидор ҳал қиласди. У хотини Офтоб ойимга Отабекни: «Айни биз қидирган, ҳар тўғрида ҳам етук бир йигит... Йигитнинг наслини ҳам камситиб бўлмайдир, тўғрисига кўчганда, бу йигит наслан биздан аллақанча юқорида турадир... Лекин тақдир битганданми, нимадан бўлса ҳам бу йигитга қарши кўнглим жизиллаб турадир» дейди. Офтоб ойим ҳам бу хусусда қизи билан маслаҳатлашиб ўтирмасдан, Мирзакарим кутидорга: «Сиз мувофиқ кўрган бир ишга қарши тушиб, раъйингизни қайтаролмайман. Чунки нима бўлганда ҳам сизнинг оталик исмингиз бор, ҳам кўпроқ ихтиёр сизнинг кўлингизда» дейди.

Ота-онанинг қизи ҳаёти устидан бундай ҳукм чиқариши ўша даврларда одат бўлган. Абдулла Қодирий турмушда мавжуд бўлган шу ҳодисага эътибор қаратабиб, унинг оқибатида пайдо бўладиган нохуш фожиаларни кўрсатган.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 29—30-бетлар.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 11-бет.

Абдулла Қодирий Отабек, Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор, Уста Олимнинг аёлларга ҳурмати, меҳрибонлиги-ни кўрсатишга алоҳида эътибор берган. Бу дастлаб Мирзакарим қутидорнинг қизи ва хотинига муносабатида гавдалантирилган. Кумуш шамоллаб, сал тоби қочганида отаси унга меҳрибончилик билан муносабатда бўлади. «Тузукмисан, қизим» деб ҳол-аҳволини сўрайди. Пешонасини ушлаб кўргач: «Эй-ҳа... Кумуш, ҳали иссигинг бор. Үзингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб бурканиб ёт, терласанг ёришасан, қизим!» деб маслаҳат беради.

Мирзакарим қутидор хотинига ҳам мулойим гапиради: «Мен сизга айтиб қўяй, Кумуш, бу кунга бир меҳмон айтган эдим. Чўрингни чақириб, меҳмонхонани тозалат. Анови янги қоплаган кўрпаларингни бер, танчага ўшани ёпсин. Катта гиламни ҳам чиқар, уйингда меваларинг бор эдими?»<sup>1</sup>

Кумуш, Офтоб ойим ҳам Мирзакарим қутидорнинг бундай мулойим муомаласини қадрлайди. Офтоб ойим эрига ҳеч қачон гап қайтармайди, эътиroz билдиrmайди, Мирзакарим қутидор нима деса, итоат қилади. У Кумушни эрга бериш масаласида ҳам эри билан талашиб-тортишмайди. Офтоб ойим эрига итоат билан жуда юмшоқ гапиради. Романда Офтоб ойимнинг бу ҳолати қуйидагича тасвирлана-ди: «Масаланинг бу янглиг бошланишига ва бунинг устига эрининг мойилланишига Офтоб ойим нима дейишини билмай қолди. Тузук, эрининг майлини анчагина далил ва сабабларга суюниб бўлган бир майл эканини англаган, куёв бўладиган йигитни ўзларига ўғилликка лойиқ бир кимса эканини ҳам яхши тушунган эди, аммо ҳозир бу гаплардан ҳам илгарироқ «мусофирик» масаласи турар; бир неча йиллардан бери мувофиқ куёв излай-излай, ниҳоят тошкентлик бир мусофирига бериш хўрлиги Офтоб ойим учун оғир эди... Офтоб ойим ўз фикрини очиқ айтишга юраксина олмас, эрининг кўнгли олинишидан қўрқар, аммо «мусофири» масаласига жону дилидан қарши эди.

— Сиз мувофиқ кўрган бир ишга қарши тушиб, ръйингизни қайтаролмайман,—деди кўп ўйлагандан кейин Офтоб ойим, чунки нима бўлганда ҳам сизнинг оталик

<sup>1</sup> Қодирий А. Үтган кунлар. Тарихий роман. 30—31-бетлар.

исмингиз бор, ҳам күпроқ ихтиёр сизнинг қўлингизда. Мен, албатта қўзингизнинг оқу қораси бўлган ёлғиз қизингизни ярамас, бўлмағур кишига тутиб берарсиз, деб билмайман. Бу жиҳат билан бу ишга розилигим билинса ҳам, бироқ қаршилигим шундадирки, куёв тошкентлик бўлгандан сўнг қизингизни ўзи билан бирга олиб кетар ва сиз билан мени ёлғиз боламиздан айирап... Бунга қолганда сизни билмасам-да, аммо менинг бундай жудоликка сира тоқатим йўқдир. Мана шу тарафини енгилроқ ўйлаганга ўхшадингиз, жоним<sup>1</sup>».

Эрини астойдил ҳурмат қилган, шарқона тарбияланган аёлгина шундай гапиради. Офтоб ойим гарчи эрининг фикрига қарши бўлса-да, аммо асло норозилик билдириб жанжал қилмайди. Эрининг «қўнгли олинишидан қўрқади». Абдулла Қодирий ушбу романида Шарқ аёлларига хос ана шу хусусиятга алоҳида эътибор қаратади. Офтоб ойимга эри: «Сўзларинг тўғри, хотин, лекин тақдир битганданми, нима бўлса ҳам бу йигитга қарши қўнглим жизиллаб турадир. Бу фикрим сенга маъқул тушадими, йўқми, ҳар ҳолда, энди узоқ ўйланиб ўтирумайлик-да, ўз хоҳишимизча қилиб жавоб берайлик: масалан, совчиларга розилигимизни билдириб, аммо Қумушни Марғилондан олиб кетмасликни шарт қиласлик» деганидан кейин истамаса-да, «тилар-тиламас» «ўзингиз биласиз» деб жавоб беради<sup>2</sup>.

Офтоб ойим эрини чин дилдан ҳурмат қилгани, унга ишонгани учун «кўпроқ ихтиёр қўлингизда» дейди. У «Қизни мен туқсанман, сут берганман, тарбиялаганман. Унинг тақдирини мен кўпроқ ўйлайман. Мен кўпроқ қайгураман. Мен онаман. Қумуш менинг биттаю битта фарзандим. Уни мусофирга бермайман. Қизимга уйланганидан кейин эри ўз юртига олиб кетади-да. Олиб кетмаслигига сиз қандай кафолат берасиз? Кафолат беролмайсиз-ку!» деб эрининг раъйини қайтармайди, жанжаллашиб йифи-сиги бошламайди. Офтоб ойим қизининг тақдирини эрига ишониб топширади. Унинг майлига қарши бормайди. Дардини, ала-мини ичига ютади.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 46—47-бетлар.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 47-бет.

Кумуш ҳам бу жиҳатдан онасига ўхшайди. У отасининг истагига қарши чиқмайди. Ҳатто, буни сездирмайди. Кумушнинг йифлаб изтироб чекаётганини онаси Офтоб ойим, бувиси, чўри Тўйбека кўриб-билиб туришади. Аммо улар буни Мирзакарим қутидорга маълум қилишмайди. Кумушнинг ўзи ҳам на онасига, на бувисига «Мени кимга эрга беряпсизлар? Нега менинг ўзимдан бу хусусда бир оғиз гап сўрамайсизлар? Менинг розилигим сизларга керак эмасми? Эр билан эртага мен яшайманми ёки сизлар?» деб норозилик билдиримайди. Романнинг «Қаршилаш» боғида ўша замонларда қизларни эрга беришда хукм сурган одат-таомиллар тўғрисида бундай дейилган: «Тавба, демай чора йўқ: Офтоб ойимларнинг куёвлари ким, қайси қизларини эрга берадилар, уларнинг Кумушдан ҳам бошқа қизлари борми? Уларнинг қизлари ёлғиз, демак, Кумуш эрга бериладир. Тушунарли гап эмас.

— Эрга ким тегадир?

— Кумуш!

— Кумушбиби куёвни ёқтирибдими, йўқми? Бу тўгрида унинг фикрини билиш керакми, эмасми?

— Сўзлашиш ҳам керак эмас, билдириш ҳам.

— Нега?

— Чунки одат шул! Кумуш ота-она ёқтирган кишига рози бўлиш учун мажбур»<sup>1</sup>.

Ушбу савол-жавоблар Кумушнинг кўнглида кечади. Абдулла Қодирий қаҳрамонларини азоблаган бу саволлар ўша даврда барчани, айниқса, хотин-қизларни кўп қийнаган. Чунки оила қуриш масаласида эрксизлик, ҳукуқсизлик жабрини ҳаммадан ҳам хотин-қизлар кўпроқ тортган. Буни Мирзакарим қутидор хонадони чўриси Тўйбеканинг «Мени эрга берганларида сенга ўхашаш мен ҳам йифлаган эдим» деган гапидан, Офтоб ойимнинг «Ўзим кўрмадим... Отасининг ўзи йигитни яхши кўриб, куёв қилган эди» деган гапидан ҳам пайқаса бўлади. Кумушнинг онаси ҳам куёвни кўриб, у билан бир оғиз гаплашмаган. Чунки урф-одатлар шундай бўлган. Куёв билан тўйдан олдин учрашиб, гаплашиш уят саналган. Қизни эрга бериш масаласини ота ҳал қилган. Отанинг истак-хоҳишига қиз ҳам, унинг

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 50-бет.

онаси ҳам сүзсиз бўйсунган. Абдулла Қодирий ўша замонда қизларни турмушга узатиш масаласида отанинг сўзи ягона ҳукм эди, дейди. Аммо буни тўғридан-тўғри эмас, Офтоб ойим, Кумушнинг гап-сўзлари, ички изтироблари орқали айтади. Ёзувчининг санъаткорона маҳорати ана шунда кўринади.

Абдулла Қодирий воқеаларни сирли кўрсатиш, ажойиб, қизиқарли тугунлар яратиш устаси сифатида эътироф этилган. Адабиётшунос Матёкуб Кўшжонов адид бадиий маҳоратининг бу қиррасини батафсил таҳлил қилиб кўрсатган. «Утган кунлар» романида воқеаларнинг сирли нуқталари хотин-қизлар образлари билан боғлиқликда ҳам кўрсатилади. Жумладан, Кумушнинг портрети, унинг туй арафаси, никоҳ чоғидаги ҳолатларига ёзувчи сирли нуқталарни «жойлаширади». Кумушнинг портретини: «... Тим қора кўзлар бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлари чимирилганда, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланганда, кимдандир уялган каби» дей тасвирлайди. «Кўрган каби», «чўчиган каби», «уюлган каби» деганда ёзувчи аллақандай сирли нарсага ишора қиласди.

Кумушнинг портрети тасвиридан бошланган бу сирлилик унинг ҳаракат-ҳолатларида ҳам давом эттирилади. Тўй арафасида Кумушнинг фоят фамгин юргани бу тарзда тасвирланади: «Ташқарига чиққандан кейин айвоннинг тумшугига келиб ўтирди ва ўнг қўлининг кафтига юзини олиб фикрга толди. Шу ҳолда узоқ қолди. Шундан кейин у қўлини юзидан бўшатди-да, энтикиб дам олди ва кимнидир излаганидек теварагига қараб қўйди...

Ариқ бўйи, сирли ариқ бўйи!

Ёшли кўзлар ариқ бўйига тушиб, нозик оёқлар ариқ бўйи еткач, маълум ўринга сакраб ўтди-да, чўнқайди. Бир ҳовуч сув олиб, юзидан тўкиб туширди ва оҳистагина йўлак томонга қараб олгандан кейин сувнинг оқишига қўзини тикиди. Кумушнинг дардини ҳеч ким билмас, унинг хаёлига ҳеч ким тушунмас, магар шу ариқ бўйи тушунгандек, билгандек... сирли ариқ бўйи унга нималарнидир тинглар, бунга четдан ҳеч ким воқиф бўла олмайдир-да, бўлмоғи ҳам мумкин эмас»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қодирий А. Утган кунлар. Тарихий роман. 50-бет.

«Кумушнинг дардини ҳеч ким билмас, унинг хаёлини ҳеч ким тушунмас» деганда ҳам сирли нимадир борлигига ишора қилинади. Кумуш дардини шунинг учун ҳам ҳеч кимга билдира олмайдики, ҳеч ким барибир уни тушунишни истамайди, ёрдам ҳам бермайди. Кумуш шуни билади. Абдулла Қодирий ушбу романида Ҳомид сингариларнинг истак-хоҳишига йўл кенг очиқ турган пайтда хотин-қизлар иложсиз эканлигини Кумушнинг ушбу ҳолати орқали ҳам таъкидлайди. Офтоб ойим ҳам рўй бераётган бу ҳодисалар оқибати аянчли бўлишидан хавотирланади. Оналик ҳисси унинг қўнглини ноxуш ўйлар билан азоблайди. У тўй куни «ёши элликдан ошган, кулгиси ичига тулиб тошган бир хотинни ёнига чақирди-да: «Оҳ, опажон, менинг бунга кўнглим чопмайдир!» дея умидсиз ҳасрат қилишдан нарига ўтмайди.

Албатта, ўша замонларда барча хотин-қизлар ҳам эри, отасига худди Офтоб ойим, Кумуш даражасида итоатгўй бўлмаган. Ўзбек ойим, Хушрўйнинг хатти-ҳаракатларида худди шу кўрсатилади.

Романинг иккинчи бўлими биринчи боби «Ота-она орзуси» деб номланади ва у: «Ўзбек ойим эллик беш ёшлар чамали, чала-думбул табиатли бир хотин бўлса ҳам, аммо, эрига ўткирлиги билан машҳур эди» деб бошланади. Сунг бу аёлнинг «ўткирлиги» баён этилиб, «У ўз уйида ўтирганида ҳам устидаги атлас кўйлак билан адрес мурсаги, оқ шойи дакана билан қаҳрабо тасбеҳни қўймай, қиши кунлари танчада пар ёстиққа суюниб, ёз кунлари айвоннинг тўрига ястаниб, Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоқقا, чўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбехлабгина ўтирас эди» дейилади<sup>1</sup>.

Одамларнинг феъл-автори ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Барча даврларда ҳам кишилар дунёқараши, характер хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Абдулла Қодирий ушбу романида ҳаётнинг ана шу мангу ҳақиқатига эътибор қаратади. Мусулмонобод замонларда ҳам Отабек, Юсуфбек ҳожи, Офтоб ойим сингари иймон-эътиқодли кишилар бўлгани сингари Ҳомид, Содик, Мутал, Жаннат сингари қабиҳ кимсалар ҳам яшаганини кўрсатади. «Наво куйи»

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 132—133-бетлар.

бобида ёзувчи мусулмонобод замонларда ҳам мусулмончиликка мутлақо тұғри келмайдиган файриинсоний амаллар күп бұлгани хусусида бундай дейди: «Халқымиз таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бұлса-да, бироқ бу тантанали таъбирни бузиб құядиган ишлар ҳам йүқ әмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча эди. Үғирлик қылгани учун құл кесиладир ё дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадырлар, ичкилик ичган учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди мұлозимларига дарра құтартыриб, намозсизларни текширап, фарзи айнни билмаганларни урдирап эди. Иш шунчалик нозик бўла туриб ҳам ўғрилар ўз тирикчиликлари орқасидан қолмайдилар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб, моллари ўғирлана берадир, пештоқдан қопга бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турдирлар. Бутун умрида пешонаси сажда қўрмаганлар ҳам кўп, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди. Кўп кишиларнинг уйларida мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йүқ әмас эди. Тошкентнинг Чукур қишлоқ деган ерида очилган ва ҳамиша рустамнамо кишилар билан айқириб ётган бўзахонлар ҳам йүқ әмас эди<sup>1</sup>.

Офтоб ойим, Кумуш «мусулмонобод» замон аёллари бўлгани сингари «Эрига ўткирлиги билан машхур» «Ўзбек ойим ҳам шу даврнинг аёли. Мирзакарим қутидорнинг хотини ва қизи феъл-авторида итоаткорлик устун бўлса, Ўзбек ойимнинг табиатида такаббурлик устун. «Унча-мунча тўю азаларга «кавушим кўчада қолган әмас» деб бормайдиган бу аёл «Кеча ўрда бек ойимдан менга арава келган экан, феълим айнаб турган эди, бормай аравани бўш қайтардим... Бо худо, ўрда бекачи бўлса ўзига» деб мақтанади. Эри Юсуфбек ҳожига ҳам: «Сиз отамисиз, нимасиз ахир?» деб аччиқтиззиқ гапларни ҳам гапираверади. Бу жиҳатдан Ўзбек ойим билан Офтоб ойим ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Офтоб ойим ҳар қанча изтироб чекканида ҳам эрига қарши қаттиқ сўз айтмайди. Офтоб ойим бутун инон-ихтиёрини

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 217 – 218-бетлар.

эрига топширган итоаткор аёл бўлгани боис эрига «Ўзингиз биласиз... сизнинг оталик исмингиз бор, ҳам кўпроқ ихтиёр сизнинг қўлингизда» деса, Ўзбек ойим Юсуфбек ҳожини: «Ўғил ўстиришни, ўғил тийишни билмайсиз» деб силталайди. Лаби-лабига тегмай, эрига: «сиз шу кунгача барча ихтиёрни ўғлингизга топшириб, болани бола қилмадингиз, бир худбин қилдингиз... Ўғил ўстириш бу турда бўлмас; у тиласин-тиламасин, шартта-шартта тилагингизча қилингизда, қараб тура берингиз. Сиз ўзингизнинг шу «ўғлинг билар» деган гапингиз билан қанча яхши жойлардан қолиб, ниҳоят марғилонлик балосига йўлиқдингиз... Эндиги ихтиёр менда!» деб бобиллаб беради<sup>1</sup>. Офтоб ойим эрининг раъйига қарайди, унинг кўнглини ранжитишдан қўрқади. Ўзбек ойим эса ўз мақсадига эришиш учун ўғлини ҳам, эрини ҳам аямайди. У ўз орзу-ҳавасини намоён этиб, одамлар орасида эътибор қозонмоқ учун ўғлини уйланишга мажбур қилаади. Бу мажбуrlаш оқибатида қанча кишилар жабр чекиши мумкинлигини эса хаёлига ҳам келтирмайди.

Юсуфбек ҳожи Ўзбек ойимдан фарқли тарзда, масаланинг ҳамма жиҳатларини обдон ўйлаб кўради. Ўглининг ҳам, хотинининг ҳам кўнглига қарайди. Улардан бирортасининг истагига қарши бормайди. Айрим бой-бадавлат амалдорлар сингари ўғлини талтайтириб, эркалатиб рафбатлантиргани каби хотинининг такаббуона тантиқликларини ҳам кескин синдириб ташламайди. У ҳамиша вазмин, салмоқлаб гапиради. Романда у Шарқ донишмандларининг тимсоли сифатида намоён бўлади. У Отабекка: «Ўғлим, сен онангнинг гапига аччиғланма. Ул ҳар нарса деса, фақат Маргилондан уйланганингга қаршилигидан айтадир. Аммо мендан сўрансанг, Маргилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важ билан камсита олмайман, балки бизга куда бўлмоққа энг муносиб кишилар эди, балли ўғлим, дейман. Сенинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаган ота-она соққа ҳисобланмайдир (Яъни соғ эмас, демоқчи). Сен бунга яхши ишон. Аммо бизнинг ҳозирги баъзи бир раъйларимиз сенга ётишиб келмас экан, бунга ҳақинг ҳам бор, лекин иккинчи тарафдан, бизни ҳам ҳақсиз ташлаб қўйма, ўғлим.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 135-бет.

Бизнинг сендан бошқа умид нишонамиз, ҳаёт қувончимиз йўқ. Дунёда кўриб ўтатурган барча орзумиз, ҳавасимиз фақат сенгагина қараб қолган. Биз худои таолого минглаб шукур айтамизки, сен бошқаларнинг фарзандидек эс-хушли бўлдинг; кишилардек сен билан ифтихор қилмасак-да, сен орқали хижолат чекмасимизга ишондик. Айниқса, онангнинг сенинг туфайли кечатурган умидлари тобора ортиб боради. Бу кун онанг сенинг олдингда тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам орага тушиб, сендан сўраймиз: сен ўз хоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг сенга муборак бўлсин. Эслилик даъвосида юрган ота-онанг тилаги, албатта, шундан бошқа бўлмас. Шу билан бирга, сенинг сабаби вужудинг бўлган бир киши (яъни «сени дунёга келтирган, сут бериб боққан онанг» демоқчи) ўз ҳаёти ичида боласи орқали бир орзу-ҳавас кечирмакчи... Унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми, яна ихтиёр ўзингда...»<sup>1</sup> дея сўзлаб, масаланинг қанчалик мураккаблигини аниқ баён этади. Романинг айни ўринларини мутолаа қилаётган чогида ҳар қандай китобхон фоят таъсиrlаниб кетади.

Отабек ҳам Юсуфбек ҳожидек иймонли, диёнатли бўлгани учун ота-онасининг кўнглига қарайди. Уларни ранжитмасликка ҳаракат қиласи. Онасининг ўз орзу-ҳавасини амалга ошириш йўлидаги такаббурона хатти-ҳаракатларига ҳеч қачон кескин қаршилик қилмайди. У ота-онаси қаршисида ўзининг ожиз эканини дил-дилидан ҳис қилиб эзилади. Романда Отабекнинг бу ҳолати ҳам Юсуфбек ҳожининг чукур мулоҳазалар мужассами бўлган таъсиrчан сўzlари даражасида аниқ ифодаланади: «Отабек мағлуб бир боқиш билан у сўзни айтгувчи онасига қаради ва ялинчоқ бир оҳангда жавоб берди:

— Мен сизларнинг орзуларингизни бажаришга, агар хурсандлигингиз шу билан бўлса, ҳар вақт ҳозирман. Аммо бир бечорага кўра-била туриб жабр қилиш ҳам хиёнат...

Ҳожи ўғлининг мақсадига дарров тушуна олмади ва сўради:

— Кимга? Хотинингами?

— Йўқ, сизнинг олатурган келингизга. Ўғлингизнинг вужуди билан орзунгизни қондириш осон бўлса ҳам, кели-

<sup>1</sup> Кодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 139-бет.

нингиз қаршисида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида тасаввур қилингиз!»<sup>1</sup> Бундан маълум бўладики, Отабек онаси олиб бермоқчи бўлган Зайнабни ўз хотини санамайди. Уни борйўғи ота-онасининг «келинни» деб билади. Аммо у бу фикрини ҳам очик-ошкора, қўпол, дагал тарзда эмас, ғоят юмшоқ, ота-онасининг кўнглини оғритмайдиган бир тарзда айтади. У Зайнабга ачинганидан уни «бечора» деб атайди. Ота-онасига ҳам Зайнабни келин қилиш унга нисбатан «жабр ҳам хиёнат» бўлишини англатмоқчи бўлади. Бироқ ўзининг такаббурона орзу-ҳаваси бандаси бўлган Ўзбек ойим ўғлиниң сўзларини тушунишни ҳам истамайди. Чунки у «Айтганим – айтган, деганим – деган. Бошқаларнинг эмас, факат менинг деганим бўлиши керак» дейдиган худбин, тақаббур, шуҳратпарамастлар тоифасидан. Шунинг учун у Ҳасаналини ҳам, унинг хотинини ҳам ҳеч қачон «сиз» ламайди. Ўзбек ойим Ҳасаналига: «Олдин сўзимга жавоб берчи, ер юткур!» дея бемалол дағдаға қиласверади. Ҳасаналининг айтган гаплари унинг истакларига тескари келса: «Гапирма-гапирма, бошда шу марғилонлик балосига ўзинг сабабчи бўлганмисан, ҳали ҳам ўшанинг томонини олиб сўзлайсан... Бўлди-бўлди, тузингни ичиб, тузлуғингга тупурганни худой кўтарсан» деб қарғаб койиб ташлайди. Ваҳоланки, Ўзбек ойим «эллик беш ёшлиар чамаси» бўлса, Ҳасанали «олтмиш ёшлиар чамасида, чўзиқ юзли, дўнгроқ пешонали, сариқقا мойил тўгарак қора кўзли, оппоқ узун соқолли чол» эди<sup>2</sup>.

Ўзбек ойим Марғилондан келган қудаси Офтоб ойим, келини Кумушни ҳам такаббурона қарши олади. Юсуфбек ҳожи Офтоб ойимга: «Баракалла, синглим! Ҳайтовур чарчамай келдиларингми, мен сизларни овора қилдим-ов» дея узроҳоҳлик қилса, Ўзбек ойим Офтоб ойим ва Кумушнинг олдида хизматкор аёл Ойбодоқча: «Тезроқ чойингга қара, бечораларнинг аравада ичаги узилгандир» дейди. Офтоб ойим ва Кумушга эса очиқдан-очиқ: «Мен сизлардан хафаман» дейди. Уялиб тортинган Кумушга: «Бугун-эрта бизга янги келинсан, учинчи кундан бошлаб, сен муғомбирнинг бо-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 140-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 18-бет.

шингда тегирмон юргизишни ўзим яхши биламан! Яна ҳали сен менинг совунимга кир ювиб кўрганинг йўқ» деб айтади. У бу гапларни ҳазил-хузул тарзида айтса-да, аслида ҳам шундай эди. Ўзбек ойим Кумуш ва унинг онасига: «Мен сизлардан жуда хафа бўлган эдим. Сизларни чурик латтага ўраб, токчага ташлаш даражасига етган эдим. Наҳотки уч йил бўлса-ю, бир йўли ўз билгиларингизча келмасаларингиз. Ўғлим бечора ой ўтмасдан бўзчининг мокисидек қатнаб турса... Ахир менинг ҳам ўзимга яраша обрўйим бор, Тошкентда кимсан, Юсуфбек ҳожи деганнинг кўчиман, Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб, бизга меҳмон бўлдилар... Кушбегининг уй иchlари бўлса, бир ишни менинг кенгашимсиз қилмайдилар... Шундай обрў кўрган бир киши, келиб-келиб наҳотки ўз қудасидан ва келинидан мунчалик обрўсизлик кўрса. Шаҳардаги каттадан-катта эртаю кеч қулоқ-миямни ейдирки, ҳой, марғилонлик келинингиз келдиларми, нега шундоқ келинингиз бўла туриб, Марғилонга ташлаб қўйибсиз? — Мен бўлсам ҳеч сўз тополмаганимдан айтаман: — Келинимнинг онаси касал эмиш... Иккинчи вақтда: — Келиним бечора мунглув... дейман. Энди кўрсам, милитиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан... Мен бу одобсизга тағин ўзим ўлтирган уйимни бўшатиб берибман-а!» дея гинахонлик қиласи.

Юсуфбек ҳожи феъл-автори жиҳатидан Ўзбек ойимнинг тамоман тескариси. Унинг салобатли, нуроний қиёфасидан ҳам, чуқур маънодор мулоҳазаларидан ҳам улуғвор донишмандлик ёғилиб туради. У ўз шахсий манфаатидан эл-юрг манфаатини ҳамиша устун қўядиган ноёб кишилар сирасига киради. Шунинг учун ҳам у: «Мен бизнинг халқнинг одам булишидан тамом умидимни уздим... Эсимни таниганимдан бери амал демай, мансаб демай, фақат мусулмонлар манфаатини кўзлаб келиб, оёғида (яъни «охирида») ўзини күшбеги, мингбоши олган (яъни «деб биладиган») уч-тўрт манфаатпарамастлардан гўё ёш бола каби алдандим. Шу кунгача бўлмаганларга бўлишмоқчи бўлиб, умримнинг ниҳоятига етиб қолдим. Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарамастлар таъсирида қорайди. Ёшим олтмиш бешга етиб, бир вақт бўлсин, ибодатимни жаноби ҳаққа бевосита ўналтирганимни ва кўнгил кўзим очилиб қилган саждам-

ни хотирлай олмайман. Бу алданишим эрса, ҳақ тарафидан бир танбех, бўлмаганларга бўлишмоқчи бўлганим учун бир киноядир» дейди<sup>1</sup>.

Юсуфбек ҳожи яна: «Манфаати шахсиясидан кечиб, фагат эл баҳти учун бош тикканлар жамоаси керак... Шу ёшга етиб бу халқ орасида ҳалиги жамоани уч-тўрт нафардан ортиқ учратолмадим» дейди. Юсуфбек ҳожининг ўз шахсий манфаатидан кўра бошқалар, нафини кўпроқ ўйлаши унинг хотини, ўғли ҳоҳиш-истакларига қулоқ тутишида ҳам яққол намоён бўлади. У оила аъзоларига ҳам ҳеч қачон кўрс, дагал муомала қилмайди. Юсуфбек ҳожининг қизиқ бир табиати бор: хотини билангина эмас, умуман, уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса-бўлмасин, узоқ сўзлашиб ўтирумайди. Отабекми, онасими, Ҳасаналими, ишқилиб, уй ичидан бирортасининг сўzlари ва ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадилар; мақсад айтилиб битгандан сўнг секингина кўтарилиб, унинг юзига қарайдилар. Ҳожи бир неча вақт сўзлагувчини ўз оғзига тикилтириб ўтиргандан сўнг, агар маъқул тушса, «хўп» дейдир, гапига тушунмаган бўлса, «хўш» дейди, номаъқул бўлса, «дуруст эмас» дейди ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса, бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, бундан бошқа сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир<sup>2</sup>. Ана шундай оғир-вазмин, ҳавас қилса арзийдиган инсонга Ўзбек ойим: «Сиз қариб эсингизни еб қўйибсиз, ўғлингизни марғилонликка топшириб қўйиб, яна эл ичидан бошингизни кўтариб юрмакчи бўласизми?» дея қаҳр-газабини сочаверади.

Ўзбек ойим Кумуш тўғрисида: «Менинг чин келиним Марғилонда эди-да... Рост, бу келиннинг ҳуснидан ҳам бошқа яна тағин бир алоҳида хосияти борга ўҳшайдир» деган бўлсада, дастлаб уни ҳам назар-писанд қилмай камситади. У ўелига: «Мен сени бу умид билан боқиб катта қилмаган эдим... Сен бизнинг наслимизни кўтариш ўрнига, ерга уриб булғадинг. Биз сени Марғилон андисига бунчалик муккасидан кети-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 325—326 -бетлар.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 134-бет.

шингни ўйламаган эдик, адабсиз... ўзингта қолса, шу марғилонликни хотинга ҳисоблаб кета берар экансан-да, уятсиз», деб уришади. Кумушни «қошли, кўзли бир анди... ўзи хитойми, нима бало... ўзи қалмоқдан тарқаган бўладир... лўлиларнинг бир тоифаси» деб атайди<sup>1</sup>. Кумуш Зайнаб тарафидан ўзига нисбатан хавф борлигини сезгани учун: «Мен сизнинг уйингизга бутун умрга келган эмасман... атиги уч-тўрт кун қайин ота, қайин оналаримни кўриб кетиш учунгина келганман. Шунчаликка бир-бири миздан четлашиб, мунгайшишимиз кишига оғир келар экан» дейди<sup>2</sup>.

Зайнабнинг қиёфаси: «Ўн етти ёшлар чамали, кулча юзли, оппоққина, ўртача хуснли» деб тавсифланади<sup>3</sup>.

Ёзувчи Кумуш ва Отабек ўртасидаги муносабатни «икки ёшнинг биринчи ҳам соф муҳаббати», «илоҳий муҳаббат» деб таърифлайди. Ўзбек ойимдай такаббур аёл ҳам Кумушга қойил қолгани хусусида романда бундай дейилади: «Гоҳо Ўзбек ойимнинг ўзи ҳам Кумушнинг хуснига ва муомаласига ажаблана бошлар, ҳожини овлоқроқда учратиб қолса, «алҳазар, ўғлингиздан – уйланган хотинини қаранг!» деб қўяр, ҳожи бўлса, ўзинг билган сеҳрчи ҳиндигенинг ҳам бошингни айлантирибдир...» деб илжайганда, Ўзбек ойим: «Рост, бу келиннинг хуснидан ҳам бошқа яна тагин бир алоҳида хосияти борга ўхшайдир!» деб кулар эди<sup>4</sup>. Юсуфбек ҳожи эса Кумуш тўғрисида «бу одам фарзанди эмас – фаришта» дейди. Ўтаббой қушбеги ҳам Кумушни «нажот фариштаси» деб атайди. «Ситамгар пари» – Кумуш «ўзининг сеҳрли кўзлари-ла қараб кулиши билан Отабек қалбидаги инқилоб ясаси» ҳам романда мароқ билан тасвирланади. Лекин ёзувчи Кумушнинг бу каби нурли – ижобий жиҳатларини таъриф-тавсифлаш билан чекланмасдан, унинг ички дунёси қоронғиликларидан ҳам ўқувчиларни хабардор қилали... Жумладан: «Қўнглида бир хиралик билан бориб, дарича ёнига ўтирди. Зайнабнинг ҳасадини қўзғатмаслик учун Отабек билан муомалада қилған эҳтиётлари заррача фойда бермаганига ҳайрон, энди қайси йўсинда муросани созлаш

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 138-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 344-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 162-бет.

<sup>4</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 339-бет.

йүлларини ўллар эди. Үн беш кун ичидәөк бунча кескинлашган Зайнабнинг ички адсоватининг бир ойда қайси дара жаларга бориб етишини ўллар ва муроса бу ҳолда кетган тақдирда бу уйда узоқ қола олмаслигини фаҳмлар эди. Лекин бу уйдан чиқиб кетишини, бир-икки ойлаб Отабекни Зайнаб қўлига топшириб қўйишни яна мувофиқ кўрмас, яъни Кумушда ҳам бир қизганчиқлик ҳисси ўйгонган» дейди<sup>1</sup>. Ёзувчи қаҳрамон характеристидаги ушбу ўзгаришга эътибор қаратиш орқали унинг инсон сифатидаги ожизликлари ни таъкидлайди. Кумушнинг ўрнида бошқа бир киши бўлганида ҳам албатта у каби ҳолатга тушарди. Чунки ўз манфатини ўйлашдан ҳеч ким тамоман фориг бўлолмайди. Рашк, ҳасад каби хусусиятлар ҳар бир одам табиатида, кўпдир оздир, албатта мавжуд. Кумуш ҳам эрини кундошидан қизғанишга ҳақли. Зайнабда ҳам шундай қилишга тўла асос мавжуд. Чунки Отабек Кумушнинг эри бўлгани сингари Зайнабнинг ҳам қонуний-шаърий эри.

Абдулла Қодирий рашк, ҳасад, аламзадалик каби қалбни азоблайдиган ҳиссиётлар изсиз кетмаслигини Кумуш ва Зайнаб, Отабек ҳамда Ҳомид муносабатларида кўрсатади. Зайнаб рашк, ҳасад қилганидан Кумушни заҳарлаб ўлдиради. Ҳомид Отабекни йўқ қилиш учун кўп уринади: тухмат қилиб, дор тагига элтади, Содик, Мутал сингари қотил калакесарларни ёллади. Аммо ўзи қазиган чоҳга ўзи қулайди.

Романда ҳасад, рашк, адсоват Зайнабни қандай аҳволга согани қуйидагича тасвирланади: «Зайнаб уч-тўрт ойнинг ичиди киши танимаслик ҳолга тушган эди. Илгариги тўлалигининг ярмисини йўқотгандек, тулага қаримсиқлик кирган. Кўз ҳаракатида ҳам бир бесаранжомлик зоҳир ва буларнинг устига ҳеч қачон унда кўрилмаган «оғирлик» ўрнига асабийликка яқин бир вазият ўтиргандек эди»<sup>2</sup>. Демак, жиноятга қўл уришдан аввал Зайнабнинг «кўз ҳаракатида ҳам бир бесаранжомлик зоҳир бўлган». Оғир, вазмитабиат сифатида таассурот қолдирган Зайнабнинг феълида «асабийликка яқин бир вазият» юзага келган. Рашк, ҳасад туфайли пайдо бўлган изтироб, азобланишлар эса қандайдир «порт-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 341-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 366-бет.

лаш» ҳосил қилиши табиий. Абдулла Қодирий Зайнабнинг қабиҳ ишга кўл уришини романда аниқ асослаб беради. У: «Мен – ёзувчи, «Ўтган кунлар» ҳикояларини отам мархумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктиради. Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишга мажбур бўлдим. Дарҳақиқат, ўз орамизда кундош жанжалини ким билмасин? Арзимаган гап устида дунё бузган кундош тўполонлари кимнинг қулоғига ёқсин? Ўқувчининг қимматли вақтини аяганимдек, қалами ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим» деса-да, кундошлик адовати, рашқ Зайнаб ва Кумуш ички дунёсини қанчалик алгов-далғов қылганини уларнинг руҳияти, кайфияти, юз-кўзидағи ўзгаришлар асосида аниқ гав-далантиради.

Кумуш ҳам уни аллақандай ноҳушлик кутаётганини ички бир ҳиссиёт билан сезади. Шунинг учун фарзанди туғилиши арафасида онасига: «Нима учундир юрагимда бир қўрқув бор... Келаси ойдан жуда юрагим уюшадир... Кечалари кўкка қараб, келаси ой шу кунларда ёруғ дунёда борманми, йўқманми дейман... Келаси ойдан қўрқаман... Кўришолмасак, мендан рози бўлинг, дадам ва бошқа ёри дўстлар ҳам» деб хат ёзади. Кумушнинг онаси ҳам фалокат рўй беришини худди пайқагандай: «Кундошингнинг қўриниши боёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан... Бундай одамдан албатта ҳазир кепрак. Агар ораларингга совуқчилик тушадирган бўлса, сен ўчакишиб юрма, яххиси, қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил! Мен бу тўғрида эринг билан ҳам сўзлашиб қўйдим, тузукми?» деб айтади<sup>1</sup>. Отабек ҳам худди хавфни сезгандай Кумушга: «Тошкентда қолмасли-гингиз менга маъқул қўринадир» дейди.

Абдулла Қодирий қаҳрамонлари ҳаракат-ҳолатларидағи ўзгаришларни уларнинг ички дунёси билан боғлиқ тарзда кўрсатади. У инсоннинг ҳар қандай ташқи ҳаракати унинг ички олами, руҳияти билан боғлиқлигини чуқур ҳис қила-ди. «Ўтган кунлар» романи бу жиҳатдан ўзбек адабиётидаги биринчи ва айтиш мумкинки, тенгсиз асар. Ёзувчи Отабек-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 359-бет.

нинг ҳам, Ҳомиднинг ҳам, Зайнабнинг ҳам таъсирчан психологияк портретини яратади. Абдулла Қодирий ушбу романнда психологик портрет яратишида беназир санъаткорларга хос маҳоратини намоён этади. Кўзи ёриган Кумушнинг овқатига заҳар қўшганидан бесаранжом Зайнабнинг ҳолатини у қуийдагича тасвирлайди: «Ҳозир Зайнабнинг чехраси очиқдек кўринса ҳам, аммо бу очиқ чехранинг замирида уни жиддийроқ машғул қилган яна бир гап бордек, яъни қўринишдан шошганлик ва ё шунинг сингари бир ҳол унинг шу очиқ чехраси остига яширгандек эди»<sup>1</sup>.

Романда Отабекнинг ўз душманларини ички бир туйфу билан сезиши ҳам таъкидланади. У Ҳомид билан илк учрашган пайтидаёқ урталарида қандайдир нохушлик рўй беришини пайқайди. Ҳомид ҳам худди шундай ҳолатга тушади. Романда бу: «Эҳтимол, – деди Отабек ва нима учундир файриихтиёрий бир тебранди. Унинг юзида бир ўзгариш ва вужудида бир чайқалиш бор эди. Ундаги бу ўзгаришдан Раҳмат хабарсиз бўлса ҳам, аммо Ҳомид уни ер остидан таъқиб этар эди». «Бу таъқиб Отабекдаги ҳалиги ўзгаришни пайқабми ёки тасодифий эди, бу тўғрида бир мулоҳаза айтиш, албатта, мумкин эмас» дея тасвирланади<sup>2</sup>. Отабекнинг ўз душманларидан бири қўрбоши эканини ички бир туйфу билан сезиши эса бу тарзда қўрсатилади: «Отабек кўлларини бўшатувчи қўрбошининг бунчалик титраб қалтирашидан ўз рақибларидан биттаси шу киши бўлганини ўлади. Гарчи ўзининг нажоти ҳали ҳам қоронгу эрса-да, қўрбошини бир синаб қўриш учун ҳамма кучини икки кўзига йиғдида, унга қаради. Фавқулодда даҳшат касб этган унинг кўзлари қаршисида қўрбошининг гуноҳкор кўзлари чидай олмадилар-да, ерга бокдилар»<sup>3</sup>.

«Қора чўтири юзли, чогир кўзли, чувоқ соқол» Ҳомидга хотинлари ҳам яхшилик тиламайди. Чунки у «Кўп хотин орасида азобланиш ўзи нима деган сўз? Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тирикчилик қилюласан! Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб, жанжал-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 376-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 13-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 101-бет.

га түйгүнимча йүқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йүқ эмас» дейди<sup>1</sup>. Кумушни учинчи хотини қилиб олиш мақсадида икки йилдан күпроқ вақт ичидә турли қабиҳликларга күл уради. Отабекка туҳмат қилиб, уни дор тагига элтади. Сохта талоқ, хатлар ёздириб, Отабек ва Кумушни маълум муддат бир-биридан айиради. Бегуноҳ Комилбекни ўлдиртиради.

Инсоннинг ким эканлиги унинг аёлларга қандай муносабатда бўлишида билинади. Ҳар бир қизни, аёлни ўз фарзанди, онаси, опаси, синглиси ўрнида тасаввур қиласиган киши аёлларга ҳеч қачон кўпол, дағал муомала қилмайди. Аксинча уларга ҳамиша хурмат кўрсатади. Ҳомиднинг феълатворида эса ёвузлик, шафқатсизлик устун. Шунинг учун у хотин-қизларга нисбатан паст назар билан қарайди. Унинг «Қамчинингдан қон томиб турса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қилоласан» дейиши шундан далолат беради. «Ҳар ким эккани ўради». Ҳомид ҳам хотинларига қандай муносабатда бўлса, улар ҳам унга шунга яраша тилак тилашади. Романда бу хусусда бундай дейилади: «Унинг Кўқондан қайтиши иккала хотини учун ҳам улуғ фалокат бўлди. Чунки арзимаган бир сабаб билан иккаласи ҳам яхшигина таёқ еб олди. Шунинг учун икки қундош унинг олдига киришдан кўрқиб, яна тўғриси унинг совуқ афтини кўришдан жирканиб, ҳовлининг чет-четида юрадилар, икки қундош билиттироқ унга ўлим сўрарлар: «Кўқонда ўлса, ўлигини итлар еса, биз ачинарми эдик!» деярлар эди»<sup>2</sup>.

Ҳомид бошқаларнинг хоҳиш-истаги билан мутлақо ҳисоблашмайди. У ўзгаларни бўйсундириш, итоатда тутишни истайди. Шунинг учун ҳам иккала хотинини «арзимаган сабаб» топиб калтаклайди. Кумушнинг унга нисбатан кўнгли бор-йўқлиги тўғрисида ўйлаб кўришни, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмайди. Чунки у «Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ. Хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя» деган тушунча билан яшайди. Ҳомид сингари такаббур, зўравон кимсаларга ўзгаларнинг ҳам қалби борлиги, бошқаларнинг фикри билан ҳам ҳисоблашиш кераклигини асло тушунтириб бўлмайди.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 12-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 64-бет.

Ҳомиднинг Отабеклар оиласини барбод қилиш учун жон-жаҳди билан тиришиши унинг Кумушнинг севиб қолганида эмас. Чунки у Кумушнинг ҳусни довругини эшитган бўлсада, ўзини кўрмаган ҳам, гаплашмаган ҳам. Аммо у «хотинни уч қилиш ўйи» билан банд. Кумушни учинчи хотини қилиб олиш мақсадида аямай пул сарфлайди. Содик, Мутал, Жаннат сингари кимсалар билан ҳамтовоқлик қилади. Ҳомиднинг Кумушга уйланишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилишдан асл мақсади Мирзакарим қутидорнинг мол-мулкини кўлга киритиши! Аммо романда бу ҳусусда ҳеч бир нарса дейилмайди. Ҳомид Мирзакарим қутидорнинг бадавлат эканлигини, унинг мол-мулки ёлғиз қизи Кумушга қолишини жуда яхши билади. Шунинг учун бу мақсадига эришиш йўлида турли қабиҳлигу қотилликдан қайтмайди. Ҳатто, опасининг эри Зиё шоҳичи ва жияни Раҳматнинг ҳаётини хавф остида қолдирали. Отабекнинг ўлдиририш учун қотил ёллайди. Агар Ҳомид ошиқ бўлганида эди, у бунчалик ёвузлашмасди. Ҳомид сингари кимсаларнинг манфаатпарастлиги туфайли фикри торайиб, қалби кирланганидан бошқаларни ўйламай қўяди. Ҳомидларнинг аёлларга паст назар билан қараши ҳам шундан келиб чиқади.

«Ўтган кунлар» романининг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан ундаги Ҳомид образи билан боғлиқ. Ҳомиднинг маккорликлари, қабиҳликлари фонида Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожининг инсоний фазилатлари намоён бўлади. Ёзувчи Ҳомид ва Отабек муносабатларида эзгуликнинг ёвузликдан устун келишини, аммо бу foят катта қийинчиликлар, машиқатлар, эзилиб азобланишлар натижасида амалга ошишини кўрсатади. Абдулла Қодирий Ҳомид ва унинг Содик, Мутал, Жаннат сингари ҳамтовоқлари кирдикорлари асосида инсон ёвузылик ботқоғига бир ботса, баттарроқ чўкишини асослаб беради. Қабиҳлик кўчасига кирган Ҳомид уринишлари чиппакка чиқса-да, жиноят қилишдан тийилмайди. Содикнинг онаси Жаннат ҳам шундай аёл. Абдулла Қодирий Кумуш портретини қанчалик меҳр, ихлос билан тасвирласа, Ҳомид ва унинг ҳамтовоқлари турқини шунчалик нафрат билан қаламга олади. Жаннат, Содик, Муталнинг ташқи қиёфасининг ўзиёқ китобхонда жирканиш уйғотади.

Жаннат портрети: «Ердан пичиб олгандек пак-пакана, бурни юзи билан баравар, деярли теп-текис, күзи қоққан қозық ўрнидек чуп-чукур, оғзи қулоги билан қошиқ солишар дарражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек сапсариқ қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин»<sup>1</sup> деб тасвиirlанса, унинг ўғли Содиқнинг кўриниши: «Йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, уккининг кўзидек чақчайиб ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзига парчалангандек юза (пучук) бурунли, манглайи қанча ташқарига ўсиб чиққан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси вақтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлуқ»<sup>2</sup> деб чизилади. Онаси боласига, боласи онасига қиёфа-кўриниш жиҳатидан ҳам, феъл-автор жиҳатдан ҳам мос, муносиб.

Мақсади бирорларга ёмонлик қилиш бўлғанлар бир-бири билан тезда топишади. Қора ниятли Ҳомид ҳам Жаннат, Содиқ, Ҳомидни ўзига ҳамтовоқ қилиб олади. Отабек эса «бир ишқ, ҳам чин бир ишқ» кишиси бўлгани боис Уста Олимга йўлиқади. Яъни ноҳақ туҳмат туфайли қайнотаси дарвозаси олдидан ҳайдалгани туфайли хушсизлангандай бўлиб қолган Отабекнинг минганди оти қоронгиликда Усто Олимнинг ҳовлиси олдига келиб тўхтаб қолади. Бу тасодифан рўй беради. Уста Олим ҳалоллиги, муҳаббатига садоқати жиҳатидан Отабекка ўхшайди. Уста Олим ўзининг баҳтсиз муҳаббати қиссасини сўзлаб берганида Отабек «Устанинг мозийсида эмас, ҳолида улуг бир маъно кўради»<sup>3</sup>.

Зиё шоҳичи совчиликка борганида: «Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладиган бир дурри бебаҳодир... кунлардан бир кун тақдир шамоли юради-да, бир кимсанинг иффат пардаси остида ўтирган қизининг юзидағи ниқобини кўтариб, иккинчи томондан бизнинг Отабекни шу афиғага рўбарў қиласадир. Шу дақиқадан бошлаб, бекда у афиғага қарши бир ишқ, ҳам чин бир ишқ туғиладир...» дейди<sup>4</sup>. Зиё шоҳичи бадавлат, ҳаёт тажрибаси бой киши сифатида Отабек қалбida туғилган муҳаббат «бир ишқ, ҳам

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 171-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 177-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 207-бет.

<sup>4</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 44-бет.

чин бир ишқ» эканлигини ҳис қиласы. Унинг «Мұхаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бұладиган бир дурри бебаҳо» дейиши эса ишқ-мухаббатни илохий деб англашидан далолат беради.

Ҳасанали ҳам муҳаббатни Зиё шоҳичи сингари: «жуда оз ийгитларга мұяссар бұладиган юрак жавҳаридир»<sup>1</sup> дея таърифлайди. Ӯзбек адабиётининг асл асарларидан бири «Ўтган кунлар» романида муҳаббатни «юрак жавҳари», «дурри бебаҳо» деб биладиган Отабек, Кумуш, Ҳасанали, Юсуфбек ҳожи, Уста Олим каби әзгулик тарафдорлари билан ишққа әрмак деб қарайдиган Ҳомид, Содик, Мутал, Жаннат сингари ёвузын, қабоғат «құча»сига кирганлар ўртасидаги мұрасасиз кураш гавдалантирилади. Бу муҳаббат «майдон»идаги қаҳрамонларнинг қувончу изтироблари улуғ адіб Абдулла Қодирийнинг юксак санъаткорона маҳорати туфайли китобхонларни ҳамиша ҳаяжонлантиради.



---

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 28-бет.

---

## МЕҲР ВА НАФРАТ ЎЙФОТГАН ҚАҲРАМОНЛАР

Абдулла Қодирий ишқ-муҳаббат сехрини, унинг азоб-уқубатга тұла мажароларини ғоят ҳаяжонли тасвирлайдиган ёзувчилар сирасига киради. Аслида барча ижодкорлар үз асарларида шу абадий мавзуни қаламга олади. Чунки ишқ-муҳаббат мавзуи ҳамиша ҳаммани қизиқтиради. Шу боис у адабиёттинг доимий мавзуси булиб келади. Навоийнинг газал, достонларида ҳам, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат каби шоирларнинг шеърларида ҳам ишқ-муҳаббат таърифланади. «Алпомиш», «Гүрүгли» достонлари ҳам ишқ-муҳаббат мажароларига асослангани билан ҳаммани қизиқтириб келади. Абдулла Қодирий «Ўтган қунлар» романыга ёзган сўз бошисида «халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»-лари, «Чор дарвешлари», «Фарҳод ва Ширин» ва «Бахромгўр»-лари билан таниширишга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз» дейди<sup>1</sup>. Адид таъкидлаган ушбу достонлар эса севги-муҳаббат мадҳига бағишлиңган асарлар сифатида аждодларимизни мафтун этиб келган. «Ўтган қунлар» романыда ҳам севишганларнинг кечмиш-кечирмишлари нақл қилинади. Отабек ва Кумушнинг фожиали муҳаббати қиссаси миллионлаб ўкувчи-лар қалбидан жой олиб келади. Агар ушбу асардан севишганларнинг муҳаббати билан боғлиқ воқеалар «олиб» қўйилса, у ҳеч кимни қизиқтирамай қўяди. Абдулла Қодирий иккинчи романни учун ҳам ҳаммани қизиқтирадиган муҳаббат мавзусини асос қилиб олади. Адид ушбу асарида ҳам муҳаббатнинг бекиёс гўзаллигини, унинг улуғворлигини кўрсатган. У аввалги асарида муҳаббат инсон ҳаётида туб бурилиш ясашини Отабек ва Кумушнинг ички кечинмалари, ҳаракат-

---

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган қунлар. Тарихий роман—Тошкент: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.—3-бет.

ҳолатларида фоят нафис ва таъсирчан гавдалантиргани каби «Мехробдан чаён»да ҳам муҳаббат ажиб ҳиссиёт, кечинмалару турфа можароларга тұла бўлишини ишонарли тасвирлаган. Севги-муҳаббат, уйланиш, оила қуриш жуда жиддий муаммо эканлиги, ҳар бир инсоннинг ҳаёти айни шу масала билан боғлиқлигини ёзувчи «Ўтган кунлар» романида Раҳматнинг тилида: «уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир» дея таъкидлайди. Аммо шу «нозик бир иш»да ёшларнинг эрки тұла ўзида эмаслиги, бу масалада барча хоҳиш-истак отоналар ихтиёрида эканлиги муаммони баттар чигаллаштиришига эътиборни қаратади. Роман қаҳрамони Раҳмат: «Уйланишдаги ихтиёrimиз ота-оналаримизда бўлганликдан – бу тўғрида уйланувчи йигит билан эр қилувчи қизнинг ломмим дейишга ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир» дейди. Отабек ўз бошига тушган кулфат, фожиалар тўғрисида ўйларкан, бу кўп жиҳатдан онасининг такаббурона орзулари билан боғлиқлигини ич-ичидан ҳис қиласи: «Уларнинг энг қимматли кунларини огуланган, икки йил бўйи давосиз дардга мубтало қилган, ярамас ва ишончсиз йўлларда санқишига сабаб бўлган ўз онаси эмасмиди? Рақибларга, душманларга йўл очиб берган шу она-нинг орзузи эмасмиди?»<sup>1</sup>

«Мехробдан чаён» романида ҳам Анвар ва Раъно муҳаббати ота-она, аникрофи, отанинг орзу-ҳаваси орқасида барбод бўлишига бир баҳя қолиши ҳаяжонли воқеаларда кўрсатилади. Ушбу романда ҳам қаҳрамон худди «Ўтган кунлар» қаҳрамони Отабек сингари дор тагига боради. Унга ҳам душманлари туҳмат қилишади. Бунга ҳам ҳасад сабаб бўлади. Отабек ва Кумушнинг бахтига Ҳомид ҳасад қилса, Анвар ва Раъононинг муҳаббатини Абдураҳмон домла барбод қилишга уринади. Отабекнинг душмани «Узун бўйли, қора чўтири юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз», «яхшигина давлатманд», лекин шуҳрати нима учундир бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган бўлса, Анварнинг рақиби «масжиднинг ёш имом ва хатиби». Абдураҳмон домланинг ташки қиёфаси ҳам Ҳомиднинг кўриниши сингари кишида нохуш таассурот қолдира-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 307-бет.

ди: «Қора тұнли, үттіз ёшлар чамасида, рангиз ва ёшлиги-га қарамасдан қуюқ соқолини баҳайбат үстириб, бир бурда-гина юзига от тұрва осған каби бир киши»<sup>1</sup>. Абдулла Қоди-рий романларида қаҳрамонлар портретини тасвирашда халқ достонлари услубига амал қилади. Эртак, достонларида ёвузылк дүнёси вакиллари құрқынчли, жирканч қиёфада гавда-лантирилади. Масалан, «Алпомиш» достонида қалмоқ алпи Құшқулоқнинг қиёфаси: «Шомурти шохалаб ҳар ёққа кет-ган, учида чичқонлар болалаб ётган, Изидан тушган пишак олтойда етган» деб таърифланади<sup>2</sup>. Ушбу муболагали таъриф-да Алпомиш душманларидан бирининг ифлос, исқиrtleлиги-га эътибор қаратылади. Абдулла Қодирий ҳам ижобий қаҳра-монларга меҳр, салбий қаҳрамонларига нисбатан қаҳр үйго-тиш мақсадида улар портретини ўзига хос тарзда тасвираба-курсатади. Адип «Мехробдан чаён» романидаги Анвар, Раъ-но, Султонали, Нигор ойимга қарши бўлганларни «номар-губ-манфий қаҳрамонлар» деб атайди. У «Романинг мавзуи тўғрисида» шундай ёзади: «Туркистон феодалларининг ке-йинги вакили бўлган Худоёрхоннинг ўз хоҳиши йўлида деҳ-қон оммаси ва майда хунарманд косиб синфини қурбон қили-ши, мамлакат хотин-қизларини истаганча тасарруф этиши, бунга қарши келувчиларга, тиласа ким бўлмасин, раҳмсиз жазо бериши — романнинг мавзуидир. Худоёрхоннинг бу йўлдаги биринчи истинодгоҳи бўлган уламолар, уларнинг ички-ташқи аҳволи, ахлоқи, мадраса ва оила ҳаёти, уламо-да инсоний ҳис битганлиги ва қолгани ҳам ифлослик пар-даси остида сезилмас даражага етганлиги мундарижка сиф-дирган қадар баён қилинади. Булар романнинг номаргуб-манфий қаҳрамонлари»<sup>3</sup>.

Романда Анвар ва Раъннонинг:

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,  
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

(Мирзо)

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1978.—53-бет.

<sup>2</sup> Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси.—Тошкент: «Фан», 1999.—202-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1978.—2-бет.

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидан,  
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг мирзоси.—

(Раъно)

деган шеърий ёзишмаси пешсўз сифатида келтирилади. Бу пешсўзда севишганларнинг бир-бирига муносабати аниқ, акс этади. Аммо ана шу самимий муносабатга ғов бўлганлар билан тўқнашув ва можаролар «Мехробдан чаён» мундарижасини ташкил этади. Ёзувчи «Ўтган кунлар» романини ижобий қаҳрамон — Отабекни таниширишдан бошлаган бўлса, «Мехробдан чаён»ни «номарғуб қаҳрамон» — Солиҳ маҳдум номини қайд этишдан бошлайди ва унинг таржимаи ҳоли, феъл-автори, одамларга, оила аъзоларига муносабатини маълум қиласи. Абдулла Қодирий ушбу асарида ҳам худди «Ўтган кунлар» романидаги каби қаҳрамонлари феъл-автори, дунё-қарашини уларнинг хотин-қизларга муносабати орқали кўрсатади. «Ўтган кунлар» романида номарғуб қаҳрамон — Ҳомиднинг «арзимаган бир сабаб билан иккала хотинини ҳам яхшигина таёқлаши», у «Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тирикчилик қилоласан. Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйгунимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас» деган ақида билан яшashi маълум қилинади. Солиҳ маҳдумнинг хотинига муносабати хусусида эса: «Нигорхонимни урмас ва ургандан бешбаттар қилиб сиқар эди... Нигор ойим йигирма-ўттиз қизни ўқитиб, улардан тушган «озодлик» ва панжшанбалик пулларга эга бўлолмас, ҳар куни деярли муҳтарам маҳдум поччага ҳисобини батамом топшириб туришга мажбур эди. Маҳдум бунинг эвазига ҳар йил бозорнинг энг дагал бўзидан бир жуфт кўйлак-лозим олиб берар, янги гуппи билан ёзлик мурсакни бўлса, Нигор ойим беш-олти йилсиз кўрмас эди» дейилади<sup>1</sup>. Адид Нигорхонимни тарьифлаш учун романда алоҳида боб ажратади. Ушбу боб «Нигорхоним бошдан эрдан ёлчимади» деб бошланади. Шундан сўнг бунинг сабаби шарҳи берилади: «Аввал эрининг фақирилиги, бойигандан сўнг бўлса, унинг зарбулмасал бўларлик хасислиги бечорани кўп йифлатди. «Хотин кишининг боши — уй ичининг огир тоши» эмиш... Ҳозир ўзи

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 14-бет.

қирқ ёшга кирган бўлса, йигирма беш йилдан бери шу мумсик эр билан тирикчилик қилиб келади»<sup>1</sup>.

Ёзувчи Нигорхоним каби аёлларнинг бундан бўлак иложи ҳам йўқлиғи, улар эрининг ҳар қандай жабр-зулмига тоқат қилишга мажбур эканлигини таъкидлаш мақсадида ҳар бир оиласда жанжал бўлишига эътибор қаратади. Оила-лардаги можароларнинг аксарияти етишмовчилик, камбағалиқдан келиб чиқиши хусусида бундай дейди: «Бир ямоқчи ёки мардикор ўз хотинини уради, сўқади, тепкилади. Бу ҳол уларда аксар фақирлик авжга мингандек бўлса, дарҳол вазияти ишонмаслик равишда ўзгариб кетади: «гап-сўз жойида, хотинни уриш ўрнига орқасини силаш, сўкиш ўрнига ялиниш ва арзи муҳаббат! Хотин ҳам кечаги келтак зарбини унугланади, гина ўрнига садоқат; гүё айтарсиз-ким, Юсуф Зулайҳоларми, деб».

«Мехробдан чаён» романидаги Солиҳ маҳдумнинг табиатидаги қурумсоқлик, зиқналил туфайли турли пасткашликларга қўй уришини кўрсатиш асосий ўрин тутади. Адаб бу мактабдор муаллим феъл-авторидаги ярамас иллатларни очиш асосида ўша замондаги айрим дин аҳллари, уламоларнинг жирканч дунёқарашини намоён этади. Худоёрхон сингари ҳукмдор, амалдорлар Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла каби дин аҳллари туфайли майшатпарастликка ружу қўйиб, хотин-қизларни хўрлаганига эътибор қаратади. Абдулла Кодирий майшатпараст ҳукмдорларнинг «мамлакат хотин-қизларни истаганча тасарруф этиши, бунга қаршилик қилувчиларга раҳмсиз жазо беришига» уламолар, яъни дин аҳллари сабабчи бўлганини «Романнинг мавзуи тўғрисида»ги изоҳида таъкидлаб ўтади. Уламолар Худоёрхоннинг «биринчи истинодгоҳи», яъни асосий таянчи эди, дейди.

Ҳукмдорларнинг майшатпарастлиги авж олиб, хотин-қизларнинг таҳқирланишига асос яратиб берган Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла каби кимсаларнинг ўзи ҳам хотин-қизларга паст назар билан қараганлигини кўрсатиш ушбу роман сюжети асосини ташкил этади. Нигорхонимнинг ота-

<sup>1</sup> Кодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 13-бет.

Си ҳам хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқларини менсимайдиган унга замон уламоларидан бири саналади. У «хон ўрдасининг мутаваффо мирзоларидан биттаси» дейилади. Романда Нигорхонимнинг отаси тўғрисида бошқа бирор-бир нарса дейилмайди. Нигорхонимнинг отаси ҳам, акаси ҳам роман воқеаларида иштирок этмайди. Улар Солиҳ маҳдумнинг уйланиши тарихи баёни муносабати билангина эслатилади. Аммо шу биргина ўрин Нигорхонимнинг ўз ихтиёрича эмас, балки ота-онасининг хоҳишига кўра турмушга чиққанини билдиради. Бу хусусда романда бундай дейилади: «Ўғил йигирмага, қиз ўн бешга етдими, оналарнинг дарди келин ва куёв савдоси бўлиб қолади... Хон ўрдасининг мутаваффо (яъни вафот этган-А.У.) мирзоларидан биттасининг мадрасада ўқиб юрган ўғли бор эди ва уйда сақич чайнаб ўтирган ўн олти ёшли қизчаси ҳам бор эди. Бу оила Моҳлар ойимнинг таклифини маълмамнуният қабул этди. Чунки «ўхшатмай учратмас» дегандек, нариги тараф ҳам Моҳлар ойимнинг биттаси эди... «Ҳай этти, ҳув этти-икки коски тўй этти» деганларидек, ҳар икки тўй бир ҳафта ичида ўтди: Наимахоним у ёқقا кетиб, Нигорхоним бу ёқقا келди. Шундай қилиб, Солиҳ маҳдум хотинлик бўлди». Абдулла Қодирӣ «Ўтган кунлар» романида ҳам ёшларнинг оила қуриши, уйланиши, эрга тегиши масаласини ота-оналар ҳал қилиши, бу хусусда фарзандларнинг қўнгли, хоҳиш-истаги ҳисобга олинмаслиги, «бу одат эса маъқул ва машруъ ишлардан эмас» лигига эътибор қаратган. Адиб иккинчи романини ҳам айни шу муаммога эътибор қаратиш билан бошлаган. Солиҳ маҳдум севиб ёки севилиб уйланмаган. Нигорхонимни унга онаси олиб берган. Аниқроги, Моҳлар ойим қизини Нигорхонимнинг акасига бериб, унинг ўзини келин қилиб олган. Яъни Моҳлар ойим билан «хон ўрдасининг мутаваффо мирзоларидан биттаси»нинг қуда-андалик муносабати қизларни «айирбош» қилиш асосида вужудга келган. Бундай «айирбош»лашга Моҳлар ойимнинг қизи, Солиҳ маҳдумнинг синглиси Наима ҳам, «хон ўрдасининг мутаваффо мирзаси»нинг қизи Нигорхоним ҳам ҳеч қандай қаршилик қилолмаган. Тўғрироги, қизларни эрга беришда уларнинг хоҳиш-истаги сўраб ўтирилмаган. Ўша замонларда оддий бир ҳодиса саналган бу одат тўғрисида «Ўтган кунлар» романида Кумушнинг

ўз-ўзи билан савол-жавобида бундай дейилгандын: «Кумушби-би күёвни ёқтирадими, йўқми? Бу тўғрида унинг фикрини билиш керакми, эмасми? Сўзлаш ҳам керак эмас, билди-риш ҳам. Нега? Чунки одат шул! Кумуш ота-она ёқтирган кишига рози бўлиш учун мажбур»<sup>1</sup>.

Албатта, ҳамиша бўлганидай, ўша «мусулмонобод» замонларда ҳам бу каби урф-одатларга қаршилик қилувчи-лар онда-сонда учраган. «Ўтган кунлар»да шундай «тартиб-бузар»лардан бири сифатида Хушрўйбиби образи яратилган. Хушрўйбиби Нигорхоним ёки Наима сингари итоаттўй эмас. У эрга тегиши масаласини ўзи ҳал қиласиди. Бу хусусда романда бундай дейилади: «Аксарият қизларимиз ота-она кимни мувофиқ кўрса, шунга тегишга мажбурдирлар. Лекин Хушрўйники мундоғ бўлмади. Хушрўй ўн саккиз ёшга еткандан кейин, унга совчилар кела бошлайдилар. Табиий, Хушрўйнинг феълини яхши билган ота-она унинг раъйини олмасдан туриб, бир иш қилмоқдан қўрқадирлар. Олим пансодбошига маъқул бўлган неча йигитлар, Моҳира ойимга ёқсан қанча тегу тахтли хонадонлар Хушрўй томонидан рад қилина борадир. «Фалончининг ўғлеми?» деб сўрайдир Хушрўй ва онасидан жавоб кутмай: «Худой кўтар-син эрни! Ўшанга текканимдан кўра, қора ерга текканим яхши!» дейдир. Бир неча вақт шу йўсун Хушрўйнинг раъйига қараб эру хотин зерикадирлар-да, ўзларича бир жойга қуда-лашмоқчи бўладирлар. Уларнинг андишасини билган Хушрўй бошда бунга қарши бир нарса демайдир. Аммо узил-кесил фотиҳа ўқиб, қудалашиш учун уйларига келган совчи ва қуда хотинларнинг олдиларига келиб, бетларига айтадир: «Ҳали мен эрсираб қолганим йўқ, фотиҳа ўқиб ташвиш чекмай, уйларингга жўнай беринглар!» Моҳира ойим бу юзсизликдан ер ёрилса, ерга киргундек бўладир. Совчи-лар эрса, бундай уятсиз қиздан алҳазар ўқишиб жўнайдир-лар. Албатта, ота-онанинг бунга қарши чоралари қарғиш ва ранжишдан нарига ўтолмайдилар. Оғаси Азимбекнинг Хушрўй устига кўтарган мушти ҳам «Нега мени урасиз, мен фалонлик қилдимми?» деган ҳақли сўз билан дармон-сизланадир.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 50-бет.

Шу воқеадан сүнг совчилар оёғи узиладир. Хушрўй учун ким оғиз солмай кўядир. Чунки бояги совчилар бу фавқулодда муомалани кўринган бировга достон қилиб ўқийдилар. Моҳира ойим таънага тил очадир: «Энди дунёдан эрсиз ўтасан, қизим!» Лекин Хушрўй ҳануз пинагини бузмайдир: «Эр қуриб кетган эмасдир, хоҳласам эртагаёқ эрга тегиб оламан», дейдир.

Уртадан бир неча вақт ўтиб, Азимбойнинг ўртоқларидан бўлган Нусратбек отли бир бекникидан хотин устига совчилар келадир. Моҳира ойим эридан фикр сўраш ўрнига қизига арз қиласидир ва Хушрўй бунга қолганда қулоқ қоқмайдир. Бу ризоликни эшишиб, ота ва огаси жуда севинишадилар. Зеро, Нусратбек беклар ичидан обручироқ кишининг ўғли ва ҳозир тутиб турган иши ҳам анча донғли бўладир. Шунинг учун унинг хотинли бўлиш камчилиги ҳам эътиборга олинмайдир. Фотиҳанинг иккинчи ҳафтаси тўй, никоҳлари бўлиб, Хушрўйнинг Нусратбек билан чодирда қилган биринчи муомаласидан тил бириктириб эрга теккани хотинларга маълум бўладир»<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирийнинг турфа характерли қаҳрамонлари барча замонларда ҳам итоатгўйлару исёнкорлар ҳамда бошқалар измида юрувчилару ўз ҳақ-хукуқи учун талашувчи кишилар бўлишидан далолат беради. «Ўтган кунлар»да Кумуш, Зайнаб, «Мехробдан чаён»да Нигорхоним итоатгўй аёллар вакиласи сифатида гавдалантирилса, Хушрўй («Ўтган кунлар»), Раъно («Мехробдан чаён») образларида ҳақ-хукуқи учун кураша биладиган хотин-қизлар феъл-атвори, шижкоту жасорати кўрсатилади.

«Мусулмонобод» замонларда эрига хукмини ўтказгандарнинг яна бир вакиласи Ўзбек ойим ҳам алоҳида эътиборни тортади. Ўзбек ойим Нигорхонимнинг тамоман тескариси. У бошқаларга ўз таъсирини ўтказиш жиҳатидан Хушрўйга ўхшаб кетади. Ёзувчи уни ўқувчига: «чала-думбул табиатли бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўткирлиги билан машҳур эди. Унинг ўткирлиги ёлғиз эригагина эмас, Тошкент хотинларига ҳам ёйилган эди» деб танишириади. Ўзбек

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 363—364-бетлар.

оим эри – Тошкент ҳокими мушовири, яъни маслаҳатчи-си Юсуфбек ҳожига «Сиз қариб эсингизни еб қўйибсиз, ўғлингизни марғилонликка топшириб қўйиб, яна эл ичидаги бошингизни кўтариб юрмакчи бўласизми?» деб қаттиқ-қаттиқ гапиради. Юсуфбек ҳожи эса «бу кулги» табиатга молик бўлган бу хотин билан энди ўтгиз беш йиллаб бирга яшар эди<sup>1</sup>. Роман бошида Отабек «бу ҳамдуна йилида йигирма тўрт ёшга қадам қўйиши» маълум қилинади. Отабек Кумушга уйланиб, бошидан кўп можаролар кечириб уч йилни ўтказди. Бу муддат ҳам қўшиб ҳисобланса, Отабек йигирма етти-йигирма саккиз ёшда бўлиб чиқади. Бундан Юсуфбек ҳожи Ўзбек ойимга уйланганидан кейин етти-саккиз йил ўтиб, фарзандли бўлгани аёнлашади. Бу Юсуфбек ҳожининг хотинини тоят қадрлаганини билдиради. Мирзакарим қутидор ҳам бу жиҳатдан Юсуфбек ҳожига ўхшайди. У ҳам Офтоб ойим биттагина фарзанд кўрганига қарамай, бошқа хотин олмайди. Юсуфбек ҳожи ҳам, Мирзакарим қутидор ҳам бой-бадавлат. Аммо улар Ҳомидга ўхшаган бойваччалар сингари хотин-қизларга паст назар билан қараашмайди. Шу боисдан фарзандлари тақдири, оиласий ҳаёти масаласини ҳал қилишда ўзларича хукм чиқаришмайди. Юсуфбек ҳожи Ўзбек ойимнинг орзу-хоҳишларига кўра иш тутади. Мирзакарим қутидор Офтоб ойимдан маслаҳат сўрайди.

«Меҳробдан чаён» романидаги Нигор ойим эса эридан бунчалик ҳурмат, эътибор кўрмайди. Шунинг учун ёзувчи унинг таърифини «Нигорхоним бошда эрдан ёлчимади» деб бошлайди. Унинг қиёфа-кўринишини «қисқа бўйли, писта пўчоқ тарғил кўзли, зарча танли; юзида онда-сонда чечак ўринлари бўлмагандан, ҳусндор бир хотин» деб тасвиrlагандан кейин феъл-атворини: «Ўз болалари билангина эмас, ҳатто, шогирдлари бўлган қизлар билан ҳам жуда юмшоқ муомала қилас, ортиқча аччиқланган кезларда «бетинг қурсин!» деб қошини чимириб олар эди. Эрига ўхшаш «озодлик» учун болаларини сиқмас, билъакс «бўшлиги» учун маҳдум томонидан сиқилар эди. Оз ва маъноли қилиб сўзлар, хотинлар билан муомаласини бошқа отинби билардек юқори-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 311-бет.

дан туриб қилмас, соддача суҳбатлашар эди. Хотинлар махдум домланинг бъязи қилиқларидан кулишсалар ҳам Нигор ойимнинг орқасидан фийбат сўзламаслар, олдида қандай хурматласалар, кейинидан ҳам ўшанча эҳтиромлаб, унинг махдумдек зиқна кишининг қўлига қарам бўлганига ачиниб «пешана – дея, айланай, қолу бало» дейишар эдилар» дея баён қиласди.

Нигор ойим Ўзбек ойим сингари «эрига ўткир» эмас, «бўш» бўлгани боис Солиҳ маҳдумга қаршилик қилолмайди. Солиҳ маҳдум Раънони хонга беришга розилик билдирганини маълум қилганида Нигор ойим: «Ўн йиллаб бизга кийдирган, едирган бечора Анварга оқибатимиз шу бўлдими? Шўрлик Раъно хоннинг юз хотини ёнига юз биринчи кундош бўлиб борадими?» деб йиғлашдан нарига ўтмайди<sup>1</sup>. «Бирни икки қилиш, бешни ўн қилиш яхши кечиниш учун турмас, аммо қўпайтириш учун яшаш»ни ақидаси, бош foясига айлантирган Солиҳ маҳдум эса хондан келган совчиларни «ўз истиқболининг хайрли фоли, файзи илоҳий деб қувонади. Чунки унинг кўз ўнгига қалин учун бериладиган бирсаноч олтин, эл қошидаги обру, энг охирида Худоёрхоннинг таҳт вориси бўлган хонзода келади. Ўзини эл сўраб турган ёш хон ёнида кўриб илжаяди»<sup>2</sup>. Отасининг феълатворида мол-дунёга ана шундай ўчлик бўлгани боис ҳам уни Раъно ёқтирамайди. Яъни «уй-рўзгор тўғриларида онаси ни сиқиб ушлаганидан ва фоҳш танглигидан ранжиб, отасини унча хушламайди»<sup>3</sup>. «Икки юз тилладан кўп ақчаси ва саводлик бўлган болалар зиёфатидан кийган икки сандиқча сарпоси» бўлган ҳолда «хасисликка ўҳшаган ҳолат, таъмагирлик каби одат, ичиқоралик сингари ҳаракат» билан умргузаронлик қиладиган Солиҳ маҳдумнинг қизи Раъно романда куйидагича таърифланади: «Раъно Нигор ойимнинг тўнғичи; бу йил ўн етти ёшни тўлдиради. Саводни отасидан ўқиб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб программасида бўлган барча дарсларни битирган. Масалан: диний қисмдан – «Ҳафтияқ», «Куръон», «Чаҳор китоб», «Сўфи Оллоёр», «Масла-

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 179-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 178-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 17-бет.

ки муттақин»; адабиётдан – Навоийнинг барча асарлари, девони Фузулий маъ «Лайли ва Мажнун», Амирий, Фазлий ва шулардек чигатой-ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан – Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил; хуснихат ва бошқалар. Бу кунларда бўлса, бир томондан, қизларга сабоқ бериб, онасиға кўмаклашса, иккинчи тарафдан, отасидан кофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг «Гулистон»идан дарс олади ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг бадиий асарларидан алоҳида бир мажмуа тузиб юрийдир. Баъзан «овлоқроқ жой»ларда ўзича манзумалар тўқиса ҳам, бироқ буларнинг иси ўзидан четган чиқмайди. Агар тўқиган шеъри ёки манзумаси ўзига маъқулдек тушса, фақат бир кишига гина кўрсатиб олади ва у киши ҳам бу сирни четга чиқармай турган ишончли, ўз кишиси!»<sup>1</sup>

«Ўтган кунлар» романида ҳам ёзувчи ўқувчини қизиқтириш мақсадида воқеаларни шундай сирли қилиб қўяди. Китобхон дастлаб Ҳомид нега Отабекни «ер остидан таъқиб этиши»ни, Раҳмат «Бизнинг Марғилонда бир қиз бор. Шундоқ кўҳликки, бу ўртада унинг ўхшashi бўлmas, деб ўйлайман... Шаҳримизда Мирзакаримбой отлиғ бир савдогар киши бор, бу шу кишининг қизидир. Балки сиз Мирзакарим акани танирсиз. У бир неча вақт Тошкентда қутидорлик қилиб турган экан... Унинг ҳовлиси пойафзал растасининг бурчагидаги иморатдир. Ўзи давлатманд бир киши, Тошкент ашрофларининг кўплари билан алоқадор бўлганликдан, балки отангиз билан таниш чиқар!» деганида Отабек «нима учундир ғайри-ихтиёрий бир тебраниб қўйганини» билгиси келади. Ёки Зиё шоҳичининг уйидаги зиёфат чоғида «Отабекнинг кўзлари ихтиёrsиз каби қаршисидаги қутидорга қарashi, қутидорнинг кўзи тушди дегунча, кўзини ундан олиб, дастурхондаги кўнгли тиламаган нарсаларга урина бошлиши, Отабекнинг бу ҳолини мажлисдагилар сезмаса-да, аммо Ҳомид уни таъқиб этиши», Ҳомиднинг тухмати оқибати қандай бўлиши, қовоқ девонани сўроққа тутган «кўз оғриғи» ким экани ҳам қизиқиши оширади. Китобхон такаббур Ўзбек ойим, «ичимдагини топ» писмиқ Зайнаб Кумуш ва Отабекка қан-

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 16-бет.

дай муносабатда бўлар экан, «душанба кечаси»да қандай фожия юз бераркан, деб ҳам ҳаяжонланади.

Адиб «Мехробдан чаён» романида ҳам ўқувчини шундай ҳаяжонга солиб, қизиқишини кучайтирадиган сирли воқеалар тизимини яратади. У дастлаб Раъононинг «ўз кишиси» борлигини маълум қилади. Лекин унинг кимлигини сир сифатида қолдиради. «Фазл ва заковатда ҳам ўтган хон замонлари асрининг нодир учрайтурган якто фозила қизлардан» дея таърифланган Раъононинг «ўз кишиси» ким эканлиги романнинг саккизинчи бобигача айтилмайди. Унгача Солиҳ маҳдумнинг аждодлари тарихи, унинг уйланиши, феъл-авторидаги ҳасислик иллати, кийиниши, кишилар билан муносабати, қандай рӯзгор юритиши баён қилинади. Нигорхоним, Раъно портрети тасвирланиб, улар феъл-автор жиҳатидан Солиҳ маҳдумнинг тамоман тескариси экани таъкидланади. Хусусан, Солиҳ маҳдумнинг хотини тӯғрисида: «Нигорхоним Кўқоннинг кўп хотинларига қараганда сабрли ва қаноатли экан. Дунёда ўз ўғлининг ҳасислигига чидолмаган она бўладими?! Ҳолбуки маҳдумнинг онаси Моҳлар ойим ўғлининг бу қадар зиқна ва сиқиқлигига тоқат қилолмай, норозилик юзасидан Марғилондаги ўғлининг ёнига кўчиб кетиб, ўша ерда вафот этди. Нигорхоним эса тишини тишига қўйди, эримдан яйраб-яшнамаган бўлсам, қизимдан ва олдинга қўйган ўғилларимдан ёлчирман, деб умидланди» дейилади. Раъно билан таништиришда эса ёзувчи энг моҳир мусавири ҳам қойил қолдирадиган портрет яратади. У «Мен рассом эмасман» деса-да, аммо рангларнинг товланишини, инсон аъзоларини сўз ёрдамида шу даражада тиник тасвирлайдики, бундан беихтиёр ўқувчининг завқи, ҳаяжони ортади. Адиб «Ўтган кунлар» романида ҳам Кумушнинг портретини фоят нафис чизиб кўрсатганлиги ёдга тушади. Китобхон беихтиёр бу икки қаҳрамон портретини таққослаб кўргиси келади. Ҳар бир ўқувчи «Мехробдан чаён» қаҳрамони Раъно чиройлими ёки «Ўтган кунлар»даги Кумушми, деб уларнинг қиёфасини хаёлан тасаввур қилади. Ёзувчининг Раъно ва Кумушни бир-биридан гўзал, чиройли, хусндор қилиб тасвирлаганига қойил қолади. Чунки «Мехробдан чаён» қаҳрамони: «Раъононинг исми жисмига, ёхуд хуснига жуда мувофиқ тушган эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўтирас,

шу ўринда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар-кўярдим, фақат менга раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди.

Солиҳ маҳдум хасис, таъмагир, ҳар ҳолда сажияси эътибори билан уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайди. Ва лекин табиат хасис эмас: тикандан гул, аридан бол яратади. Шунга ўхшаш тиканлик ёгочдан хуш исли, латиф кўришилди Раъно яратилган эди.

Бизнинг ўзбекларда, айниқса, Қўқонга маҳсус бир тус, сариққа мойиллик бир тус бор. Лекин бу тусни кестириб сариқ деб бўлмайди. Чунки биз оғриқ кишининг тусини сариқ деймиз. Зарча, зъфар туслари ҳам бунга дағаллик қиласидилар. Таъбиrimиз қўпол тушмаса, бу гўзал қиз оч раъно гулининг тузида ёки оч-сариқ тусда яратилган эди. Аъзода ўсган тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўлади. Раъннинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди. Шунга ўхшаш, Раънонинг қўзида бунинг асари кўрилади: мудавварга мойилроқ жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда, қораликдан бошқача яна бир турли қизгиш нур сочар эди. Киприклари остида нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши туташ каби кўринса ҳам кўндаланг ётган икки қилич орасини нафис бир қуилиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунаққидга беришмаслик мутаносиб, ҳар замон уялиш табассумига ҳозир турган нафис иринларининг юқори қисмида сезилар-сезилмас туклар кўкарған эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ойкулча ҳам деб бўлмас; кишига кулиб қараганда қизил олма осларида иккита замма равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно гули очилган ҳолатда кўринар эди. Сочлари жуда қуюқ, саноқсиз кокиллар орқаёнгини тутиб ётар, қадди узунлик билан қисқаликнинг ўргаси, дўндиқ бармоқларининг жимжилогида хина гуллари; ҳар ҳолда, бу қиз ёлғиз Қўқондагина эмас, умуман, Фарғонанинг куйларга қўшилиб мақталатурган гўзалларидан эди» таърифланади<sup>1</sup>. Адид «Ўтган кунлар» романida Кумушни «намозшомгул»га қиёслайди<sup>2</sup>. Кумушнинг портрети билан тақ-

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 16-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 31-бет.

көспанса, адиб «Мехробдан чаён»да қаҳрамон портретини яратишда янада юксак маҳоратта эришгани яққол билинади. «Үтган кунлар»да Кумушнинг «тўлған ойдек губорсиз оқ юзи», «қуюқ жингила киприк остидаги тим қора кўзлари», «қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийик қошлари», «латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан кўндирган қора холи» таърифланади. «Мехробдан чаён»да эса «фазл ва заковатда ҳам үтган хон замонлари асрининг нодир учрай турган якто фазила қизи» портрети бундан-да аниқроқ чизилади. Аввало унда ранг таърифига кенг тўхталинади. Сочнинг күёшсиз ва қуёшли жойларда кўринишида фарқ бўлишига эътибор қаратилади. Кўз, киприк, қош, бурун, лаб, юз тасвирига анча кенг ўрин берилади. Раънонинг сочи, қадди-басти, бармоқлари худди суратини чизган каби кўрсатилади. Раъно портрети тасвирида ёзувчининг унга ижобий муносабати яққол билиниб туради. «Үтган кунлар»даги Ҳомид, Содик, Жаннат портрети тасвирида эса муаллифнинг уларга салбий муносабати аниқ сезилади. Хусусан, «Бу кунгача иккитасини жойлаштирдим, учинчисига ўтса, нима қилади?» дея қотиллиги билан мақтанадиган Содикнинг портретини адиб қуйидагича тасвирлайди: «Йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, уккининг кўзидек чақчайиб ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзига парчинлангандек юза (пучук) бурунли, манглайи қанча ташқарига ўсиб чиққан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси, вақтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлук эди»<sup>1</sup>. Адиб «Мехробдан чаён»нинг «Бошқа кишилар устига тушган бахтсизликдан ҳам мутаассир бўлувчи» қаҳрамони Анвар портретини бошқалар нигоҳи орқали чизади: «Сурма қўйгандек оху кўзи бор, қизил олмадек таранг юзи бор, энди чиқиб келган кўк майса мўйлови, Розия хонимницидан ҳам нафисроқ қалам қоши... Устига кийган беқасам тўни шундай ярашганки»<sup>2</sup>. Ёзувчи Кумуш, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Жаннат («Үтган кунлар»), Раъно, Нигорхоним каби хотин-қизлар портретини бевосита

<sup>1</sup> Қодирий А. Үтган кунлар. Тарихий роман. 177-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 120-бет.

тасвиirlаб кўрсатса, Анвар («Мехробдан чаён») портретини Худоёрхон ҳарамида изтироб тортиб ётган Нозикнинг сўzlари орқали чизади. Бу адибнинг қаҳрамонлар портрети, ҳарақат-ҳолатини тасвиirlашга турлича ёндашганилиги, у қаҳрамонлар образини таъсиrчан гавдалантириш борасида мутас-сил ижодий изланишда бўлганидан далолат беради.

Бир-бирини севган Анвар ва Раъно «Мехробдан чаён» романининг бош қаҳрамони саналади. Ёзувчи «Ўтган кунлар» романи қаҳрамонлари муҳаббатини таърифлаб «Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғриси – шеърият бор эди»<sup>1</sup> деса, «Мехробдан чаён» қаҳрамони «Анвар ўз ис-тиқболини ёлғиз муҳаббат орқали кўрар эди»<sup>2</sup> деб таъкидланди. Аммо ҳар иккала романда ҳам ёшларнинг пок муҳаббати, ширин оиласи ҳаёт кечиришига ота-она орзуси монелик қилади. Аникроғи, бу орзу-ҳавас бир-бирини севганларга ҳасад қилганлар учун йўл очиб беради.

«Мехробдан чаён» қаҳрамони Раъно «Ўтган кунлар» қаҳрамони Кумушдан жиддий фарқ қилади. У ўз муҳаббати учун дадил курашиши билан адибнинг биринчи романни қаҳрамонидан устун туради. Кумуш кимни севиб қолганини ҳам билмайди. Адиг унинг ишқ изтироблари ичida қолганини портрети тасвирида кўрсатади. Адиг Кумушнинг «нимадир бир нарсани кўрган каби», «нимадир бир нарсадан чўчиган каби», «кимдандир уялган каби» ҳолатига эътибор қаратиб, унинг ишқ дардига мубтало бўлганига ишора қилади. «Ўтган кунлар» қаҳрамони севиб қолган кишиси борлиги тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмайди. «Мехробдан чаён» қаҳрамони эса «хоннинг ифлос тўшагида ётмайман» деб ўз муҳаббатини ҳимоя қилади<sup>3</sup>. Анварга «Оғир дақиқаларда арзимас гапни кўнгилга олиш сизнинг каби олижаноблар иши бўлур, деб ким ўйласин? Бахтсиз бир қизнинг нажоти учун тебранмадингиз, деб сизни айблаб бўлмас; бироқ бахтсиз Раъно таҳлика остида қолганда, уни букун-эрта бир фожиа кутганда вафолик деб билган бир кишисидан бу янглиғ жафо кўриш нақларда ўқилганми, афсоналарда тўқилганми?» дея аччиқ

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 347-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 85-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 118-бет.

маюмат тұла мактуб ёзади<sup>1</sup>. «Шунчалик аччиқ ёзмасам, сиз келмас эдингиз» дейди<sup>2</sup>. Раъно Анварни Худоёрхоннинг қули стмайдиган узоқ жойларга қочиб кетишга даьеват қылади. Ёзувчи йигитнинг бу пайтдаги ҳолатини қуйидагича баён этади: «Жасур қыз!» деб үйлайди Анвар. Чиндан ҳам жасурона бу исёэн хотин-қизлар томонидан Худоёрхоннинг ҳайвоний истагига қарши бириңчи күтарилиш эди. Анвар истиқболда қанчалик мушкулот ва хавотир күрмасин, бу жасоратни хуш қабул қилишга мажбур, чунки муҳаббатдан ҳам илгари йигитлик тақозоси шу эди<sup>3</sup>. Раънонинг Кумушга қиёслаганда бу қадар жасур, далил бўлишининг муайян сабаблари бор. Аввало шуки, Раъно «ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб дастурида бўлган барча дарсларни битирган»; «бир томонидан қизларга сабоқ бериб, онасига кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасидан кофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг «Гулистон»идан дарс олади ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг бадиий асарларидан алоҳида бир мажмуа тузиб юрийдир. Баъзан «овлоқроқ жой»ларда ўзича манзумалар тўқиса ҳам бироқ буларнинг иси ўзидан четта чиқмайди». Кумуш эса муайян бир фаолият билан шуғулланмайди. У бой-бадавлат отанинг авайлаб асрайдиган қизи бўлиб ўсади. Мирзакарим қутидор қизини ҳеч қачон ранжитмайди. Солиҳ маҳдум эса Мирзакарим қутидорнинг тамоман тескариси. У зарбулмасал дегулик хасислиги, зиқналиги билан қизига ҳам азоб етказади. Раъно «онасидан яхши-ёмон мукофот олмаса ҳам, кўпинча отасидан танбеҳ эшитади... Отасидан аччиқланган кезлари онасига жиддий қилиб: «Ҳамма айб ўзингизда; отамдан кўра тузукроқ эрни топиб тегсангиз, бунчалик қийналиб юрмас эдик!» деб бўғилган Нигор ойимни кулдиради»<sup>4</sup>.

Адибнинг ҳар иккала романидаги ижобий қаҳрамонлар инсон қадрини ҳамма нарсадан юксак тутиши билан бир-бирига үхшайди. Жумладан, Раъно, Нигор ойим, Кумуш, Офтоб ойим айни шу жиҳати билан меҳр уйғотади. Солиҳ маҳдум хоннинг совчиларига розилик билдирганида «бу фо-

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 196-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 200-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 201-бет.

<sup>4</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 17-бет.

жия хабари Нигор ойимни эсанкиратиб йифлатади». Нигор ойим Анварни қадрлагани, қизининг бахтини ўйлагани, унинг кўнглини ҳис қилгани учун эрига норозилик билдиради. Раъно ҳам Анварга садоқати боис отасининг хоҳишига итоат қилмайди. Бу ўша замон қизлари учун мисли кўрилмаган жасорат эди. «Хон сўратгандан кейин рад қилишга кимнинг ҳадди бор!» дея «қалин учун бериладиган бир саноч олтин, эл қошидаги обру́»ни ўйлаб ўтирган Солиҳ маҳдумнинг истакларига қарши туришга Раъно ҳар жиҳатдан ҳақли эди.

Раъно Анварни севса-да, аммо у ҳеч қачон муҳаббатини ошкор қилмайди. У Анварни қанчалик қадрламасин, аммо Шарқ қизи сифатида ўз фурурини баланд тутади. Романда Раъононинг бу ҳолати таъсирчан ифодаланади: «Анвар тўғрисида хаёл суриб, унга – Анварга қарши ўзида кучли бир кек сезар, шундай оғир соатларда ташлаб кетган «йигит» яна бир кўринса, қандай киноялар билан истиқбол қилинишини – кутиб олишини ўйлар эди: «Ҳамма даъволарингиз пуч! Сиз мизрабошлиқдан маҳрум бўлишдан қўрқингиз, бизнинг уйда ўн йил турсангиз ҳам, отамнинг феълини билмаганмидингиз? Ҳолонки мен сизни хондан ҳам юқори ўринга қўйган эдим!»<sup>1</sup>

Нигор ойим Анвар олдида хижолат бўлганидан, ўзининг иложсиз эканлигидан йифлайди. У қўлидан ҳеч бир иш келмаслигидан изтироб чекади. Анварни ўз фарзанди каби яхши кўрадиган, Раъони унга узатишни жуда истайдиган бу аёлнинг чорасизликдан эзилган ҳолати қуйидагича ифодаланади: «Бир оздан кейин товоқда ош кўтариб, Нигор ойим чиқди. Йифидан киприклари терилиб, чукур андиша ичida бошини қуий солган эди. Нигор ойим кирганда Анвар чиропояга шам ёқар эди. Нигор ойим дастурхон ёзиб, товоқни Анварнинг олдига қўяр экан, бирдан пиқ-пиқ йифлаб юборди. Анвар ҳайрон бўлиб қолмади. Йифи сабабига тушунди.

— Нега йифлайсиз? Тақдирни ўзгартириб бўладими? Хафа бўлиш яхши эмас; сиз шундай бўлсин деганмидингиз?...»

Нигор ойим жавоб қайтармади, йифлаган қўйи меҳмонхонадан чиқишига ошиқди<sup>2</sup>. Нигор ойимнинг бу ҳолати эрига итоат қилишни бурчи билган Шарқ аёли қиёфасини кўрсатади.

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 190-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 185-бет.

Абдулла Қодирий ҳар иккала романнда Шарқ аёли қиёфа-сини гавдалантиришга алоҳида эътибор қаратади. «Мехробдан чаён» романнда хукмдор, амалдорларнинг хотин-қизларни таҳ-қирлашини аниқ мисолларда гавдалантиради. Жумладан, «Худоёрнинг ҳарам канизларининг сони бир юз эллик беш нафар бўлиб, булардан ўн тўрт нафари Оқсаройда, саккиз нафари шаҳнишинда, яъни хоннинг ётиш-туришига маҳсус, саккиз нафари Ўрмонбекка қорафувчи, ўн нафари доялар ҳузурида, йигирма беш нафари шу «Қирқ қизлар»да ва қолганлари ҳар қайси хоним-оимларнинг хизматида эдилар» дейди<sup>1</sup>. Романда оилавий ҳаётдан маҳрум қилиниб, хон саройидан чиқмайдиган қилиб қўйилган мазлумаларнинг кундалик ҳаёти ачиниши билан ҳикоя қилинган. Хон ҳарамидаги мазлумалардан бирининг фожиали қисмати қуидагича баён этилган: «Назми Қўқон қишлоқларининг биридан, чиройли қиз экан. Назми холасининг ўғли билан севишган, ҳатто, тўй кунлари ҳам яқинлашган экан. Отаси жуда камбағал дехқон бўлиб, Худоёрнинг неча йиллик солиқларини тўламаган экан. Худоёр чўғоллари (солиқ, йиғувчилари) қишлоққа чиқиб, Назмининг отасини сиққанлар, урганлар... Қизидан бошқа мол тополмай, уч йиллик солиқ бадалига Назмини тутиб, Худоёрга тортиқ қўлгандар. Хонга Назмининг ҳусни ёққан, уни доя хотинларга қўшиб, ҳаммомга юборган. Худоёр бир-икки кеч бечоранинг номусига тегиб, сўнгра «қирқ қизлар»га қўшган... Назми шунда икки йил чамаси қуйлаб, йиглаб юрган, «қирқ қизлар»га кўп янгиликлар берган ва охирида ўзи сил бўлиб ўлган»<sup>2</sup>. Адид «сил бўлиб ўлган» деганда мазлума қизлар, аёлларнинг қамалгандай яшаганлиги, уларнинг эрки, хукуқлари чеклаб қўйилганига ишора қилган. Ўша замонларда хотин-қизлар қўни-қўшниси-никига ҳам, бирор жойга бораётганида ҳам паранжи ёпиниб олишган. Улар жазирама иссиқ пайтларида ҳам, совуқда ҳам, тунда ҳам, кундуз пайтида ҳам албатта паранжида юришга мажбур бўлишган. Чунки хотин-қизларнинг эри, aka-укала-ри, фарзандлари, балогатга етмаган болалардан бошқаларнинг олдида юзини кўрсатиб юриши тақиқланган. Хотин-қизлар бунга қўнишиб кетишган. Улар паранжини ўзларининг дои-

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 112-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 117-бет.

мий кундалик кийими санашган. Ўша даврда хотин-қишир нинг бошқа эркаклар олдида ўзини тутиши ҳам ҳозирги лаш дагидан тамоман фарқ қилган. «Ўтган кунлар»да бу қийидиги ча кўрсатилади: «Икки кундош «эсонмисиз, омонмисиз, эсон-омон юрибсизми...» сўzlари билан озорсиз қилиб бир-бирининг елкасига ва қўлтиқ остига қўл юборишидилар. Улар кўришиб турганда йўлакдан Юсуфбек ҳожи кўриниб, қочадиган хотинлар ўзларини четга олдилар. Ҳожи уларнинг олдига-юзага чиққач, Офтоб ойим салом бериб, рўмоли билан томоқ остиларини ўраб олди»<sup>1</sup>.

Юсуфбек ҳожи кўринганида «қочадиган хотинлар», яъни бегона аёлларнинг ўзларини четга олиши, Офтоб ойимнинг унга салом бериб, рўмоли билан томоқ осларини ўраб, уялгандай туришида Шарқона ибо, ҳаё намоён бўлади. Бошқа миллатлар, хусусан, европаликлар буни тушунмаслиги табиий. Чунки ҳар бир халқ узоқ асрлар давомида шаклланган миллий урф-одатлари, муомала-муносабатларига амал қилган ҳолда яшайди. Шарқ аёлининг ҳаё, ибосида унинг бошқаларга ҳурмати кўринади. Офтоб ойимнинг Отабекка, Нигор ойимнинг Анварга муносабатида уларнинг Шарқ аёлларига хос меҳрибонлиги акс этади. Ўзбек ойимнинг орзу-ҳавасини амалга ошириш зарур бўлганида Мирзакарим қутидор узоқ ўйланганидан кейин Отабекка: «Сиз қизимизнинг андишасини қилиб ўтиргангиз, бек! Бу ишни, энг яххиси, унга билдири-маслиқдир, кейинроқ ўзи қўнишиб кетар, бу тарафдан ташвиш лозим эмас» деб айтади. Отабек эса унга: «Йўқ. Мен бу ишга башарти қўнганимда ҳам қизингиздан яширмайман. Негаки, унинг розилигини олмасдан туриб, бу ишга оёқ қўйишим мумкин эмас. Кўнмаса, мен ҳам кўнмасликка мажбурман» дейди. Бу гапларни эшитиб ўтирган Офтоб ойимнинг кечинмалари қийидагича баён этилади: «Офтоб ойим қизининг қадрини бунчалик аршларга кўтармакда бўлган йигитга ўзида чексиз ҳурмат, поёнсиз эҳтиром сезмоқда ва нима учундир йиглагиси ва қуёви юзидан ўпкиси келмақда эди»<sup>2</sup>. Офтоб ойимнинг Отабекка, Нигор ойимнинг Анварга муносабатида ўхшашлик кўринади.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 318-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 152-бет.

Раънонинг Анвар тўғрисидаги, Кумушнинг Отабек хусусидаги зиддиятли кечинмаларида ҳам қандайдир яқинлик сезилади. Тақдирнинг кутилмаган зарбасидан аламга тўлган Раъно Анварга: «Ваъда бериш осон, лекин уҳдаси машиқат; бундан сўнг шуни ҳам хотирда яхши тутингиз. Оfir дақиқаларда арзимас гапни кўнгилга олиш сизнинг каби олижаноблар иши бўлур, деб ким ўйласин. Бахтсиз бир қизнинг нажоти учун тебранмадингиз, деб сизни айблаб бўлмас; бироқ бахтсиз Раъно таҳлика остида қолганда, уни букун-эрта бир фожиа кутганда вафолик деб билган бир кишисидан бу янглиғ жафо кўриш нақлларда ўқилганми, афсоналарда тўқилганми?»<sup>1</sup> дея мактуб ёёса, маккор Ҳомид ёздирган сохта хатлардан таъсиrlанган Кумуш Отабекка: «Бегим, гарчи аччиқлансангиз ҳам айтишга мажбурман: сизда виждон, инсоф, раҳм, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, боринг-чи, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш. Бильякс сиз: ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит» деб хат жўнатади<sup>2</sup>.

Абдулла Қодирий аёлларнинг ҳар бир нарсадан тезда таъсиrlаниб ўзгариши, уларни ишонтириш анча осон эканлигини Кумуш, Офтоб ойим, Ўзбек ойим, Раъно, Нигор ойим каби қаҳрамонлар хатти-ҳаракатида аниқ гавдалантиради. Ушбу қаҳрамонлар образи адабнинг аёллар руҳиятини чукур ҳис қилганидан далолат беради.

\* \* \*

. Ўзбек адабиёти тарихини Абдулла Қодирий ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу улуф адабнинг романлари, ҳажвий ҳикоялари ўзбек адабиётининг мумтоз асарлари қаторидан ўрин олган. Ёзувчининг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романлари яратилганига салкам бир аср бўлмоқда. Аммо, улар адабиётнинг асл асарлари сифатида ҳамон китобхонларнинг энг севимли асари бўлиб келади. «Ўтган кунлар» романи 1922 йилда «Инқилоб» журналида босила бошлаган. Асар 1926 йилда яхлит китоб ҳолида чоп этилган. Ушбу

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 196-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 169-бет.

асар ўзбек адабиётидаги дастлабки роман саналади. «Меҳробдан чаён» эса ундаги иккинчи романдир. Унинг муаллифи ҳам Абдулла Қодирийдир. Адиг ўзининг бу иккинчи романини 1928 йилда ёзиг тутатган. Асар 1929 йилда Самарқандда китоб бўлиб босилиб чиққан.

«Ўтган кунлар» ҳам, «Меҳробдан чаён» ҳам тарихий мавзудаги роман бўлиб, уларда тарихимизнинг яқин ўтган даври – хон замонларидағи воқеалар қаламга олинади. Аммо ҳар иккала романда аниқ тарихий шахслар бош қаҳрамон сифатида кўрсатилмайди. «Ўтган кунлар» бош қаҳрамонлари – Отабек, Кумуш, «Меҳробдан чаён»нинг асосий қаҳрамонлари – Анвар ва Раъно. Адигнинг ушбу романларида Худоёрхон, Мусулмонкул, Азизбек сингари кўплаб тарихий шахслар образларини ҳам гавдалантирилади. Уларнинг ҳукмронлик тартиби, сиёсати Отабек, Кумуш, Анвар, Раънонинг ҳаёти, тақдири билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади.

Ёзувчининг ҳар иккала романи сюжети марказида ишқ-муҳаббат можаролари туради. Улар билан боғлиқ муаммолар асосида миллий ҳаёт тарзимиз, урф-одатлар, анъаналаримиз кўрсатилади. «Ўтган кунлар»да ҳам, «Меҳробдан чаён»да ҳам оталар ва болалар муносабатига эътибор қаратилади. Отона орзузи кўпинча ёшларнинг хоҳиш-истагига мос келмаслиги, бу эса турли муаммоларга сабаб бўлиши, оқибатда, ҳар иккала томон жабр чекиши тўғрисида мулоҳаза юритилади. Бу романларида адиг оила қуриш масаласида ота-оналарнинг қизлари, ўфиллари истагини инобатга олмаслиги оддий ҳол саналишини кўрсатади. Айниқса, бу масалада, қизлар ҳак-хукуқсиз эканлигини Кумуш, Зайнаб, Раъно қисматида жуда таъсирчан гавдалантиради.

Абдулла Қодирийнинг миллионлаб ўқувчилар томонидан севиб ўқилаётган, адабиётнинг асл асарлари қаторидан мангуга жой олган мазкур романларидаги ўнлаб қаҳрамонлар орасида хотин-қизлар образи алоҳида ажralиб туради. Чунки уларда Шарқ аёлларига хос ҳаё, ибо, дунёқараш жуда аниқ кўрсатилади. Адиг аёлларга муносабат масаласини кенг таҳлил қиласди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»даги барча воқеалар хотин-қизларга муносабат билан боғлиқ тарзда ёритилади. Ёзувчи Отабек, Ҳомид, Ҳасанали, Юсуфбек ҳожи, Зиё шоҳичи, Раҳмат («Ўтган кунлар»), Анвар, Солиҳ маҳдум,

Абдураҳмон домла, Султонали мирзо, Ҳудоёрхон ва унинг амалдорлари характерини, дунёқарашини уларнинг хотин-қизларга муносабати асосида гавдалантиради. Мазкур романлар қаҳрамонлари хотин-қизларга муносабат масаласида икки грухга ажралади. Отабек, Юсуфбек ҳожи, Анвар, Султонали бу жиҳатдан инсонпарвар сифатида намоён бўлса, Ҳомид, Абдураҳмон домла, Солиҳ маҳдум худбин ва жоҳил кимса эканлиги билинади. Уларнинг аёлларга паст назар билан қараши, хурматсизлик қилиши турли фожиаларни келтириб чиқаради.

«Ўтган кунлар»даги Отабек, Кумушнинг баҳтли ҳаёт кечиришига тўсиқ бўлмоқ ниятида тухматлар қилган, Содик, Мутал сингари каллакесар ўғриларни пул бериб ёллаган Ҳомид уни Кумуш ёқтирадими-йўқми, бу хусусда ўйлаб кўрмайди. Абдураҳмон домла ҳам Раъно билан бирор марта учрашмагани ҳолда, унга уйланиб олмоқчи бўлади. Ниятига эришолмагач эса ҳasad ўтида куйиб, Анвар ва севгилиснинг баҳтини барбод қилишга уринади. Хотин-қизларга муносабатда Солиҳ маҳдум ҳам улардан қолишмайди. У ўз қизига бир буюм каби қарайди. Солиҳ маҳдумнинг Раънони хонга беришга розилик билдириши, унга йиглаб қаршилик қилган хотинини аҳмоқ санаши шундан далолат беради.

Чўлпон ҳам «Кеча-кундуз» романидаги хотин-қизларга муносабатда Солиҳ маҳдум, Ҳомиддан ҳам баттароқ кимса – Раззоқ сўфи образини гавдалантиради. Раззоқ сўфининг дугонаси билан кувнашиб ўтирган қизи ва хотинига муносабати романда қуидагича кўрсатилади: «Ўз уйининг қабристонлар қадар жим-жит, хонақоҳлар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва хўмрайган бўлишини истаган Раззоқ сўфи худди шу ола-тўпалон устига кириб келди! Эшикдан кирап-кирмас овозининг борици:

— Бу нима қиёмат!!! – деб шовқин солиши иккала ёш қизни чақмоқ теккан дараҳтдай турган жойларида қотириб қўйди. Йўқса, сўфи эрининг диндор хотини бўлган Курвонбиби ҳам «бас энди!» деб озмунча қичқирмаган эди... агар бу совуқ сўфи кириб келган бўлмаса, икки ёш қизнинг қиши бўйи тўплаган кўнгил ғашликлари бир оз шўхлик билан анча ёзилган бўлар эди... Сўфи булар уйга кириб олгунча эшик олдида бўзарив-гезарив турди. Булар уйга кир-

тәңларидан кейин салласини Курвонбибига узатиб, устида-  
ги малла яхтагини олисдан туриб, картта иргитди ва үзи-  
нинг оддий товуши билан:

— Қанжиқлар!—деб бақирди.

— Ёш нарсалар ўйнашса нима бўлибди? Мунча энди заб-  
тига олдингиз?—деди Курвонбиби.

— Гапирма, эшак!

Курвонбиби жим бўлди<sup>1</sup>!

«Кеча ва кундуз»да Раззоқ сўфининг характери тавсиф-  
ланганда унинг хотин-қизларга муносабатига алоҳида эъти-  
бор қаратилади: «У ўзи мақтаниб айтгандай, хотин-жалаҳ  
олдида оғиз очиб, тил қалдиратишини раво кўрмайди. «Бу  
тил, — дейди сўфи, — доим худонинг зикри билан қалди-  
райди. Бу оғиз ҳамма вақт худонинг зикрига очилади. Оғиз  
билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табаррук аъзолар.  
Уларни хотин кишидай паст махлуқ олдида хор қилинади-  
ми? Бўлмаса, ҳақ таолонинг бандалари ит билан ҳам гапла-  
ша берсин! Йўқ, хотин кишига жуда зарур гап айтилади, у  
тоифа билан зарурат юзасидангина гаплашилади. Вассалом<sup>2</sup>.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза каби адиларнинг ўз  
асарларида хотин-қизларга муносабатни асосий муаммо си-  
фатида кўтариши бежиз эмас. Чунки ўша даврда хотин-қиз-  
лар инсоний ҳақ-хуқуқларининг чекланганлиги жуда кўп  
муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Абдулла Қоди-  
рий романларида ҳам, Чўлпоннинг «Кечва кундуз» асари,  
қатор ҳикояларида ҳам, Ҳамза драмаларида ҳам хотин-қиз-  
ларнинг таҳқирланиши кўрсатилади. «Ўтган кунлар», «Мех-  
робдан чайён»да Кумуш, Раъононинг портрети гўзал тасвир-  
ланиб, уларнинг ички дунёси очиб берилади. Аммо шундай  
ажойиб қизлар ҳам ота-она орзуси, инсон эркини чеклай-  
диган урф-одатлар ҳукмронлиги туфайли жабр чекиши  
кўрсатилади. Ёзувчи бу билан хотин-қизларга ҳам инсон  
сифатида қарашиб, уларга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш  
керак, деган фояни илгари суради.

<sup>1</sup> Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. Ж.2. роман. Сафарнома. Таржи-  
малар.—Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.—17-бет.

<sup>2</sup> Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. Ж.2. роман. Сафарнома. Таржи-  
малар.—Тошкент: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1994.—10-бет.

Абдулла Қодирий романлари кўп жиҳатдан қадимий достонларни ёдга солади. Чунки «Ўтган кунлар» ҳам, «Мехробдан чай» ҳам худди «Алномиши», «Гўрўли» туркум достонларидағи каби сюжет воқеалари марказида ишқ-муҳаббат можаролари туради. Адибнинг иккала романида ҳам севишганлар йўлидаги тўсиқлар нақл қилинади. Отабек билан Кумушнинг ҳам, Анвар билан Раъононинг ҳам душманларига ота-она орзуси йўл очиб беради.

Биринчи ўзбек романи муаллифи Кумуш, Раъно образларини яратиб, аёлларга меҳри, эҳтиромини изҳор этади, ўқувчиларини оналари, опалари, сингилларини ардоқлашга даъват этади. Отабек, Юсуфбек ҳожи, Ҳасанали, Мирзакарим кутидор, Уста Олим, Анвар образлари орқали эса аёлларни хурмат қиласиганларнинг қалби, маънавияти қанчалик юксак бўлишини кўрсатади. Адиб чин қалбидан орзу қилиб яратган бу қаҳрамонлар ҳар бир китобхонда илиқ таассурот қолдиради. Абдулла Қодирий хотин-қизлар уларни хурмат қиласиганларни фоят эъзозлашини Кумушнинг онасига ёзган хати орқали ифодалайди. Кумуш онасига ёзган мактубида: «Сиз ранжисангиз ҳам айтай: қайнотамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим кўёвингизнинг дадаси бўлгани учун эмас, балки унинг нур ичига кўмилгандек сиймосини, «ойим» деб хитоб қиласига мулойим, беозор ва муассир сўзини яхши кўраман. У насиҳат учун оғиз очса, вужудим эриб кетгандек ва бир турли ҳузур ва жанжалдан бўшалгач, қайнотамниң қаршисида ўтириб, насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши бир ҳузур... Сиз менинг телба сўзларимдан аччиғланманг. Агар бу гапимнинг тўғрилигини билмақчи бўлсангиз, эшитинг-да, ундан кейин сўзимга қиймат беринг» дейди<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий Юсуфбек ҳожи образида ўзи орзу қиласиган комил инсонни гавдалантиради. Тошкент ҳокими Азизбекнинг мушовири — маслаҳатчиси бўлган Юсуфбек ҳожини адиб ўқувчига: «кичикроқ саман отга отланиб, устига Бухоронинг ола-байроқ матосидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонини турмаклаган, бошига катта салла ўраб, қамчи сопи билан эгарнинг қошига такя қиласиган, тўла кўркам юзли,

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 372-бет.

катта малла кўзли, узун мош-гурунч соқолли мулланамо бир зот» деб таниширади<sup>1</sup>. Бу «мулланамо зот» юрт ишидан қўл ювгач, кўп вақтини меҳмонхонада «Куръон» ва «Дамо-йил» ўқиб ўтказади, хотинига ҳам, келинларига ҳам «сизлаб» мурожаат қиласди. Келинлари ўргасида гап қочганидан хабар топса, шириңсузлар айтиб, уларни муросага келтиради. Адид буни қўйидагича тасвирлайди: «Кундош ораси бузилиб, ўртадан сўз чиққанини гоҳ эшитса, иккала келинни ўз олдига чақиртириб, уларни қатор ўтқазар эди. Аввало Кумушдан ўпка қилиб: «Ойим, ҳар нима сиз—кеттасиз, Зайнаб — ёш! Каттадан кичикка шафқат лозим, мундоғ яхши эмас!» ва Зайнабга қараб: «Болам Зайнаб отин! Сиздан ҳали ёшлик фурури кетмаган, лекин менинг болам бўлганингизни сиз ҳам унуманг!» дер ва шунинг сингари юмшоқ гаплардан кейин иккисини дуо қилиб, бир-бирисига салом бердирав, «ана, шундог бўлсин, опоқ қизларим!» деб кетишга рухсат берар эди. Улар кетгандан кейин, албатта, Ўзбек ойим эри ёнига кирап, ҳожи бўлса, хотинини сизсираб: «Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз, айниқса, Зайнабнинг кўнглига қарашингиз керак, Отабекка ҳам насиҳатнинг лозим!» дер эди. Ўзбек ойим ўша кезларда Кумушнинг ёнини олиб, «Зайнабни худой кўтарсан, айб ўзида...» дега бошласа, ҳожи унинг овозини аранг тўхтатар: «Секин-секин, уят! Қайин она деганинг адл туриши лозим! Зайнаб сиз билан менинг орзу-ҳавасимиз эмасми?!<sup>2</sup>

Юсуфбек ҳожи маънавияти баркамол бўлгани боис ҳам ҳар иккала келинига ҳурмат билан қарайди. У думбул табиат хотини харҳаша қилганда ҳам унга кескин гапирмайди. Чунки у ҳаётнинг ҳамма ҳодисаларига вазминлик билан қарайди. Юсуфбек ҳожи ҳаёт моҳиятини жуда чуқур идрок этади. Унинг: «Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди. Ёшим олтмиш бешга етиб, бир вақт бўлсин ибодатимни жаноби ҳаққа бевосита йўналтирганимни ва кўнгил кўзим очилиб қилган саждами хотирлай олмайман» дега ўксиниши шундан далолат

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 83-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 371-бет.

беради<sup>1</sup>. Асл мусулмон Аллоҳга сидқидилдан ибодат қилишни, ихлос билан намоз ўқишини орзу қиласи. Ҳақиқий мусулмон намоз ўқиётганида хаёли турли муаммоларга чалғиганидан хижолат бўлиб, азобланиб юради. Чунки намоз ўқиётгандага хаёл турмушнинг турли ғалвалари, можаролари билан банд бўлса, кўнгил ҳаловат топмайди. Юсуфбек ҳожи ибодат қилиб кўнгли ором топишини истайди. Аммо бунга эришолмайди. Аллоҳга сидқидилдан ибодат қилолмаётганидан эзилади. Унинг астойдил ихлос билан ибодат қилишига теварак-атрофида юз берётган расвогарчиликлар монелик қиласи. У шунинг учун: «Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осоиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқ нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичган манфаатпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди...»<sup>2</sup> Мен биз ҳалқнинг одам бўлишимиздан тамом умидимни кесиб қўйдим... Эсимни таниганимда бери амал демай, мансаб демай, фақат мусулмонлар манфаатини кўзлаб келиб, оёғида ўзини қушбеги, мингбоши олган уч-тўрт манфаатпарастлардан гўё ёш бола каби алдандим...» дейди<sup>3</sup>. Юсуфбек ҳожи жоҳил амалдорлар олдида иложксиз қолганидан ўксиниб, кўзига ёш олади<sup>4</sup>. Мамлакатни «манфаати шахсиясидан кечиб, фақат эл баҳти учун бош тикканлар жамоаси» бошқаришини истайди<sup>5</sup>.

Абдулла Қодирий Юсуфбек ҳожини Шарқ донишмандлигининг мужассам тимсоли сифатида гавдалантиради. Романда «Хожининг туисидаги бояги ҳасрат ва қайфу аломатлари йўқолиб, уларнинг жойини Шарқ оталиги вазияти олди»<sup>6</sup> деб ўтилиши ҳам адабнинг шундай ниятидан далолат беради. Юсуфбек ҳожи Отабекка «Жён одамлар қаторида одам ўлдириб юрдим, дегин?!» деб таъна қиласи. Аммо ўғли унга:

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 325-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 301-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 324-бет.

<sup>4</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 297-бет.

<sup>5</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 326-бет.

<sup>6</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 302-бет.

«Мени зўрлаган ва мажбур қилган эдилар, дада! Йўқса, сизнинг ўғлингиз бўлган бир йигитнинг шаънига, албатта, одам ўлдириш уят ва номусдир» дея заҳарханда жавоб беради. Юсуфбек ҳожи ўғлига: «Сени одам ўлдиришга ким мажбур қилди?» деса, Отабек алам билан: «Сиз, онам! Сиз ўзингизнинг орзу-ҳавасингиз йўлида мени мажбур қилдингиз ва душманларимга йўлни катта қилиб очиб бердингиз. Мен бу жоноворликни хоҳ, ноҳоҳ ишлашга мажбур қолдим!» дейди. Аммо Юсуфбек ҳожи ўғлидан шундай қаттиқ сўзларни эшиганида ҳам бошқа оталар сингари жаҳл отига минмайди. Аксинча: «Шундогми? Ундоғ бўлса, бизни кечир, ўглим!» деб бошини қуи эгади<sup>1</sup>. Чунки Юсуфбек ҳожи такаббурликдан йироқ туради. У шунинг учун хато, камчиликларни мардона тан олади. Солиҳ маҳдум («Мехробдан чаён»), Раззоқ сўфи («Кеча ва кундуз») сингарилар эса ҳеч қачон айбига икрор бўлмайди. Фарзандидан кечирим сўрашни-ку асло хаёлига ҳам келтиролмайди. «Маълум бир касби, хунари йўқ. На савдо-сотиқ қиласди, на деҳқончиликка уринади, на косиб-хунармандлик пешасини тутади»<sup>2</sup> ган, уйида вақтида ё ариқ бўйидаги қўкатларни юлиб, ё эшик ва дарвозаларнинг бўшлиб қолган занжирларини маҳкамлаб ёки ҳовлида ўтин қирқиб, ё бўлмаса, икки қўли орқасида, дам ичкари кириб, дам ташқари чиқиб, дам ҳовлига ўтиб, лабларини ари чақсан одамдай оғиз очмасдан, индамасдан юра берадиган, ёз фаслини кўпроқ кундузи ухлаб, кечалари тонг отгунча ўзи ёлғиз, баланд овоз билан «Облоҳу!» айтиб, ўз оиласини ва қўни-қўшниларини ухлатмайдиган, қиши фаслида бўлса, аксари кечаси ухлаб, «Бир сиқим кун бор, ухлаб ўтказсам, Қашқардан ҳам олис қиши кечасини қандай ўтказаман? Уйку умрнинг таноби!»<sup>3</sup> дейдиган Раззоқ сўфига хотини тӯғри гапни гапирса: «Бўлди дейман, итвачча!» деб бақиради<sup>3</sup>.

Юсуфбек ҳожи ўғлига, хотинига, келинларига, қудала-рига ҳам катта ҳаёт тажрибасига эга донишмандга хос муносабатда бўлади. У кишининг сўзи, ҳаракатига қараб, ис-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 302-бет.

<sup>2</sup> Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. Ж.2.12-бет.

<sup>3</sup> Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. Ж.2.16-бет.

тиқболда рүй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини ола билади. Адаб романда унинг ана шу жиҳатини кўрсатиш орқали ҳам Шарқ донишманди қиёфасини гавдалантиради. Мирзакарим қутидор ҳасадгўй тухматчи Ҳомид ёздирган сохта талоқ хатини ўқигач, Отабекнинг саломлашишга узатган қўлини бўш қолдириб, даг-даг титраганча: «Уятсизга менинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ... Борингиз, эшигим ёнида тұхтамангиз!» деб ҳайдаб юборади. Отабек бу ноҳақ ҳақиқатдан жуда қаттиқ ранжийди. Тошкентдан Марғилонгача бўлган йўлни ҳафталар ичидা босиб етти-сақкиз марта келиб-кетса-да, Мирзакарим қутидорнинг уйига бормайди. У билан бошқа бир жойда учрашишни ҳам лозим кўрмайди. Чунки ёзувчи таъкидлаганидек: «Воқеиан туғилиб эркалиқдагина ўсган, ҳаётнинг дағал муомаласидан бегона, фақат унинг сучук сўзларинигина тинглаб келган Отабекка бу ҳўрлик турмушдан биринчи зарба эди»<sup>1</sup>. Юсуфбек ҳожи «ҳаётнинг дағал муомаласидан бегона» ўсган ўғлининг табиатидаги тақаббурликни пайқайди. У «Марғилон деган шаҳардан катта ўзини кичик олиб, қизи ила келаётган Мирзакарим акага ўғлининг ҳўрлик келтиришидан чўчиди. Шунга биноан Отабекни эпақага олиш учун унга кулки туюлган бир қанча насиҳатларни чизди.

— Ўғлим, — деди, — сийлаганни сийлаш керак, энди сенга қадрсизланган бўлсалар, аммо бизнинг қошимизда уларнинг қадру қийматлари юқори. Қутидор бўлса, кўз очиб кўрган қудамиз, хотининг бўлса, бош келинимиз! Агар сен мени «отам» дейдирган бўлсанг, шуларнинг кўнглини олмоққа тириш! Қайин отангдан «мени қувлади», деб кўнглинг олинмасин. Чунки бу бечора ҳам бир шайтоннинг васваси билан бу хатога тушган. Ҳар ҳолда, хурматларини бажо келтирилар. Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни, деб кела-дирлар<sup>2</sup> дейди.

Абдулла Қодирий Кумуш, Офтоб ойим, Раъно образларида ҳам инсон руҳиятини чуқур идрок этишини намоён этади. Кумуш Тошкентта келиши арафасида Отабекка жўнат-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 190-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 304—305-бетлар.

ган мактубида: «Үч қайтиб, мен ҳам күчадан ҳайдалмасам эди, деган хавф ҳамиша күнглимда» деб ёзади. Кумушнинг шундай гумонга бориши табиий кўринади. Абдулла Қодирий оналар кўнглиға тарзда фарзандлари бошига келадиган фалокатларни сезишини Офтоб ойимнинг Кумушга: «Ёш жонинг бор, қизим. Бирорга ёмонлик соғинма. Мен билан бирга кет. Нима қилинса ўзлув-ўзи қилишсин... Зайнаб ҳам умид билан бир ёстиққа бош кўйган» деб айтган сўзларида ифодалайди<sup>1</sup>. Кумуш ҳам истиқболда уни фожиа кутаётганини билгандек онасига: «Келаси ойдан жуда юрагим ўшадир... Кечалари кўкка қараб, келаси ой шу кунларда ёруғ дунёда борманми, йўқманми дейман... Аза ҳамма вақт топилади, десангиз қизингизнинг кўнгли учун ҳали ҳам келганингиз яхши. Дадамга менинг арзимни айтсангиз, албатта, қайтармас. Келаси ойдан кўрқаман... Кўришолмасак, мендан рози бўлинг, дадам ва бошқа ёри дўстлар ҳам» деб мактуб ёзади<sup>2</sup>.

Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг ҳар бир хатти-ҳаракати орқали келгуси воқеаларга ишора қиласди. У бамисоли бадиий фильмларнинг мусиқасига ўхшайди. Бадиий фильмларда хурсандчилик воқеалари қувноқ мусиқа оҳангларида гавдалантирилади. Фожиали воқеалар содир бўлиши эса оғир, фамгин куйлар орқали билдирилади.

Абдулла Қодирий қаҳрамонлари қалбидаги ўзгаришлар жараёнини адабиётнинг асл асарларига хос жуда таъсирчан гавдалантиради. У яратган Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Ҳомид, Уста Олим («Ўтган кунлар»), Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум, Нигор ойим, Абдураҳмон домла, Султонали, Сафар бўзчи («Мехробдан чаён») каби қаҳрамонлар худди китобхоннинг ёнида тургандай туюлади. Ўқувчи уларнинг шодлигидан қувонади, мушкул вазиятга тушганида қайғуриб, изтироб чекади. Бу адабнинг юксак санъат-корлигидан далолат беради.

Абдулла Қодирий романларидаги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ҳомид, Мирзакарим кутидор, Уста Олим, Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла каби қаҳра-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 354-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 373-бет.

монлар адабиётнинг асл асарларига хос мукаммал ишланган образлар сифатида унтуилмас таассурот қолдиради. Адаб романларидағи таъсирчан қаҳрамонлар орасыда аёллар образи алоҳида эътиборни тортади. Абдулла Қодирий Кумуш ва Раъно, Офтоб ойим ва Нигор ойим, Ўзбек ойим ва Зайнабу Хушрӯй образларида ўзбек хотин-қизларига хос хилма-хил характерларни ёрқин очиб беради. Адаб Кумуш ва Раъно образларини яратиш орқали ўзининг хотин-қизларга меҳрини, ҳурматини ифода қиласиди. Адаб бу икки қиз портретини гўзаллик тимсоли сифатида тасвирлайди. Кумуш ва Раънонинг садоқатини, уларнинг ҳәё, ибосини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади. «Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғрироғи — шеърият бор эди» дейди ёзувчи<sup>1</sup>. Раънони эса: «Баайни сурат: киши ҳам бундай бежирим бўлар экан» деб таърифлайди<sup>2</sup>.

Абдулла Қодирий аёлларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган Отабек, Анвар, Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор, Уста Олим каби қаҳрамонлари қиёфаси, феъл-авторини ҳам кишида меҳр уйготадиган тарзда тасвирлайди. Ҳомил, Содиқ, Мутал, Абдураҳмон домла, Солиҳ маҳдум сингариларнинг эса суратини ҳам, сийратини ҳам нафратини яширгаган ҳолда гавдалантиради. Чунки бу жоҳил кимсалар хотин-қизларга ҳурматсизлик билан қарайди.

Аёлларни ардоқлашга чақириши, уларга беписанд муносабатда бўладиганларга нафрат уйгота олиши билан Абдулла Қодирий асарлари адабиётнинг ноёб ҳодисалари қаторида туради. Адивнинг романларида ўнлаб қаҳрамонлар образи яратилган. Аммо улар орасыда Кумуш, Раъно, Ўзбек ойим, Зайнаб, Хушрӯй каби аёллар образи алоҳида эътиборни тортади. Улар портрети тасвири жиҳатидан ҳам, феъл-автори, характерининг кўрсатилиши жиҳатидан ҳам беихтиёр диқ-қатни жалб этади. Адаб Отабек, Анвар каби асосий қаҳрамонлар портретини тасвирини икки-уч жумлада баён этгани ҳолда, Кумуш, Раъно портрети тасвирига салкам бир саҳифа ўрин беради. Ёзувчининг улар портретини мафтун

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 347-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 193-бет.

бўлган ҳолда гавдалантираётгани аниқ сесилади. Адибнинг «Мехробдан чаён» қаҳрамони портретини қаламга олаётиб: «Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўтирмас, шу ўринда сизга Раъонинг расмини тортиб кўрсатар-қўярдим, фақат менга раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди» дейиши ҳам унинг шу ҳолатини билдиради.

Абдула Қодирий аёллар гўзалигини таърифлашда Шарқ адабиёти анъаналарига амал қилган ва ҳайратомуз портретлар яратган. Адиб Кумуш, Раъно каби қаҳрамонлари портрети тасвирида уларнинг ички дунёси, характери хусусиятларини ҳам очиб берган. «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романларида қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини китобхон худди кўриб тургандек тасаввур қилади. Чунки ёзувчи қаҳрамонлари қиёфасидаги ўзгаришларни, ўй-кечинмаларини аниқ ифодалаб беради. Адиб қаҳрамонлари ҳолатини, жумладан, қуидагича тасвиirlайди: «Севикли куёвни йўлакда кўрган Офтоб ойим, қилиб турган юмушини улоқтириб, Отабекнинг олдига югуриб, жонини минг тасаддуқ қилиб кўришгач, кечиккан учун нечоғлиқ ташвишлар тортиб ва қандоғ тушлар кўрганини лаби-лабига тегмай сўзлай кетди. Аллақа-еъқларда юрган Тўйбека ҳам югурда келиб, сўрашмоққа уялса ҳам «чиройли йигит»нинг қўлидан хуржунни олди.

Офтоб ойим югурда-югурда қаг-қат кўрпачалар солиб, куёвни ўтиришга таклиф қилди ва қаршилашни ҳар галгидан ҳам ошириб юборди. Лекин Отабек бу қарши олинишларига жуда ишончсиз қарап, бу кун бўлмаса, эртага «ота-она орзуси» билан бу сийланишларнинг бирдан ўзгариб кетишига имон келтириб, қайси йўсинда ўтириб қолганини ҳам пайқамас эди. Офтоб ойимнинг бир қанча тилаклар билан қилган дуосига ҳам ишончсиз кўл кўтарди ва машъум «орзу»нинг бундоғ яхши дуоларни ост-уст қилинишини ўйлади. Фотиҳадан кейин Офтоб ойим товоқни хурмага, хурмани товоққа уриштириб, куёвга қатиқ олиб чиқди ва Отабекнинг ичмаганига ҳам қўймай, «ичингиз, йўл губорини оладир» деб қистай бошлади<sup>1</sup>. Адиб асарларида қаҳрамонлар

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 144-бет.

ўртасидаги муносабатни ҳам, улар тушган вазият, ҳолатни ҳам, кайфият, кечинмаларини ҳам шу тарзда таъсирчан тасвирлайди. Шунинг учун «Ўтган кунлар», «Мехробдан чәён»-ни ўқишини бошлаган ўқувчи саҳифалардан кўз узолмай қолади. Адиг аёллар феъл-авторини, уларнинг куйинчакликларини, ишонувчанлигини, фикридан тезда қайтиб, бирпастда ўзгариб қолишини, айниқса, аниқ гавдалантиради. Кумушнинг Отабекка, Районнинг Анварга ёзган мактубларида аёллар ички дунёси яққол акс этади. Қаҳрамон портрети, уларнинг кайфиятидаги ўзгаришлар жараёни тасвири, кечинма, ҳолатларнинг вазият, шароит билан узвий боғлиқликда кўрсатилиши адибнинг сўз санъаткори, сўз заргари эканидан далолат беради. Адиг сўзга ёндашиши «ёзувчининг биринчи фазилати» деб таъкидларкан: «Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмаслиқдир. Бундан бошқа фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим. Шундагина иборанинг тузатиб босилишига йўл қўймаган ва мустақил услуг ва ифодага эга бўлиб, ўзингизнинг қаламдаги истиқболингизни таъмин қилган бўларсиз. Кишига ишониш ва беҳуда кучаниш маъқул гап эмас, бирорга орқа қилиб, ўзингизда бўлган талантнинг руҳига фотиха ўқий кўрмангиз! Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамига термилишга қарагандা ҳам фойдали, ҳам унумлидир» дейди<sup>1</sup>.

Адиг асрлари қаҳрамонларининг ўзаро сухбат, савол-жавобларида ҳам донишмандона мушоҳада намоён бўлади. Отабек ва Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим кутидор ва бошқаларнинг ўзаро муносабатларида бугунги кун кишисини ҳаваслантирадиган теран мантиқий мушоҳада кўринади. Мактублардаги меҳр изҳориу арзу шикоят, гина-кудуратлар ҳам китобхон қалбини титратадиган даражада ниҳоятда таъсирчан ифодаланади.

<sup>1</sup> Қодирий А. Ижод машаққати: Бадиий ижод тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1995.—6-бет.

Ўзбек адабиётининг асл асарлари – «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён»даги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Офтоб ойим, Мирзакарим қутидор, уста Олим, Анвар, Раъно, Нигор ойим, Султонали каби меҳр билан яратилган қаҳрамонларнинг номи ҳам, феъл-автори ҳам эзгуликка, нурга далолат қиласа, ушбу асарлардаги Зайнаб, Ҳомид, Жаннат, Содик, Мутал, Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла, Шаҳодат муфти, Худоёрхон, Гулшан каби нафрат билан гавдалантирилган персонажларнинг чиройли исми уларнинг амалларига – қилган ишларига асло мос келмайди. Исмига тескари равишда ифлос ишларга қўл урадиган бу кимсалар жуда жирканч кўринади. Абдулла Қодирий бу қаҳрамонларининг кирди-корларини кўрсатиш билан кишиларнинг исми жисмига, феъл-авторига ҳар доим ҳам мувофиқ келмаслигини таъкидлайди. Адибнинг «Мехробдан чаён»да: «Лола исмининг остида бир малакни кўрган – Лоланинг исмига ўхшаш ҳусни ҳам бор, деб ўйлаган эдим... Неча вақт ҳижрон ўтида ёниб, кўча пойлаб, ниҳоят, Лолани сув олиш учун кўза ушлаб чиққан ҳолатда учратдим. Бурнидаги булоқисидан бошқа (агар булоқи ҳуснга кўшилса) «Лола»ликка арзийдиган ҳеч гап йўқ эди!

Яқиндаги боладан сув олувчининг ким эканини сўраган эдим:

— Лола опам, — деди.

Боланинг талаффузи менга «Мола опам» бўлиб эшитилиди. Бир неча кунлар бу қизнинг отини «Лола» деб қўйганлари учун аччиқланиб юрдим... Аммо Раънонинг исми жисмига, ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушган эди» дейиши шунга ишора беради<sup>1</sup>.

Кумуш, Раъно каби қаҳрамонлар портрети, ички кечинмалари, феъл-авторининг ниҳоятда нафис чизиб кўрсатилиши Абдулла Қодирийнинг юксак маънавиятини, унинг аёлларга фоят эҳтиром билан қараганини, бошқаларни ҳам шунга даъват қилганини билдиради. Шу боисдан ҳам бу улуғ адиб асарлари ҳамиша эътиборни тортади.

<sup>1</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 15-бет.

## «САРОБ»НИНГ ҲАЁТИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Шарқ адабиёти анъаналарга асосланиши билан Farb адабиётидан ажралиб туради. Шаклда ҳам, мазмунда ҳам анъаналар «қолип»ида ҳаракатланиш Шарқ адабиётининг ўзига хослигини белгилайди. Шарқ адабиётида узоқ асрлар мобайнида мавзулар моҳияттан ўзгармагани, аruz шеър тизими хукмрон бўлиб келгани, достону ғазаллар, рубойй, туюқлар, мухаммас, мусаддас, мустазод кабилар қатъий тартиб, аниқ вазнда ёзилгани анъаналарга оғишмай амал қилинганидан далолат беради. Адабиётдаги анъаналар ҳам аслида мавжуд ҳаёт тартиблари асосида пайдо бўлади. Чунки адабиётда ҳалқнинг ҳаёт тарзи, дунёқарashi, диди акс этади. Аммо анъаналар ҳар қанча ҳаётний, ҳаққоний бўлмасин, у ўз «қиёфа»сини ўзгартирмай тураверса, қотиб «қолип»га айланади. Негаки бир қолипдаги ҳар қандай шакл муттасил ўзгариб борадиган ҳаёт вокелигини тўла-тўкис ифодалашга имконият бермай қолади. Мазмун ўзига мос шаклда намоён бўлсагина таъсирчанлик касб этади.

Навоий, Бобур даври билан Муқимий, Фурқат замони таққосланса, ҳаётда жиҳдий ўзгаришлар юз бергани, жумладан, XIX—XX асрда поезд, телеграф каби техника воситалари турмушга жадал кириб келгани маълум бўлади. Аммо адабиёт «манзара»си ҳануз бир жойда тўхтаб қолгандай тургани, унинг анъаналар оғушида эканлиги билинади. Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар кабилар худди бир неча аср аввал яшаб ўтган шоирлар сингари арузда ижод қилгани, уларнинг шеърлари узун ва қисқа ҳижоларнинг маълум тартибда такрорланишига асослангани аниқ кўринади. Табиийки, бу бир хилликни келтириб чиқаради. Бир хиллик эса ҳар қанча чиройли, мазмундор бўлмасин, барибир кишиларни зериктиради. Бир хил манзара ичida қолган кишининг кўнгли

беихтиёр бошқа бир оламни тусаб қолади. Инсон теварак-атроф манзарасига, хонадонидаги буюм, жиҳозлар ёки ўзининг кийим-либосларига эмас, санъат, адабиёт асарларига ҳам шундай муносабатда бўлади. Битта қўшиқ ёки куйни қайта-қайта эшитавериш, у қанчалик таъсирчан, мазмундор, жозибадор бўлмасин, меъдага тегади. Ўша қўшиқ, куй, ҳатто, ғашни ҳам келтирадиган бўлиб қолади. Адабиётнинг ҳам бир «қолип»даги асарлардан иборат бўлиши уни зерикарли қилиб қўяди. Шунинг учун Чўлпон: «Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимиylарни ўқийман: бир хил, бир хил... Кўнгил бошқа нарса қидирадир»<sup>1</sup> дея XX аср бошларидағи адабиётимиз аҳволидан нолиган. Абдулла Қодирий ҳам адабиётимиз узоқ замонлардан бери анъаналар гирдобида қолгани боис: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, ҳалқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зуҳра»лари, «Чор дарвешлари», «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таниширишга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз» деган<sup>2</sup>. «Мажбурият ҳис этиш» эҳтиёж, заруриятдан келиб чиқади. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби ижодкорлар асрлар давомида анъаналарга асир бўлиб қолганидан шакли ҳам, мазмуни ҳам ғариблашган адабиётни янгилашга астойдил киришишган.

Адабиётни янгилашга киришган авлоднинг ёрқин намояндаси Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» асари билан романчиликка асос солди. Театр томошалари кишилар дунёқаравшини ўзgartиралиган энг таъсирчан восита эканлигини таъкидлаган Маҳмудхўжа Беҳбудий эса ундан сал аввалроқ дастлабки ўзбек драмаси – «Падаркуш»ни ёзган эди. Фитрат «Абулфайзхон» трагедияси билан ўзбек адабиётидаги янги турни юксак даражага кўтарди. Чўлпон гўзал шеърлари билан шеъриятни ҳалқ ҳаётига яқинлаштириди. Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор устозларининг адабиётни янгилаш

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надир.—Тошкент: Чўлпон, 1994—58-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман.—Тошкент: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974—3-бет.

йўлидаги интилишларини дадил давом эттиришди. Улар анъ-анавий арузда эмас, халқ тилига мос тизим — бармоқда шеърлар ёзишди, ҳикоя, қисса, романларида ҳаёт ҳодисаларининг аниқ манзарасини гавдалантиришди. Ойбек, Faфур Фулом, Абдулла Қаҳҳор асарлари шакл ва мазмунининг ўзига хослиги, ҳаётийлиги билан ўзбек адабиётида кескин янгиланиш жараёни кечаетганлигини кўрсатди. Айнан уларнинг асарлари туфайли ўзбек адабиётининг манзараси тамоман ўзгарди. Авваллари адабиёт «об-ҳаво»сини анъанавий аруз белгилаган бўлса, Ойбек, Faфур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби ижодкорларнинг шеър, достон, ҳикоя, романлари туфайли унинг қиёфасини янги жанрдаги, янгича шаклдаги, ҳар бири ўзига хос услугга эга асарлар кўрсатди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари ва «Сароб» романни ўзбек адабиётининг шакл ва мазмун жиҳатидан жиддий янгиланишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Адибнинг «Ўғри», «Бемор», «Анор» ҳикоялари ҳаётнинг бир парчасини аниқ акс эттирган каби тасаввур беради. Ёзувчининг ушбу ҳикоялари ҳажмининг ихчамлиги, кенг мазмунни қамраб олганлиги, воқеаларининг ҳаётийлиги, қаҳрамонлари характеристининг таъсиранчилиги билан ўзбек адабиётида ўзига хос янгиллик эди. Ўзбек адабиётининг шакл ва мазмун жиҳатидан янгиланганигини намоён этган мазкур ҳикоялар яратилганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, улар ҳозир ҳам ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Аксинча, улар ҳаёт воқелигининг ҳаққоний манзараси сифатида таасусрот уйғотади. Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳажман ихчамилиги, қаҳрамонларининг халқона тилда сўзлаши, улар қиёфаси, хатти-ҳаракатларининг аниқ гавдалантирилиши, воқеа кечаетган замон ва маконнинг содда ва лўнда таърифланиши билан ажralиб туради. Ёзувчи асарларидаги ҳар бир деталь муайян маънони ифодалайди. Бошқа бир ижодкор шу маънони шарҳлаш учун бир неча саҳифа бағишлайди. Абдулла Қаҳҳор эса ҳар қандай кенг маънони бир неча сўз ёки жумлага жойлаб қўяди. Масалан, у «Бемор» ҳикоясида камбағаллик, ночорлик ҳолатини: «Сотиболди эртадан кечгача офтобшувоқда гавронлар ичига кўмилиб сават тўқийди. Тўрт яшар қизчаси қўлига рўмолча олиб, онасининг юзини карахт, нимжон, хира пашшалардан қўрийди; баъзан қўлида

рўмолнча, мукка тушиб ухлаб қолади. Ҳамма ёқ жим, Факат пашша финифилайди, бемор инқиллайди; ҳар замон яқин йироқдан гадой товуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло, баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо» деб тасвирлайди. Ёзувчи бекорга «пашшалар»нинг «карахт, нимжон, хира» эканлигига эътибор қаратмайди. У пашшаларнинг бу сифатларини таъкидлаш билан қашшоқликнинг манзарасини аниқ чизиб, ўқувчидаги ночор қолган одамларнинг аҳволига ачиниш ҳиссини уйғотади.

Абдулла Қаҳҳорнинг воқеалар кечайтган макон ва замон манзара, кўринишини энг характерли деталлар асосида гавдалантириши унинг ҳалқ ҳаётини чукур билгани, ночор одамлар аҳволини яқиндан ҳис қилганидан далолат беради. Адибнинг «Сароб» романи ҳам давр ва унинг муаммолари тўғрисида батафсил тушунча бериш баробарида, инсоний муносабатларнинг мураккаблиги, инсон қисматининг чигалликлари, кишининг тақдиди, истаса-истамаса, бошқаларга бевосита боғлиқлиги ҳақида аниқ тасаввур беради.

«Сароб» ўзбек адабиётидаги дастлабки романлардан бири саналади. Аниқроғи, у Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» ва Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асаридан кейин яратилган. Албатта, Ҳусайн Шамснинг «Душман» (1934), «Хуқуқ» (1935) романлари ҳам бор. Аммо бу икки асар замона мағкурасига кўр-кўронда мадху санодан иборатлиги, воқеалар ҳаёт ҳақиқати эмас, хукмрон сиёсат фояларига мувофиқ баён этилгани, энг муҳими, бадиий ночорлиги боис унтулиб кетган. Ўзбек китобхонлари баҳраманд бўлиб келган Садриддин Айнийнинг «Доҳунда» (1930) ва «Куллар» (1935) романлари ҳам шу даврда ёзилган.

«Сароб» 1934 йилда «Совет адабиёти» журналида босила бошлаган. Орадан уч йил ўтгач, роман китоб ҳолида нашр этилган. Бу пайтда Абдулла Қаҳҳор ўттиз ёшда эди. Атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор 1930 йили, яъни 23 ёшида «Сароб» романини ёза бошлади, уни 1934 йили тутатди» дейди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> XX аср ўзбек адабиёти тарихи.—Тошкент: «Ўқитувчи», 1999.—267-бет.

«Сароб» романи узоқ давр муҳокама, мунозараларга сабаб бўлган. Бу жиҳатдан у билан Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романинингина бир қаторга қўйиш мумкин. Албатта, Ойбекнинг «Кутлуг қон», «Навоий» романларига ҳам танқид «тош»лари отилган. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи эса бир неча ўн йил тақиқлаб қўйилган. Аммо Ойбекнинг асарлари ҳам, «Кечада кундуз» ҳам «Сароб» сингари уч марта қайта ишланиб, қисқартириб, қўшимча боблар киритилиб, «гузатилмаган». «Кечада кундуз», «Кутлуг қон», «Навоий» дастлаб қандай яратилган бўлса, кейинчалик ҳам жиддий ўзгартеришлариз нашр қилинган.

«Ўтган кунлар» ва «Сароб» узоқ йиллар мунозаралар марказида бўлганлиги билан ҳам бир-бирига ўхшайди. Абдулла Қодирий асарига ҳам у босилиб чиқиши билан тухмат «тош»лари отилган. «Ўтган кунлар» сабаб ёзувчига ёғдирилган маломатлар бир неча китоб шаклида босилиб чиққан. Биринчи ўзбек романини танқид қилиш XX аср 50-йилларнинг охиригача давом этган. Аммо «Ўтган кунлар» реалистик асарми ёки у романтик услугуга мансубми, деган мунозаралар 70-йилларда ҳам давом этган. Тирноқ остидан кир қидирадиганлар ўшандан кейин ҳам «Ўтган кунлар» баҳона адабни русларга қарши кайфиятда бўлганликда, шўро тузумига хайриҳо бўлмаганликда айлашаверишган.

«Сароб» ва «Ўтган кунлар» танқид «тўп»ига тутилишда «қисматдош» бўлса-да, улар мавзуси жиҳатидан ҳам, ҳаётни бадиий акс эттириши жиҳатидан ҳам бир-биридан тамоман фарқ қилади. Биринчи ўзбек романи тарихий мавзудаги асар бўлса, «Сароб»да замонавий ҳаёт акс эттирилган. «Ўтган кунлар»да рус босқини арафасидағи Туркистондаги аҳвол ҳақида ҳикоя қилинса, Абдулла Қаҳҳорнинг ilk романида шиддат билан қад ростлаётган шўро сиёсати одамлар онгу тафаккури, дунёқарашини қанчалик алғов-далғов қилиб ташлагани кўрсатилган.

Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, айниқса, унинг «Ўтган кунлар» романи доимо адабиётшуносларнинг дикқат марказида бўлган. Жумладан, Матёкуб Кўшжоновнинг «Қодирий – эрксизлик курбони», Умарали Норматовнинг «Қодирий боғи», Баҳодир Каримовнинг «Абдулла Қодирий» китобларида адабнинг аччиқ қисмати, «Ўтган кунлар» устига ёғдирилган танқид «тош»лари тўғрисида атрофлича маълумот берилган.

Лекин биринчи ўзбек романі яратилиб, у турли баҳо мунозаралар марказига айланганида у хусусда Фитратдек алломанинг, Чўлпондек улуғ шоир, адабиёт фидойисининг бирор жiddий фикр билдирамагани ажаблантиради. Ваҳоланки, Фитрат «Адабиёт қоидалари»ни ёзиб, сўз санъатининг ижтимоий аҳамияти, ундаги жанрлар ҳақида мушоҳада юритган. Чўлпонни «буржуа шоири», «мафкураси бузуқ», «Октябрь инқиlobини тушуммаган овсар» деб танқид қилишаётганда, Абдулла Қодирий бу тухмат ва таъналарни инкор этиб, Чўлпон «чечаклар ундиromoқчи» бўлган чин шоир дея ёқлаб чиққан. Эҳтимол, Фитрат ва Чўлпон «Ўтган кунлар» романни ҳеч қандай тавсияга муҳтож эмаслиги, у адабиётнинг асл асари сифатида ҳар қандай тухматни синдириб ташлашини билгани боис жим туришни маъкул кўришгандир. Балки бу икки улуғ сиймо ҳасадгўй, шуҳратпарастларнинг ҳам хусури қонсин, «Ўтган кунлар» сабаб, улар ҳам тарихда ўз номини қолдирсин, деган ўй билан андиша қилишгандир. Ким билсин, яна бошқа сабаблари ҳам бўлгандир. Лекин нима бўлганида ҳам «Ҳозирда бизга бирдан-бир лозим бўлғон нарса – адабиёт, адабиёт, адабиёт»<sup>1</sup> деган Чўлпоннинг илк ўзбек романини олқишиламагани кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, у: «Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, майшат йўлида ҳар хил қора кирлар илиа кирланган руҳимизга ҳам шул қадар адабиёт керақдир. Адабиёт яшаса – миллият яшар... Энди, эй қардошлар! Адабиёт ўқуйлик. Адиблар этишидираильук, «адабиёт кечалари» ясайлук. Руҳ, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук. Агарда «баёз» ва бемаъни бир-икки дона китоблар илиа қолсак, маҳву инқирозий бўлурмиз. Юрагимиз кундан-кун тошдан ҳам қаттиғ бўлур. Юракни эритайлук, руҳ берайлук, инқироз бўлмайлук» дея куйинган.

Аммо Фитрат ва Чўлпон «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларини ёқлаб чиқмаган. Улар «Сароб» тўғрисида ҳам бирор мулоҳаза билдиришмаган. Абдулла Қаҳҳорнинг бу илк романи юқорида қайд қилинганидек, 1934 йили «Совет адабиёти» журналида босилган. Афсуски, Абдулла Қодирий

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надир: (Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар).—Тошкент: Чўлпон, 1994.—37-бет.

ҳам, ёш адибнинг дастлабки йирик асари тўғрисида матбу-отда фикр билдириб, уни қўллаб-қувватламаган. Ваҳоланки, улар «Сароб» сингари салмоқли асарларга ўзбек адабиёти муҳтож эканлитини, янги давр кишиларининг айни шундай романга эҳтиёжи борлигини, қолаверса, йирик асар яратиш машаққатларини жуда яхши билишган. Эҳтимол, уларга замоннинг таҳликалари, турли тазиикларнинг авж олгани бунга имкон бермагандир.

Ойбек,Faфур Фулом Абдулла Қаҳҳор билан бир пайтда адабиётта кириб келишган. Улар ёш жиҳатидан ҳам деярли тенгдош, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан ҳам айтарли фарқ сезилмайди. Ойбек «Сароб» босилиб чиққанидан кейин «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласини ёзган. У китоб ҳолида 1936 йилда нашр этилган. Аммо Ойбек «Сароб» романи тўғрисидаги мулоҳазаларини баён этиб, матбуотда чиқармаган. Faфур Фулом ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг бу илк романи тўғрисида бирор фикр айтмаган. Ваҳоланки, Ойбек, Faфур Фулом ҳам худди Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари адабиёт тарихи тўғрисида, адабий жараёндаги муаммолар хусусида талайгина мақолалар ёзишган. Шундай экан, уларнинг замонавий ҳаёт ҳақиқати, зиёлилар тўғрисидаги дастлабки ўзбек романига муносабат билдирамгани кишини турли ўйларга олиб боради. Балки улар «Сароб» романини ўқишмагандир. Лекин бу ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Чунки у йилларда газета-журналлар, китоблар у қадар кўп бўлмаган. 1926—1937 йиллар оралиғида Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён», Ҳусайн Шамснинг «Душман» ва «Ҳуқуқ», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» ва Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романлари — ўн йилдан кўпроқ вақт ичida бор-йўғи олтида роман босилиб чиқсан. Бундан ташқари, у замонларда худди ҳозиргидай, беихтиёр дикқатни жалб қиласиган аҳборот «бўрони» ҳам, вақтни «ўғирлайди»ган эрмак сериалларни узлуксиз намойиш этадиган телевидение ҳам бўлмаган. Ойбек, Faфур Фулом ва сафлошлари 30-йиллар қатағонлари барҳам топиб, ижтимоий, адабий ҳаётда муайян ижобий ўзгаришлар бошланган кезларда ҳам «Сароб» романи тўғрисидаги мулоҳазаларини маълум қилмаган.

Аммо Абдулла Қаҳхорнинг Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийдек устозлари, Ойбек,Faфур Fулом сингари сафдошлари «Сароб» тўғрисида суқут сақлашган бўлса-да, у доим баҳсу мунозаралар марказида турган. Айримлар уни ижобий баҳолашган. Баъзилар эса миллатчиликни ёқлайдиган, шўро сиёсатини қоралайдиган асар, дея танқид қилишган. «Сароб» романи кенг жамоатчиликка жалб қилинган ҳолда, матбуот саҳифаларида узоқ муҳокама қилинган. Ёзувчини ёқтиргайдиганлар асар ва унинг қаҳрамонларини унга қарши калтакка айлантириб олишган. «Сароб»ни танқид қилганлар орасида адабнинг талантига ҳasad қилганлар ҳам, улуғ ёзувчига «шўро сиёсатини ёқлаган» дея ташланиб, ҳаммага танилишни истаган шуҳратпастлар ҳам бўлган...

Асл санъат асалари ҳамиша сирли бўлади. Улар ҳар кимга ҳар хил кўринади. «Сароб» ҳам худди «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз» сингари санъаткорона маҳорат билан яратилгани боис кишиларга турлича таъсир қилгани. «Сароб»нинг кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани унинг анчагина маънодорлигидан далолат беради.

«Сароб» романи: «Қиз эшик олдига юраги бетламайроқ келди, унинг қабзасидан ушлаб, аста тортиши нарёқдан бирорвинг қаттиқ итарган пайтига тўғри келди: эшик оёгининг учига тегиб қопчигандан сўнг четланиб, ичкаридан чиқсан йигитга йўл берди. Йигит дарров бутун вужуди билан таасуф билдириб, афв сўради.

Кийимидан йигит кўпроқ студентга ўхшар эди. У эшик ёнида паришон турган қизга яна бир қаради-да, салмоқли қадам ташлаб, залнинг тўрига томон юрди. Қиз қия қолган эшикни секин зичлади-да, йигитнинг кетидан қараб қолди; кейин ўнғайсизлана-ўнғайсизлана унинг орқасидан кетди» деб бошланади<sup>1</sup>.

Ёзувчи қизнинг кимлигини, унинг исмини маълум қилмайди. Кийимидан талабага ўхшаб кетадиган йигитга ҳам шундай муносабатда бўлади. Эшикдан ичкарига кирмоқчи қиз ва эшикдан ташқари чиқмоқчи йигит — романнинг асосий қаҳрамонлари. Қиз билан йигит ҳам ҳадиксираб, ҳам

<sup>1</sup> Қаҳхор А. Сароб: Роман.—Тошкент: «Шарқ» НМК Бош таҳририяти, 1995.—5-бет.

ички интиқлик билан бир-бирига интилиб танишадилар. Қизнинг исми – Мунис, йигитнинг исми—Сайдий. Адаб уларнинг портрети – ташқи қиёфаси билан таништириб ўтирамасдан, қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам учрашув чоғидаги ҳаяжонли ҳолатларини тавсифлаш билан чекланади. Раҳимжон Сайдийга илк бор дуч келган Муниснинг ҳолатини: Бу қиз учун шу уйга кириб, ўз ишининг оқибатини сўраш янги очилган қизларнинг гавжум гузардан қоқилмасдан, қизармасдан ўтишидай қийин эди. Шунинг учун «Сайфий шу уйда ишлайди», деган ваҳима уни гангитиб қўйган эди. Сайдий афв сўрагандан кейингина кўзи очилди; шундан сўнг худди бирор: «Э, ўл-а, шунаقا, чиройли йигитни кўрсанг, юрагинг тутдай тўкилади» деб таъна қилаётгандай қизариб, орқасига қайтди» деб баён этилади<sup>1</sup>. Сайдийнинг ахволи ҳам айнан шундай. Яъни: «Сайдий эса ундан нима умидвор эканини ўзи ҳам билмас, аммо унинг умид қилган нарсанигина эмас, бутун оламни бериб, ҳеч нарса талаб қилмайдиган бир ҳолатда эди. Вужуди мўъжиза, ҳар бир сўзи, ҳаракати ҳаётга чақириб турган шу қизга ҳамдард бўлиш учун ҳамма нарсага тайёр эди... Қизнинг лаб тишлаб, бош чайқashi кўз олдидан кетмас эди. Унинг бошидаги фикрлар аралаш-куралаш бўлиб кетди; буларнинг ичидан бирортасини ажратиб олса, ўша ҳам хаёлга айланиб кетар эди: «Шу қизнинг бошига бир фалокат тушса-да, кутқарадиган киши ягона мен бўлсам», дер эди».

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»да Кумушнинг, «Мехробдан чаён»да Раъононинг портретини батафсил тасвиirlаб, ўқувчи кўз олдидаги уларнинг гўзал қиёфасини гавдалантиради. У бу қаҳрамонлари билан таништиришни уларнинг портретини тасвиirlаб кўрсатишдан бошлайди. Абдулла Қаҳҳор эса қаҳрамонлари билан таништиришда ўзига хос йўлдан боради. У Муниснинг чиройли эканлигини портрети орқали эмас, унинг Сайдийни қанчалик мафтун этгани орқали таъкидлайди: «Қиз хайрлашиб, автобусга чиққанида худди бир зарур гапи бўлиб, унугандай орқасига – Сайдийга қарди. Автобус кўздан йўқолгунча Сайдий ҳайкалдай қотиб, қараб қолди, автобус кўздан йўқолгандан сўнг дўпписини

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 6-бет.

кўтариб, қишишмаса ҳам, бошининг орқасини қашиди... Сайдий худди олдидা ҳеч ким йўқдай, уйнинг бурчагига қараб, ўйланар эди. Эҳсон ҳам тек қолди. Анчадан кейин Сайдий ўзича, «ажойиб!» деди-да, Эҳсонга қаради<sup>1</sup>.

Сайдий Мунисхон билан учрашгач, худди Отабек Кумушга сирли ариқ бўйида дуч келгани сингари фоят мутаас-сир бўлади. Аммо у «Ўтган кунлар» қаҳрамони сингари не қиласини билмай изтироб чекиб эзилмайди. Чунки у Отабекдан кўра кенгроқ имкониятга эга эди. Яъни Сайдий Мунис билан гаплашган, унинг университетда ўқиш истагида эканлигидан хабардор бўлган эди. У Отабек сингари «мусулмонобод» замонда эмас, бўлак бир даврда яшарди. Шунинг учун «Илгарироқ диндан қайтмаган бўлсан», «ҳамма одам тупроқдан бино қилингандай» деган таълимоти учун ҳам қайтар эдим» дейди. Чунки Сайдийнинг кўзига Мунисхон барча одамлардан бўлакча яратилган каби кўринади.

Абдулла Қодирий Кумуш ва Раъононинг портретини турили ўринларда ўзи ҳам маҳлиёдай батафсил тасвирлайди. Абдулла Қаҳҳор эса: «Сайдий Мунисхонни ўзининг кўзидаи эҳтиёт қиласар, унга бор-йўгини берганида ҳам ҳеч нарса талаб қилмас эди» дейиш билан чекланади<sup>2</sup>. Кўз эса инсоннинг энг нозик аъзоларидан бири саналади. У чангнинг биргина заррасидан озорланиб оғрийди. Биргина киприк қайрилса ҳам кўзга оғриқ киради. Шунинг учун ҳамма вужудининг бошқа аъзоларидан ҳам кўра кўзини эҳтиёт қилишга уринади. Сайдий Мунисхонга шундай муносабатда бўлади. Чунки у Сайдийнинг кўзига гўзаллик тимсоли бўлиб туюлади. Бунга табиийки, Муниснинг чиройли хусни сабаб. Шунинг учун Сайдий унга: «Табиат сени ўнча мароқ ва иштиёқ билан яратса-ю, ажалга мот қилдирса, телбалик бўлади, Мунисхон. Сен олам борича яшайсан» дейди<sup>3</sup>.

Француз адаби Стендаль «Ҳусн севгининг пайдо бўлишида пешлавҳа каби зарурдир» дейди<sup>4</sup>. Отабек ҳам Кумуш

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 8-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 26-бет.

<sup>3</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 28-бет.

<sup>4</sup> Ҳакиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф.—Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. —351-бет.

ни у жуда ҳусндор бўлгани сабаб, бир кўришда севиб қолади. Юсуфбек ҳожи Ҳасаналидан: «Бизга келин бўлмишни гўзал, дедингми?» деб сўраганида, у: «Илоҳи Отабек саломат кутулсин, муҳаббат қўйганича бор» дейди<sup>1</sup>. Кумуш фоят ҳусндор бўлгани боис бир кулиб қарashi билан Отабекни тоғдай босиб ётган «ота-она орзуси»ни ағдариб ташлайди. «Ситамгар пари ўзининг сеҳрли кўзлари билан Отабекка яна бир кулиб қараб туар эди-да, гўёки шу кулиш билан ўз сеҳрининг қайси даражаларда кучли бўлганини сўзлаб, фаҳрланар эди» дейди ёзувчи<sup>2</sup>. Раъно ҳам «ёлғиз Қўқондагина эмас, умуман, Фарғонанинг куйларга қўшилиб мақталатурган гўзалларидан» бўлгани боис «Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат орқали кўради»<sup>3</sup>.

Киши қалбida севги, муҳаббат ҳиссининг пайдо бўлишига аввало ҳусн сабаб бўлади. Шундай эканлиги халқ дostonларида ҳам таърифланади. «Хамса» қаҳрамонлари ўртасидаги ишқ-муҳаббат ҳам маъшуқанинг ҳусни туфайли пайдо бўлади. Навоий Фарҳоднинг отаси хазинасидаги сандиқни очиб, кўзгуга қараганида паричехра қизлар ичидаги гўё бир ойдек, йўқ-йўқ, дунёни ёритиб турган моҳпайкардек гўзални кўриб, худди ўқ еган ов каби нола чекиб, хушдан кетгани ва бир кеча-кундуз ўзига келмаганини таърифлайди.

Саидийнинг Мунисхонга боғланиб қолишига ҳам даставвал унинг чиройи сабаб бўлади. Мунисхоннинг у билан бирга дарс тайёрлаши, уйига таклиф қилиши, йигит ихарада турадиган хонадонга боришига Саидийнинг гап-сўзигина эмас, унинг кўркам кўриниши ҳам ўз таъсирини ўтказган. Мунисхон Саидий билан илк бор кўришганида унга худди биров: «Э ўл-а, шунаقا, чиройли йигитни кўрсанг, юрагинг тутдай тўкилади» деб таъна қилаётгандай қизариб орқасига қарайди».

Абдулла Қаҳҳор Мунисхоннинг «кўздай эҳтиёт қилиш»га муносиб ҳусндор эканини, Саидийнинг «чиройли йигит»-лигини уларнинг бўй-басти, ранг-туси, ҳаракатларини ба-тафсил тасвирлаш орқали таърифламайди. Абдулла Қодирий, Ойбек эса Абдулла Қаҳҳордан фарқли тарзда албатта

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 89-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 145-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 85-бет.

асосий қаҳрамонларнинг портретини анча кенг баён этади. «Үтган кунлар», «Кутлуғ қон», «Навоий» романларида де-ярли барча персонажларнинг портрети берилиб, уларнинг бўйи, юз-кўзи чизиб берилади. «Сароб»да бирор-бир ўринда ёзувчи Мунисхон гўзал, чиройли демайди. Аммо «Саидийнинг бошқа қизлар билан сўзлашганини кўрса, чехраси бузилар эди» дейли. «Чехра» сўзи эса чиройлиликни «юз», «бет» сўзларига қараганда ортиқроқ ифодалайди. Саидийнинг ўзи ёқтирилдиган кишилар билан муомала қилганда «асабий касалдай афтини буриштириши» таъкидланади. Ёзувчи Мунисхонга нисбатан доимо «чехра» сўзини қўллагани ҳолда, Саидий қиёфасидаги ўзгаришларни таърифлашда «афт»дан фойдаланади. Бу билан унинг қиёфа, кўринишида ҳам кишида нохуш таассурот қолдирадиган аллақандай биқиқлик борлигига ишора қиласи. Кишининг феълидаги торлик унинг ташки қиёфасига ҳам қалқиб чиқади. Саидий анча-мунча одамни хуш кўрмайди. Бадавлат оиласдан бўлган бу йигит, айниқса, камбағал кишиларни унча хуш кўрмайди. Камбағалдан чиққанлар у билан ўзини тенг тутиб, бемалол муомала қилса, чидолмай афтини буриштириди. У ҳамхужраси Эҳсонга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлади. Чунки Эҳсоннинг отаси ҳар куни кечкурун кўчалардаги чироқларга ёғ куйиб ёки уларни ёқиб юрган<sup>1</sup>. Саидийнинг отаси эса, бой-бадавлат. У «машина» босқон, машина дам билан ишлайдиган катта бир корхона очмоқчи бўлиб, анчагина темирчиларни тўплаган, бу ишга талай сармоя ҳам харжланган, лекин иш бошланмасдан синиб, ер билан яксон бўлиб, ўзини осган». Саидий шунинг учун камбағаллардан чиққан Эҳсон ва унинг Павел Шафрин, Шариф каби дўстларини кўрганида «худди буюрган овқати ёқмаган касалдай афтини буриштиради, уйнинг у ёқ-бу ёғига қарайди». Саидий романнинг асосий қаҳрамони саналади. Асаддаги барча воқеалар марказида у туради. Саидий бой-бадавлат, амалдор одамларга алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлади, бошқаларга эса жиркангандай қарайди. Романда Эҳсон, Шафрин, Шариф кабилар Саидийнинг кимлигини билолмагани, Саидий суянган кишилар манфаатпараст худбин кимсалар экан-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 8-бет.

лиги, саробга интилган Саидий охир-оқибатда ҳалокатта учрагани ҳаққоний акс эттирилади.

Ҳаётда ҳар ким экканини ўради. Шариф, Эҳсон, Шафрин Саидийнинг улардан ўзини тортиши, ёқтираслигини пайқашади. Ҳатто, унинг бу феълини ўзига очиқ айтишади. Дўсти Эҳсон Саидийга: «Сизнинг ёмон одатингиз бор, одамга кўшилмайсиз. Ҳатто, Шарифдай бир хушфеъл, кўнглида кири йўқ йигитдан ҳам ўзингизни олиб қочасиз», дейди.

Абдулла Қаҳҳор Саидий образида одамларни тоифаларга ажратадиган, ўзидан қуидағиларга беписандлик билан қарайдиган кишиларнинг таъсирчан тимсолини гавдалантирган. Худбинлик Саидийнинг қон-қонига сингиб кетган. У ҳаммадан алоҳида ажралиб туришни, бошқалар унинг измида бўлишини истайди. Шунинг учун у Мунисхон билан танишгач: «Шу қизнинг бошига бир фалокат тушса-да, кут-қарадиган киши ягона мен бўлсан» деб хаёл қиласди. Саидийнинг оламшумул адаб бўлиб, шон-шуҳратга эришиш тўғрисидаги ҳавои ҳаёллари ҳам унинг ниҳоятда худбинлигини, ҳар қандай қилиб бўлса-да, бошқалардан баландроқ туриш пайида бўлишини билдиради. Ёзувчи Саидийнинг худбинлигини кўрсатиш мақсадида унинг куйидаги ҳолатини келтиради: «Саидий баъзан кечалари кўрпада уйгоқ ётиб, туш кўради. У оламшумул ёзувчи: американлик машҳур муҳаррир сингари ҳар куни бир устунлик нарса ёзиб, йилига ўн икки минг олтин маош олади; турли мамлакатлардан франк, доллар, рупиялар келиб туради; шундан сўнг бу серфавро, серазият шаҳардан кетиб, Шимолий Америка адаби Торо сингари табиат қучогига киради; водийнинг энг гўзал ерига соглан қасрида ўтириб, хотини Ариаднанинг роялда қилган машқига қулоқ берар экан, бутун водий ва ундаги ўтлаб юрган қўй-қўзилар, йилқилар, тоғ ён бағирларида ўсган писта, арча, кўм-кўк ўт-ўланлар ва уларнинг орасида илонизи бўлиб оққан, қўёшнинг нурида кумуш тасмадай ярқираган ариқ ва ариқчалар кўриниб туради. Унинг қасри орқасидан ер юзидағи ҳамма мевалардан топиладиган катта бօғ бўлади. Саидий олтиннинг кучи билан бу боғда нилуфар гуллари, хурмо ва апельсин дараҳтлари ўстиради... Саидий шу қадар кўп ҳаёл сурар ва бу манзараларни тасаввур қиласди, бу водий, ундаги қаср худди яқинда кўриб келган

жойидай күз олдилда турар эди»<sup>1</sup>. Албатта, Саидийни ширии хәёлларга боргани, оламшумул адип бўлиш-у, бой-бадан латга айланиш ҳақида орзу қилгани учун айблаб бўлмайди. Саидий орзу қилган бу нарсалар бошқаларнинг ҳам хәёлидан ўтиши мумкин. Аммо Саидийнинг хәёлидан имонли, диёнатли киши ҳазар қиласиган ўйлар ҳам ўтиб туради. Унинг қўнглидан мана бундай ўйлар кечади: «Саидий ўзининг «хунук бўлса ҳам, истараси иссиқ» рафиқаси билан Муродхўжа домланинг меросхўри! Домла шу тўғрида гапирганда, Саидийнинг назарида домла бу бойликларга яна кўп бойликлар кўшиб бўлганидан сўнг кўп турмай ўладигандай қўринар эди. Ер-сув, неча авлоднинг кўшимчалари – тўлдиришлари натижасида сарой ҳолига келган ҳовли ўзининг «Боғи эрам» и билан Саидийники. Оёқ остидаги сомон парчасидан тортиб томдаги йилдирим соқчисигача Саидийга қарайди. Шунинг учун бирон дараҳтнинг пўстлоғига етган зарадан тортиб ёмғир ёққанда деворнинг нам тортишигача Саидийнинг диққатини жалб қиласар ва қўнглига ғашлик солар эди»<sup>2</sup>. Юраги кир, «ҳамма нарса менга тегишли, фақат ўзимники бўлсин», деган кимсагина шундай ўйлайди, теварак-атрофга шундай қарайди. Саидий «оёқ остидаги сомон парчасидан тортиб неки кўзга қўринса, ҳаммаси ўзиники бўлишини истайди. Шунинг учун у ҳовлисидаги бирон дараҳтнинг пўстлоғига зарар етишидан ҳам, ёмғир ёққанда деворнинг нам тортишидан ҳам озор чекади, дили фаш бўлади. Чунки у атрофига томоша қилиш, кузатиш мақсадида назар ташламайди. Тўғрироғи, унинг худбинлиги бундай қилишига тўсқинлик қилаади. Саидий ҳар бир нарсага фақат манфаат, фойда кўриш мақсадида қарайди. У опасидан бирор-бир фойда топишига кўзи етмайди. Шунинг учун касалманд, эри томонидан таҳқирланиб ҳайдалган опасига унчалик ачинмайди. Унинг тақдирига бефарқ қарайди. Опасидан фойда ололмаслиги, аксинча унинг ўзи кўмакка муҳтоҷ бўлиб қолганини пайқагани учун имкони борича ундан ўзини олиб қочади.

Феъл-автори, дунёқараси, интилиши ўхшаш кишилар тезда бир-бирига яқинлашади. Саидий ҳам ўзига ўхшаш хубдинлар билан топишиб олади. У ёқтирган кишиларнинг бар-

<sup>1</sup> Қахҳор А. Сароб. Роман. 127-бет.

<sup>2</sup> Қахҳор А. Сароб. Роман. 126-бет.

часи худбин. Саидийнинг поччаси Мұҳаммадражаб ҳам, сев-ган қизи Мунисхон ҳам, Муродхұжа домла ва унинг хонадо-нидагилар ҳам манфаатпарат. Бундай кишилар дастлаб ора-ларидан қыл үтмас қадрдан бұлишади. Кейинчалик уларнинг ўртасидан олов чиқади. Чунки дунёпаастлар ҳар қандай пайтда ҳам фақат үз манфаатини құzlайды. «Сароб» романыда адіб манфаатпарат кишилар ўртасидаги муносабатлар нақадар жирканч бұлишини Саидий ва унинг атрофидагилар ўртаси-даги муносабатларда ҳаққоний гавдалантиради. Поччаси ҳам, қайнотаси, қайнонаси ҳам, Мунисхон ҳам Саидийга ман-фаатдор бұлиш истагида ёндашади. Саидий фойда беріб тур-ған пайтда улар унга ҳұрмат-әхтиром күрсатишади. Аксинча бұлғанида ундан юз ўтиришади. Саидий муаллимлик қилиб, күп пул топиб турған пайтида поччаси Мұҳаммадражаб унга «күтара мол оладиган харидорға қылғандай мұомала қиласы: овқатнинг яхшиси Саидийники, усиз шишшанинг оғзи очил-майды». Мунисхонға ҳам Саидий «ювош, оғир, яна қоби-гина йигит, гапта тез тушунадиган ва киши қандай кайфи-ятда бўлса, шунга муносиб мұомала қиладиган» бўлгани учун маъқұл келади».

Феълида худбинник устун кишилар теварак-атрофидаги ҳодисаларга бефарқ қарамаслиги билан ажralиб туради. Улар муносабатларини очиқ-ошқора сездирмаса-да, юз берәётган ҳар бир воқеани жуда эхтиётлик билан үзларича таҳлил қилишади. Саидий ҳам рўй берәётган үзгаришларга бефарқ эмас. Абдулла Қаҳҳор Саидий характерининг бу жиҳатларини унинг ер ислоҳоти туфайли қишлоқларга бориши муносабати билан боғлиқ воқеаларда күрсатади.

Адіб Саидий образини яратар экан, худбин кишиларнинг анча укувли, қобилятлы бўлишига ҳам эътибор қара-тади. Саидий шеърлар, ҳикоялар ёзади. Матбуотда босилиб чиққан баъзи ҳикоялари унинг истеъдодидан дарап беради. Шунинг учун Саидийни үз ёнига тортмоқчи, даврасига қўшмоқчи бўлғанлар пайдо бўлади. Саидий Мунисхон сабаб, Салимхоннинг даврасига қўшилади. Салимхоннинг дав-радошлари дунёқараши Саидийга маъқұл келади. Ундан ҳам муҳими, Саидий Мунисхонга яқинроқ бўлишни истайди. Афсуски, Салимхон синглиси Мунисхонни ўзининг давра-доши Мухторхонга беради. Саидий Мунисхонни шу қадар

яхши кўрадики, унинг «одам қули билан бино қилинган бирон иморатда туришини» ҳам хаёлига келтиролмайди. Мунисхон Саидий учун бамисоли пари, сирли хилқат бўлиб туюлади. Саидий Мунисхон яшайдиган ҳовли ичкарисини тасаввурига ҳам сифдиролмайди. Саидийнинг бу ҳолати романда қўйидагича кўрсатилади: «... ичкарини сира кўз олдига келтиролмас ва келтироқчи бўлганида фақат бир туманликнигина кўрап эди. Ким билади, бу туманликнинг ичида қандай сирлар бор?! Мунисхон бу туманликка кирганида балки қанот боғлаб учар, балки учар отга минар»<sup>1</sup>.

Саидий ҳар қанча ақлли, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган пишиқ, пухта бўлмасин, у ҳам муҳаббат олдидга ожиз қолади. Шу боисдан у Мунисхонни бир неча марта ҳовлиси олдигача кузатиб қўйган бўлса-да, унинг «одам қули билан бино қилинган бирон иморатда туришини» тасаввур қилолмайди. Киши севган кишисини бошқалардан тамоман бўлакча хилқат деб ўйлайди. Шунинг учун улуғ ҳинд адаби Рабиндрнат Тагор: «Севувчи қалб ўз муҳаббатини ўзи англадими, демак, қалб шу муҳаббатини ифодалаб (ёки уни реал бир нарсага айлантириб), бир дақиқада бор нарсаларини—ақл, жон, бойликларини харж қилиб ташлайди» дейди<sup>2</sup>. Саидий Мунисхонни бир кўрганда севиб қолгани учун унга «бутун оламни бериб, ҳеч нарса талаб қилмайдиган бир ҳолатга тушади».

Абдулла Қодирий ҳам «Ўтган кунлар» романида Отабек, Кумуш образларида муҳаббатнинг қалбда бир лаҳзада инқи-лобий ўзгариш ясашини кўрсатади. Адаб муҳаббатни Ҳасанали тилидан «юрак жавҳари» деб таърифлайди. Романинг маргуб қаҳрамонларидан яна бири Зиё шоҳичи эса: «Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладиган дурри бебаҳодир» деб таъкидлайди<sup>3</sup>.

«Сароб»даги воқеалардан Саидий билан Мунисхон ўргасида ҳам шундай «дурри бебаҳо» пайдо бўлгани, аммо бу «юрак жавҳари» уларнинг худбинлиги туфайли ботқоққа

<sup>1</sup> Қахҳор А. Сароб. Роман. 23-бет.

<sup>2</sup> Тагор Р. Асарлар. 8 томлик. 8—том.-Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. — 297-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 43-бет.

ташлаб юборилгани аёнлашади. Саидий ичиб маст бўлган кезларида ичидаги алам, изтиробни енгиш учун: «Муҳаббат нима? Ҳайвоний хоҳиш, лекин яланғоч ўзи эмас, ҳисдан гуллар ясада безалган. Бу гуллар қуриб тушса, ҳайвоний хоҳишнинг ўзи қолади. Шу сабабли, никоҳ учун муҳаббат шарт эмас. Шунинг учун «Бу хотин хунук, буниси чиройли» дейишида маънно йўқ» дея ўзига ўзи тасалли беради<sup>1</sup>.

Саидий Мунисхонга қанчалик интилса, у ўзини шунчалик баланд олади. Чунки Мунисхон – бой-бадавлат кишининг эрка қизи. Бир пайтлар «Мунисхон ҳар замон отаси билан извошга тушиб, ўзларининг магазинларига борарди. Узундан-узун кетган магазиннинг ичидаги отаси билан айланниб юриб чарчарди; отасининг ҳар қадамда аллақандай кишилар билан узоқ-узоқ сўзлашувидан зерикарди; кейин отасининг бриллиант кўзли олтин узук тақсан бармогидан ушлаб «кетамиз» деб тортарди; шундай бўлса ҳам, отаси Москва ёки бошқа шаҳарларга сафарга кетганида извошга тушиб, магазинга боришини соғинар эди». Мунисхон такаббур бўлиб ўсгани учун ҳам: «Саидий менинг қўлимда бир зувала ҳамир, тиласам, кулча қиласман, тиласам – бўғирсоқ» деб ўйлади. Саидий худбин бўлгани учун ҳам тақдир уни шундай такаббур қизга дуч қиласди. Мунисхон эридан ёлчимай азобланиб юрганида ҳам такаббурлигича қолади. Ёзувчи худбинлик, такаббурлик инсонни фожиага элтишини Мунисхон қисматида ҳам кўрсатади. Мунисхон ўзини отишдан олдин: «Бу кунгача кўз ёши тўқдим. Барибир бундан кейин ҳам тўкар эдим. Қиз туқсан оналар, болаларингизни тириклий кўмингиз, қиёматда домангир бўлмасин, демоқчи бўлиб қалам олган эдим, бироқ кувноқ қизлар, кувноқ хотинларнинг кулги товушлари қулогимга эшитилиб кетди. Йўқ, қиз ёмас, Мунисхон туқсан оналар болаларини тириклий кўмсинлар. Олам тўла баҳт, фақат мен баҳтсиз эдим» дея хат ёзиб қолдиради. Бу foят мағрур Мунисхоннинг ич-ичидан эзилиб, изтироб, алам билан яшаганидан далолат беради.

«Сароб»нинг асосий қаҳрамонлари: Саидий ҳам, Мунисхон ҳам, Муродхўжа домла ва унинг хотини, қизи ҳам манфаатпарастлиги, худбинлиги билан диққатни жалб этади.

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 116-бет.

Ёзувчи уларнинг ўй-кечинмаси, хатти-ҳаракатини ҳаққоний гавдалантиради. Бу қаҳрамонлар гарчи бир-биридан қиёғи, кўриниши, хатти-ҳаракатлари, тушунча, дунёқарашни жи-ҳатидан фарқ қиласа-да, манфаатпарастлиги уларни бирлаштириб туради. Саидий Мунисхоннинг акаси даврадошлиари билан қадрдонлашишга ҳаракат қиласи. Муродхўжа домла ҳам шу давра фаолларидан эди. Аммо даврадошларнинг ҳар бири ўз манфаатини ўйлагани боис улар ҳалокатга учрайди. Саидий, Муродхўжа домла, Салимхон ва уларнинг даврадошлари шўро тузумига қарши бўлишса-да, аммо Абдулла Қодирий қаҳрамони Юсуфбек ҳожи айтганидай «манфаати шахсиясидан кечиб, фақат эл баҳти учун бош тикканлар жамоаси» эмас эди<sup>1</sup>. Саидийнинг даврадошлари халқ манфаатини эмас, ўзларининг шўро хукумати олиб қўйган бойлигини ўйлади. Саидий фойдаси, манфаатини ўйлагани боис Сораҳонга уйланади. Саидий «Сораҳон хунук, бу рост, аммо истараси иссиқ... Баъзи қизлар чиройли бўлса ҳам истараси совуқ бўлади, хуснда истаранинг аҳамияти зўр» деб ўзига ўзи тасалли беради. Чунки Саидий бу хунук қизнинг отаси Муродхўжа домланинг мол-давлатига меросхўр бўлишни режалаштиради: «Саидий Сораҳонга эр бўлишига қўника бошлади, энди бўлажак никоҳ бутун бойлик хазинасининг капитини қўлимга топширади», деб билуви керак эди.

Саидийнинг муҳаббат туйфулари ҳам унинг худбинлиги, шуҳратпарастлиги билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу хусусда романда: «Саидийни факультетта парчинлаган катта мих – Мунисхон. Факультет – Мунисхон билан иккови-нинг орасидаги тагсиз соҳга тушган омонат қўприк эди, бу қўприк вайрон бўлса, ундан кўра яхшироқ, ишончлироқ иккинчи бир қўприк барпо бўлади. Саидий Мунисхоннинг даргоҳига иккинчи қўприкдан – шуҳрат, обрў, пул қўпригидан ўтади. Бу қўприкдан ўтганида Мунисхон таъзим қилиб қарши олиши муқаррар. У илгари Мунисхонга бўлган муносабатини ишққа доир, дегани қўрқар эди, чунки бояги муваққат қўприк бузилса, иккови икки оламда қолиб кетар ва шундан кейин Саидий учун ер юзида хотин жинси битар

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 326-бет.

эди. Бу янги кўприк эса то Саидий ёки Мунисхон ўлмагунча бузилмас эди»<sup>1</sup> дейилади.

Саидий худбин бўлгани, бошқалар билан чиқишиб кетолмагани боис ижодий муваффақиятга эришолмайди. Уни катта умидлар билан ичкуёв қилган Муродхўжа домланинг ҳам режаси амалга ошмайди. Чунки у ҳам Саидий каби худбин, шухратпараст. Ёзувчи Муродхўжа домланинг бу жиҳатини унинг Саидий билан илк дуч келган пайтини тасвирлаш орқали кўрсатади: «Ўрта бўйли, йўғон гавдали, кўк мовут аврали пўстин кийган, қўирқ беш ёшлардаги бир киши кирди. Унинг мўйловгага ўҳшаган қошлари кўзининг устига тушиб турар, кичкина дўпписи қоплай олмаган тепакал боши ҳозиргина пардозланган сариқ этикнинг тумшуғидай ялтирап эди. Домла ҳаракатда айик, юришда ўрдакни хотирларди. У ҳеч ким билан сўрашишга интилмасди, хурматига ўрнидан туриб, девор остига қисилиб турган Саидийга қара-мади ҳам»<sup>2</sup>.

Улуг рус адиби Ф.Достоевский: «Одамнинг афтидаги оддий ўзгаришни кечиролмаймиз, худо билади, унинг ба-шараси нимадан ўзгарди экан!» дейди<sup>3</sup>. «Сароб» қаҳрамони Саидий ўзи ёқтиргмаган кишилар билан ҳам ҳеч қачон му-нозара қилмайди, талашиб-тортишмайди. У дўсти Эҳсонни, Павел Шафринни, Муродхўжа домланинг хотинини унчалик хуш кўрмаса-да, уларга асло тескари гапирмайди. Агар улар билан гаплашгиси келмаса, ниманидир баҳона қилиб узоқлашади ёки саволларини эшитмаганга олиб, жавоб бермайди. Чунки Саидий бошқалар билан ўқимишли, маданиятли кишиларга хос мулойим, беозор муомалада бўлишга ҳаракат қиласди. Ҳеч кимга кескин қарши чиқиб, муносабатларини буткул узиб юбормай «киши қандай кайфиятда бўлса, шунга муносиб муомала қиласди». Шундай бўлса-да, у одамлар орасида ортиқча одам бўлиб қолади. Ундан Эҳсон, Шафрин сингари дўстлари узоқлашади. Саидийни қайнота-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 77-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 50-бет.

<sup>3</sup> Достоевский Ф.М. Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар. Тўрт қисм-дан иборат. Роман. Ҳабиба Зиёхонова тарж. –Тошкент, Бадиий адабиёт нашиёти, 1966. –147-бет.

қайнонаси ҳам ёмон күриб қолади. Бунинг сабаби нима да? Сабаби шундаки, Сайдий ўзини беозор күрсатишта ҳар қанча уринмасин, бошқалар унинг юз-күзидаги норозилик инфодасини албаттa пайқайди. Сайдийнинг «асабий касалдай афтини буришириши» бошқаларга аччиқ ҳақорат сўзлардан ҳам баттарроқ таъсир қиласди. Инсоннинг қалбидаги кечинма, кайфият унинг ташки қиёфаси, юзига беихтиёр қалқиб чиқади. Сайдийнинг бошқаларга самимий муносабатда бўла олмаслиги унга нисбатан ҳам шундай қарашларни келтириб чиқарган. Раҳимжон Сайдийнинг манфаатпараст, худбинлар муҳитига тушиб қолиши ҳам, унинг такаббур Мунисхонга дуч келиши ҳам бевосита унинг феъл-автори билан боғланади. «Сароб»да адаб Сайдийнинг кечинмаларини жуда таъсирчан ифодалаган. Ёзувчи худбин кишилар дарҳол бошқалар эътиборини тортишини ишонарли гавдалантирган. Ф.Достоевский «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романида қаҳрамонлардан бирининг ҳолатини таърифларкан, «ундаги худбинликнинг ўзи ҳам қандайdir жозибадор эди» дейди<sup>1</sup>.

Абдулла Қаҳҳор ҳам Сайдий «қандайdir жозибадор» бўлгани боис Салимхон, Муродхўжа домла сингари давлатманд киборларнинг даврадошига айланганини кўрсатади.

Хотин-қизлар худди эркаклар каби давлат раҳбари, мамлакат мудофаа вазири, ташки ишлар вазири бўлган, кўчак-кўйда бемалол, эркин, очиқ-сочиқ юрган XXI асрда айrim ўқувчилар «Сароб»нинг илк саҳифасидаги: «Бу қиз учун шу уйга кириб, ўз ишининг оқибатини сўраш янги очилган қизларнинг гавжум гузардан қоқилмасдан, қизармасдан ўтишидай қийин эди» ёки «Сайдий бир куни университетга кетаётганида паранжилик бир хотин йўлини тўсди. Бу – ўзининг опаси эди. У Сайдийни четга тортди ва чимматининг бир четини кўтариб кўришида-да, кўзига ёш олди» каби ўринилар маъносини аниқ-равшан илғамаслиги мумкин. Чунки хотин-қизларнинг паранжи-чиммат каби лиbosлари айни пайтда музейларда туради. Ўтган аср 20—30-йилларида, – «Сароб» ёзилган пайтларда эса аксарият хотин-қизлар паранжи-чиммат ёпинмасдан кўчага чиқмаган. Шунинг учун

<sup>1</sup> Достоевский Ф. Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар. Роман. 48-бет.

романда «янги очилган қызлар» деганды эса паранжи-чиматини ташлаганлар назарда тутилган.

У замонларда Мунисхон сингари күча-күйда эмин-эркин юрадиган, университеттәдә ўқыйдиган қызлар жуда кам бўлган. Аммо Мунисхоннинг ҳам турмуш қуришини унинг ўзи эмас, акаси ҳал қилган. Салимхон Мунисхонга: «Мен сенинг аканг, сенга энг яқин киши. Бундан ташқари, отамиз оталик муҳаббатини ва масъулиятини менга ташлаб кетган. Сен хоҳлайсанми, йўқми, бундай қатъи назар, мен сени баҳтиёр қилишим керак! Хотин нима? Фақат она... Она бўлиш учун эркақдан эркакни фарқ қилиш, менингча, зарур эмасдир! Муҳаббат тўғрисига келганда севиш ҳуқуқини эркақка бериш керак. Хотин унинг муҳаббатини ўзига қаратиши лозим. Табиатни қонун билан ўзгартириб бўлмайди. Бунда насл масаласи бор. Мана, мен сенга исбот қиласай: бир хотин йигирмата эрлик бўлса ҳам, барибир битта тугади, балки тумайди. Бир эркақнинг йигирмата хотини бўлса, ўнта бола туғилиши мумкин» дейди<sup>1</sup>.

«Сароб»да Саидий ва Мунисхон ўргасидаги муҳаббат жуда ишонарли гавдалантирилади. Улар ўргасидаги севги муносабатлари ҳаёт воқелигига аниқ мос келади. Бу жиҳатдан «Сароб» романни Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарига қиёслагандан анча ҳаётий кўринади. Биринчи ўзбек романни қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш муҳаббати бир оз романтик. Яъни уларнинг ишқий муносабатлари билан боғлиқ айрим воқеаларда ҳалқ эртак, достонларига хос ечим сезилиб турди. Хусусан, Кумушнинг Отабек ва отасини дор тагидан кутқариши ёки Кумушнинг: «Сиз ўшами?» дейиши саҳналари foят таъсирчан бўлса-да, эртакни эслатади. «Сароб» сюжети эса бундай эртакнамо воқеалардан тамоман холи. Ундаги воқеалар айни ҳаётдагидай кечади. Қаҳрамонлар ўргасидаги муносабатлар мантиқий боғланища кўрсатилади. Адаб қаҳрамонлар кечинмалари, хатти-ҳаракатларини реалистик тасвирлаш орқали мавжуд ҳаёт воқелигини бадиий ҳақиқатга айлантиради. Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонлар руҳияти, кайфиятини ҳам ўзига хос услубда санъаткорона маҳорат билан гавдалантиради.

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 112-бет.

Романдаги воқеалар бир-бiri билан мантиқан болганиб, узвийлик ҳосил қиласы. Воқеаларнинг бир-бiri билан ту-ташган занжирида Саидий образи асосий ҳалқа вазифасини бажаради. Барча қаҳрамонларнинг Саидий билан бевосита боғлангани «Сароб» романининг композицион жиҳатдан пухта, пишиқ эканидан далолат беради. Роман сюжетидаги ҳеч бир қаҳрамон изсиз кетмайди. Асаддаги ҳар бир персонаж Саидийнинг характеристикаларини очишга хизмат қиласы. Романдаги «увоқ» персонажлар Саидий сингари манфаатпарастларнинг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ дунёсини гавдалантиришда ўзига хос фон вазифасини бажаради.

Тўпа — романнаги «увоқ» персонажлардан бири. У Муродхўжа домланинг уйида оқсоч бўлиб хизмат қиласы. Муродхўжа домланинг бераҳим хотини бу хизматкор аёлни эзиб, хўрлаб ишлатади-ю, аммо унга овқат бермайди. Оқсоч аёл бир куни очликдан силласи қуриб, хушидан кетиб йиқиласы. Домла: «Ўлса, ўлиб ётавермайдими?» деса, унинг хотини бехуш ётган хизматкор аёлга бир пиёла сут бергиси келмайди. Тўпани «Ху қорни ёрилсин!» деб қаргайди. Саидийнинг бехуш ётган хизматкор аёлга муносабатида адаб худбин киборлар дунёсиниг инсонийликдан йироқ жирканч қиёфасини гавдалантиради. Романинг айни саҳифалари такаббур давлатманд мулқдорлар ва бечора қашшоқ кишилар ўргасидаги муросасиз ички зиддиятнинг ҳаққоний манзараси сифатида таассурот қолдиради: «Богнинг бир бурчагидаги катта чинор остида — анҳор бўйидаги кир қозоннинг остидан кўтарилган тутунни ел ўйнатар эди. Ўчоқдан йигирма қадамча наридаги кир тоғора билан ювилган кирлар уйилган сават орасида Тўпа чўзилиб ётар эди. Унинг лаблари куруқшаган, кучли иситмадан ёнган кишининг лабидай қорайган, чўтири юзи сап-сариқ, иссиқ, ишқорли сувда буришган қўллари икки ёнида эди.

Саидий оёғининг униг қўлини туртди, кейин кўкрагига зеҳн солди. Тўпа билинар-билинмас нафас олмоқда эди. Саидий қайтиб кетиб қолмоқчи бўлган эди, домланинг товуши эшитилди.

— Тирикми? Бетига сув сепинг. Нос искатинг. Мен ҳозир Остонага айтаман, нос олиб келади.

Домла ташқарига чиқиб, Остонакулдан нос сўради. Унда нос йўқ экан, ҳозир келтирмоқчи бўлиб, кўчага чиқиб ке-

таётганида, домла тұхтатди ва ҳали Сайдийга тасдиқлаптган эълонларини уйдан олиб чиқиб, уни бошқа жойларға ёпиширишни буюрди.

Сайдий негов қовоқда анқордан сув келтирди ва бир неча қадам беріда туриб, Тұпанинг юзига сепди. Тұпа күзини хиёл очди.

— Ҳа, нима бұлды? — деди Сайдий, — тутқаноқ дардиниз борми?

— Йүқ, бегим,—деди Тұпа пичирлаб, — менинг дардим йүқ. Бекач бераҳмлар... Кеча пешиндан бери туз татиганим йүқ... Сув... сув...

Тұпа күзини юмди, яна бир марта «Сув!» деди. Сайдий неговни олиб, унинг тепасига келди.

— Очинг оғзингизни...

Сайдий афтидан, агар Тұпа оғзини очса, сувни тикка туриб, қуймоқчи эди. Тұпа киприклари орасидан тепасида турған Сайдийни, құлидаги неговни күриб, күзларини катта очди.

— Бегим, мен касал әмасман, мендан ҳазар қылманг... Сиз ҳушдан кетиб йиқилғанда, оғзингиздан күпик чиққанда мен ҳазар қылмаган әдим-ку... Мен касал әмасман... Күнглім озди...

Тұпа ортиқ гапиргани ҳоли бўлмай, күзларини юмди. Унинг киприклар орасидан тирқираб чиққан ёш бурнининг икки томонидан ўрмалаб келиб, устки лабидаги тер зарраларига қўшилиб кетди.

Сайдий неговни қўйиб, қайтиб кетди. Йўлда «булбулигў» учради.

— Ҳа, нима бўлибди?

Сайдий кулди.

— Қорним оч дейди!»<sup>1</sup>

Хизматкор аёл ҳушидан кетиб ётганда хўжайнларнинг томошибиндай қараб туриши, ёрдамга шошилаётган кишига эълонларни ёпишириб кел, деб топшириқ бериси уларнинг инсофисизлиги, инсонийликдан йироқлигини билдиради.

Абдулла Қаҳҳор «Сароб»да инсонийликдан йироқ кимсаларнинг ички ва ташқи кўринишини истеҳзо, нафрат

<sup>1</sup> Қаҳҳор А.Сароб. Роман. 182-бет.

билин гавдалантиради. Ёзувчининг манфаатпаратг, худбин кимсаларга бошқаларда ҳам нафрат уйғотиш истаги борлиги Муродхўжа домла, Сораҳон, унинг онаси, Мухторхон каби қаҳрамонлар портрети тасвирида яққол билинади. «Сароб» романидаги қаҳрамонлар портрети тасвирида уларнинг руҳий дунёси, маънавий қиёфаси аниқ гавдалантирилади. Айниқса, Муродхўжа домла, «булбулигү», Сораҳон каби қатор қаҳрамонлар портрети тасвирида Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос санъаткорлик маҳорати намоён бўлади. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романларида Кумуш, Раъонинг психологик портретларини мукаммал тасвирлаган бўлса, Абдулла Қаҳҳор «Сароб»да худди шу тарзда Сораҳон портретини яратган. Аммо Абдулла Қодирий қаҳрамонлари гўзаллик, нафосат тимсоли бўлса, «Сароб» қаҳрамони Сораҳон хунуклик намунаси. «Ўтган кунлар»даги Отабек, «Мехробдан чаён»даги Анвар қалби пок, нияти тоза бўлгани учун Кумушдек гўзал, Раънодек «куйларга қўшилиб мақталатурган» қизларнинг муҳаббатига эришади. «Сароб» қаҳрамони Сайдий эса қўнгли кир, нияти бузуқ, худбин бўлгани учун «юрганда худди икки-уч еридан букилиб кетадигандай» Сораҳонга уйланади. «Сароб»да Сораҳоннинг қиёфаси: «энг ориқ қизларга қараганда ҳам ориқ, шунинг учун бўлса керак, одатдан ташқари новча кўринади; юрганда худди икки-уч еридан букилиб кетаётгандай туюлади; шундан ўзи ҳам хавфсирагандай гавдасини олға ташлаброқ юради. Кўк қарғашоҳи кўйлакнинг кенг этаги остидан чиққан савачўп сингари оёқлари доим гавдасидан кейинда қолиб, мувозанатни сақлашга шошилади. Унинг узундан-узун ва ингичка бармоқли, кўк томирлари кўриниб турган қўллари икки ёнида эмас, қорнининг устидаги қимиirlайди. Елкасидан озгина пастга тушиб турадиган икки ўрим қора, зотли сигирнинг думи сингари қўнфироқ сочлари тез-тез кўкрагига тушиб, уни қаҳр билан олиб елкага ташлашга мажбур қилмаса, орқадан кўрган киши Сораҳонни оғир бир нарса олиб кетаётган гумон қиласи.

Сораҳоннинг ранги домланинг рангидай хамирга ўхшашиб эмас, Сораҳон қорачадан келган, кулганда отаси сингари оғзини катта очиб эмас, юпқа лабларини қимтиб, юқори

лабларини күтарибороқ турган ўғри тишини кўрсатмасликка тиришади» деб тасвирланади<sup>1</sup>. Саидий «савачўп сингари оёқлари доим гавдасидан кейинда қоладиган» Сораҳонни асло севмайди. Саидий Муродхўжа домланинг катта молмулкига меросхўр бўлиш ниятида Сораҳонга ичкуёв бўлиб уйланади. Сораҳоннинг феъл-автори ҳам унинг хунук қиёфасига мос. Сораҳон молпараст онасининг туҳматларига учиб Саидийга: «Битта хотинни эплолмай, яна қўнглингиз бошқасини тусадими?» деб уришади. Қайноаси эса Саидийга: «Қизим қўлингизга тушгандан бери бир кун рўшнолик кўрмади... Эсингидан чиқдими, келганингизда оёғингиздаги ботинканинг или симдан эди» деб таъна қилади. Муродхўжа домла ҳам Саидийдан оладиганини олиб, энди Саидийнинг ҳозирги ҳолати, на истиқболи ҳеч нарса ваъда қўлмаслигини билгач, уни ўзидан узоқлаштиришга уринади. Ёзувчи буни: «У Саидийнинг шарбатини сўриб бўлди, энди пўчоғини пуфлаб ташлаши керак» тарзида ифодалайди. Қаҳрамонлар портрети, ҳолатини бундай таъсирчан ибораларда таърифлаш айнан Абдулла Қаҳҳорга хос экани яққол билиниб туради. Ушбу романдаги қаҳҳорона иборалар синчиклаб таҳлил қилинса, адабиётимизнинг асл асарларидан бири «Сароб»нинг очилмаган сирлари кўп эканлиги аён бўлади.

«Сароб» романи ҳам худди Абдулла Қодирий асарлари сингари санъаткорона маҳорат билан яратилгани боис ҳар сафар ўқилганда ўзининг янги-янги сирлари билан кишини ҳайратлантиради. Худбинлик фожиасини кўрсатадиган ушбу асардаги ҳар бир қаҳрамон ўзининг бетакрор қиёфаси, характер хусусиятлари билан ҳамиша диққатни тортади. Қаҳрамонларни тавсифлашда қўлланган теша тегмаган иборалар беихтиёр табассум уйғотади. Романдаги салбий қаҳрамонлар қиёфаси айниқса эътиборни тортади. «Сароб»нинг асосий қаҳрамонлари кўпроқ ўзларининг салбий жиҳатлари билан кўринса-да, аммо бу ёзувчининг санъаткорона маҳорати туфайли ҳеч бир гумон, шубҳага ўрин қолдирмай аниқ ишонтиради. Чунки романда Саидий ва унинг атрофдагиларнинг худбинлиги, манфаатпарастлиги ҳар жиҳатдан асосланади. Масалан: «Пул» деганда ўт кечиб бўлса ҳам ютурадиган Ёкуб-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 89-бет.

жон — сандалга тушиб куйган бир сўм учун хотинини уриб кар қилган киши» деб таништирилади. Саидийнинг ҳолати, кечинмалари, жумладан: «Соқقا ўйнаб, чўнтагини ёнғоққа тўлғазган ёш бола, душманинг жанозасидан қайтиб келаётган киши — ҳар қайсиси ўзича мамнун, ўзича баҳтиёр, аммо булардан ҳеч қайсининг мамнуният ва баҳтиёргилини ҳозирги Саидийники билан тенглаштириб бўлмас эди. Асаларининг фингиллаши, расида қизларнинг қийқириб кулиши, энди тили чиқа бошлаган гўдакнинг дастлабки айтган сўzlари — ҳаммаси қулоққа ёқади, аммо Муҳаммадражабнинг товуши Саидий учун булардан кам эмас эди» тарзида тавсифланади.

«Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романларида Кумуш, Раъно каби асосий қаҳрамонларнинг ҳам, бошқа персонажларнинг ҳам портрети аниқ тасвирлаб берилади. Абдулла Қодирий ҳар бир қаҳрамон билан таништиришни унинг портретини тасвирлашдан бошлайди. Абдулла Қаҳҳор эса «Сароб»да ўзгача йўл тутади. У бирор-бир ўринда асосий қаҳрамонлар — Саидий ва Мунисхоннинг ташқи қиёфасини батафсил тасвирламайди. Лекин бир неча ўринда уларнинг юз-кузидаги ўзгаришларни кайфият, кечинмалари билан боғлиқ тарзда кўрсатади. Масалан: «Қизнинг ваҳима билан ўтмасланган зеҳни залнинг эшигидан чиққанидан сўнггина аслига қайтди: ёнида соглом, ҳар бир ҳаракатидан куч-кувват акс этиб турган бежирим йигит борарди. Қиз ўнгайсизланар, худди бирор кўриб қолишидан ҳадиксирагандай атрофга қарап, аммо бу йигит зарур иши бор ёки муҳим бир жойга бошлаб кетаётгандай, бир қадам ҳам орқада қолмас эди. Қиз бир гап баҳонаси билан Саидийнинг юзига бир лаҳза тикилди-да, неғадир қизарди». «Зеҳни ваҳима билан ўтмасланган қиз» — Мунисхоннинг ташқи кўриниши хусусида бир ўринда: «табиат ҳайкалтарошлиқ ҳунарини бошлагандан бери мислини яратмаган мӯъжиза, анор сувининг томчисидай тиник, суҳбати тонг шаббодасидай кишининг баҳрини очадиган бир қиз» деб қаҳҳорона таърифланади<sup>1</sup>. Саидий портрети эса «соглом, ҳар бир ҳаракатидан куч-кувват акс этиб турган бежирим йигит» деган тавсиф билан чекланилади.

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 137-бет.

«Үтган күнлар»даги Отабек ва Кумуш, «Мехробдан чаён»-даги Анвар ва Раъно қиёфаси кўриниши, қалбининг гўзалиги жиҳатидан бир-бирига қанчалик мос бўлса, «Сароб»даги қаҳрамонлар ташқи қиёфасининг жиҳатидан бир-бирининг тамом тескариси бўлгани ҳолда бирга турмуш куришади. «Соғлом, ҳар бир ҳаракатидан куч-кувват акс этиб турган бежирим йигит» Сайдий «саваҷӯп сингари оёқлари доим гавдасидан кейинда қоладиган» Сораҳонга уйланди. Сайдийга «Сен қўлимни ушлашга зор бўлиб юрган йигитларнинг битта ҳаром тукига арзимайсан! Нимангга ишонасан, чиройинггами?! Ит ражиб ташлаган ошиқдайсан. Ёзувчилигинггами? Ниманг бор?!» деб таъна қиладиган такаббур Мунисхон эса «қиринди, ташланди лойдан ҳафсаласизлик билан «олам учун бир эрмак ҳам керак-ку ахир» деб ясалган ҳайкалга – кўзла-ри қўмлока даам олиб ётган калтакесакнинг кўзига ўҳшаган бир киши» Мухторхонга тегади<sup>1</sup>. Мунисхоннинг назарида «нимжон, хотинчалиш, эзма» эри Мухторхондан «офтобда қолган ёғоч чўмичнинг ҳиди келади. У ўпганида худди калтакесакнинг чирқиллашига ўҳшаган бир товуш чиқади. Мухторхон – ари талаётганига қарамай, асалари уясига тумшуғини тиққан айиққа ўхшайди»<sup>2</sup>. Моддий манфаатни мўлжаллаб қурилган муҳаббатсиз оиласда изтироб чекиб яшаётган Мунисхон давосиз дардига даво излаб «гўзалигини ҳар кимнинг кучофида бир қатрадан қолдиравериб тутгатса-да, такаббурлигидан тушмай «Сайдий унинг қаршисида тиз чўкиб йифлашини умид қиласди». Сайдийнинг Сораҳонга уйланиши аниқ бўлгач эса: «Мунисхон биринчи марта ўз-ўзига Сайдийни севганини қаттиқ товуш билан айтди: юзини фижимлаб, куйиниб йиглади ва чидолмаган минутларидан бирида ўзини каратотта кўтариб урди. У аввал ўзини ўлдирмоқчи бўлди, сўнгра инсофга келди-да, ҳозирнинг ўзидаёқ Сайдийни йўлдан урмоқчи бўлди, тузукроқ ўйлаган эди, уни йўлдан уришдан кўра, ўзини ўлдириш осонроқ кўринди, кейин озгина ён берди: «Ахир қиз олмаган йигит, қандай қилиб бир калтакесакнинг сарқитига рози бўлсин, у ҳам қиз олсин. Сўнгра баравар бўламиз» деган хаёлга боради»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 137-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 152-бет.

<sup>3</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 153-бет.

Худбинлик, манфаатпаратлык фожиаси ҳаққоний күрса-тилган мазкур романнаги барча салбий қаҳрамонлар ўзининг қиёфаси, кўриниши билан ҳам кишида нохуш таассурот қолдиради. Абдулла Қодирий ҳам романларида салбий қаҳрамонлар образини яратишда айнан шу усулни қўллаган. «Сароб»да бош қаҳрамонлар қиёфа, кўриниши жиҳатидан бир-бирига мос, мувофиқлиги хусусида: «Сайдий билан Мунисхон орасида муҳаббат ришталари бор эканини улфатлардан баъзи бирлари ҳам билади. Ҳазил гаплар кетганда Маҳмуджон афанди «икки гўзалдан учинчи гўзал... о, наслимиз гўзаллашсин!» дерди» дейилади<sup>1</sup>. «Ўтган кунлар» романнада ҳам Отабек ва Кумушнинг бир-бирига мослиги Тўйбека томонидан: «Оҳ, кўрсанг эди, бир куёвни! Қандай чиройли, қандай ақлли эканини билар эдинг, бекачим! Юлдузингиз наҳ бир-бирингизга тўғри тушган экан, иккингизнинг ҳам бир-бировингиздан камлигингиз йўқ!» деб таърифланади<sup>2</sup>. Анвар ва Раъононинг бир-бирига узукка кўз қўйгандеклиги ҳақида «Баайни сурат: киши ҳам шундай бежирим бўлар экан! Чамаси улар ошиқ-маъшук» дейилади<sup>3</sup>.

«Ўтган кунлар» муаллифи ҳам, «Сароб»ни яратган адид ҳам Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда «номаргуб-манфий қаҳрамон»лар қиёфаси, кўринишини тасвирилашда қора бўёқни мўлроқ ишлатади. Бу билан номаргуб қаҳрамонлар кўнглидаги кир, феъл-атвордаги иллат уларнинг қиёфасига ҳам кўчганига ишора қилинади. «Ўтган кунлар»да Ҳомид: «Узун бўйли, қора чўтири юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўтгиз беш ёшлардаги бўлган қўримсиз бир киши» деб таништирилади. Содик эса: «Йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, уккининг кўзидек чақчайиб ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзига парчалангандек юза (пучуқ) бурунли, манглайи қанча ташқари ўсиб чиқдан бўлса, юзи ўшанча ичкари кетган, қисқаси, вақтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлуқ» деб таништирилади. Абдулла Қаҳҳор ҳам Сайдий ва Мунисхондан бўлак барча номаргуб қаҳрамонларни бир қараашдаёқ нохуш таассурот тугдирадиган қилиб кўрсатади. Масалан: «Сайдий Мухтор-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 77-бет.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. 51-бет.

<sup>3</sup> Қодирий А. Мехробдан чаён. Тарихий роман. 193-бет.

хонни тўй ҳафтаси Салимхоннинг уйида кўриб, ҳайрон қолди. Бунинг нимаси бор, бир бедаво-ку! Қаншари паст, икки кўзи лойга тушган мунчоқдай, бет суяклари чиққан. Қулоқлар елтигичдай. Яна соч-соқолига оқ тушган»<sup>1</sup> дейди. Ёзувчи Саидийнинг муаллими Маҳмуджон афандининг қиёфасини: «Новча, ҳаддан ташқари ориқ, юзи фижимланган қофоз сингари, хира қўзлари ёшланиб турадиган одам», Ҳайдар Ҳожини «қирқ ёшлардаги ўрта бўйли, озғин, қораҷадан келган бир киши бўлиб, кийган кийими уни яна ҳам кўримсиз қилар эди. Унинг бошида ёғи чиқиб, чармдай қотиб кетган дўппи, устида кирликда дўппидан қолишмайдиган румча камзул, белбоғини белидан анча юқоридан боғлангани учун қорни кўкрагининг ярмидан бошлангандай кўринар эди. Саидий эшикдан кирганда у шундай абжирлик билан ўрнидан турди ва шундай таъзим билан сўрашгани қўл узатдики, ўзининг кўримсизлиги устига бу ҳаракат билан Саидий даражасидан яна минг поғона паст тушиб кетди» деб таништиради. Саидий ана шундай кишиларга яқинлашишга, ўзига ўҳшаган манфаатпастлар даврасида бўлишга интилади. Аммо бу кишилар орасидан ҳам Саидий ўзига муносиб жой топа олмайди. Худбинлиги туфайли Саидийнинг кўзига дунё қоронги, ҳаёт рангсиз, турмуш маъносиз кўринади. Шунинг учун бемор ётган опасига: аламзадалик билан «Кўз ёши водийсида истаганингча кез!» дейди. Турмуш унинг учун «кўз ёши водийси» туюлгани учун ҳеч кимга қўшилмайди. Унга ҳеч кимнинг гапи ёқмайди. Ўзига ўзи гапириб, ёлғиз юради. Турмушдан ҳаддан ташқари норозилик, руҳий тушкунлик кишини қандай аброр этиши Саидий ҳаётининг сўнгги кунлари орқали кўрсатилади. «Булбулигё» уни жиннига чиқарди. Муродхўжа домла ҳам Саидий билан озгина ҳамсуҳбат бўлганидан сўнг «булбулигё» нинг фикрини тасдиқлади: «Бунга жиннилик ота мерос, отаси ҳам жинни бўлиб ўзини осган» деди.

«Сароб»да худбинлик «салтанати»нинг жирканч жиҳатлари Саидий тушган мухит, Муродхўжа домла хонадонида юз берган воқеалар асосида гавдалантирилади. Муродхўжа домла дастлаб Саидийнинг истеъдодли адиб бўлиб

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 123-бет.

етишишига ишонади. Чунки Саидийнинг дастлабки ҳикоялари кўпчилик эътиборини тортади. Салимхонга ўхшаганлар «Саидийда заковат белгилари кўрганини, бу йигит оддий студентлардан юқори туришини сўзлайди». «Эрталаб гулқанд билан нонушта қилишни, пешинда кобили шўрва ва қизил гулнинг барги билан солингган мусаллас ичишни яхши кўрадиган» Муродхўжа домла уни ичкуёв қилиб олиш пайига тушиб: «Мен ёлғиз бир муддао учун яшайман. Қолган умримни сарф қилсан-да, буюк бир киши бўлиб етишсангиз... Бурун, Уфада ўқиб юрганимда, американлик Херст номли бир газетчини эшитир эдим. Бу кимса бир муҳаррирни маош бериб, хизмат қилдирап экан. Муҳаррир ҳар куни газетага бир стун миқдорида мақола ёзишга бурчли бўлиб, бунинг бараварига ҳар йили ўн икки минг олтин олар экан. Қобилият, истеъод шундай. Бир вақт келиб, шундай бир буюк киши бўлсангиз, мен чақириб борсан-да, сиз эшигингизни очмай, деразадан жавоб қилсангиз ҳам муродим ҳосил бўлар эди» дейди. Ўзини шундай паст тутган, фидойи, жонкуяр кўрсатган Муродхўжа домла Саидийни ичкуёв қилиб олгач, уни ўзининг пул топиш воситасига айлантиради. У Саидийни кўп жойларда ўқитувчилик қилишга, таржима қилишга—тинимсиз пул топишга ундейди. Унга: «Раҳимжон, йигитликда шундай бир вақт бўладики, кишини давлат қувиб юради. Beaқл одамлар «пул топиш шу-да, ҳамма вақт топавераман», деб ўйлайди. Мен биламан... тажрибали... Пулни ушлаш керак. Давлат бир боқади. Нарса орттириш пайида бўлинг. Ҳафтадами, ойдами беш-ўн сўмдан ташлаб қўя берсангиз, бир вақт келиб, осмондан тушгандай бўлади. Агар хоҳласангиз, ўша пулингиз пул ҳам тугиб туради» деб ўзини хайриҳоқ кўрсатади<sup>1</sup>. «Мулк керак, бойлик! Ота-она, ёр-дўст, шуҳрат, фазилат — ҳаммаси бир чақа. Бойлик, мулк-амлок орттириш керак», деб насиҳат қиласди<sup>2</sup>.

«Сароб»да тақдир ҳар кимни ўзига ўхшаш кишиларга дуч қилиши кўрсатилади. Ўзгаларни писанд қилмай, афтини буриштириб гаплашадиган Саидий ўзидан баттар такаб-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 94-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 209-бет.

бур Мунисхон учун изтироб чекади. Романнинг бош қаҳрамони «Ота-она, ёр-дўст, шуҳрат, фазилат — ҳаммаси бир чақа. Бойлик, мулк-амлок орттириш керак» деб насиҳат қилишини хуш кўрадиган Муродхўжа домла, «пул» дегандা ўт кечиб бўлса ҳам югурадиган, сандалга тушиб куйган бир сўм учун хотинини уриб кар қилган Ёқубжон кабилар билан ҳамкорлик қиласди. Муродхўжа домланинг хотини ҳам ўзи сингари молпараст. Унинг Сайдийга эшилтириб, қизини: «Эрга тегиб, бир майлис қилганинг йўқ, ё бўлмаса, беш-үн хотин-халажни чақириб, олдига бир товоқ ош қўймадинг. Сен эрга тегиб, мен нима орзу-ҳавас кўрдим, ўзинг нима орзу-ҳавас кўрдинг? Сен тенги келинчакларнинг уйинг кирсанг, оғзинг очилиб қолади: қўш-қўш тилла соатлар, тилла билагузуклар... Олган ойлигига берса, тўртта тирраки қўй беради» деб койииди. «Кўп йиллар касал ётиб ўлган мурда сингари бўлган бу хотин» Сайдийнинг ўзига ҳам: «Қизим қўлингизга тушгандан бери бир кун рўшнолик кўрмади... Шунча вақтдан бери ўзимни ўтга, сувга уриб боқдим, кийим-кечагингизга қарадим. Қизим бисот қилиш ўрнига, менинг бисотимни тамом қилди... Ҳа, боқмадимми? Кийим-кечагингизни қилмадимми? Оббо! Эсингиздан чиқдими, келганингизда оёғингиздаги ботинканинг или симдан эди»<sup>1</sup> деб таъна қиласди. Турмушдан норозилик кайфияти устига қўшилган бу каби таъна, сиқувлар охир-оқибатда Сайдийни руҳан толиқтиради. Мунисхон ҳам руҳий азобланниш оқибатида ўзини отади. Сайдийнинг ҳам, Мунисхоннинг ҳам фожиаси уларнинг табиатидаги такаббурлик туфайли рўй беради.

«Сароб» романида худбин, такаббур кимсалар ички дунёси чукур таҳлил қилинган. У айни шу жиҳати билан адабиётнинг ноёб асарлари сирасига киради. Чунки инсон табиатида чукур илдиз отган бу мураккаб, чигал муаммони очиб берадиган асарлар адабиётда жуда кам яратилади.

«Сароб»даги қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзига хос қиёфа-га эга. Муродхўжа домла Муҳаммадражабдан, Салимхон Мухторхондан, Мунисхон Сораҳондан ташқи кўриниши

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 176-бет.

жиҳатидан ҳам, феъл-атвори, гап-сўзлари жиҳатидан ҳам фарқ қиласди. Роман қаҳрамонларининг ҳар бири ўз портрети, тақдир-қисмати билан ўқувчи кўз ўнгига намоён бўлади. Абдулла Қаҳҳор уларнинг ҳар бирининг худбинлиги, такаббурлигини хотирага муҳрланиб қоладиган тарзда таъсиран таърифлаб, аниқ воқеаларда намоён этади. Романда худбин, такаббур кимсаларнинг бошқаларни ёқтири-маслиги, уларнинг фикрига тескари фикр айтилса, тоқат қилолмай асабийлашиши, бу ҳолат уларнинг ташқи қиёфа-сига бирданига қалқиб санъаткорона маҳорат билан кўрса-тилади. Масалан, худбин Муродхўжа домла билан кўпчи-лик манфаатини ўйлайдиган Кенжада ўртасидаги муносабат қуидагича тасвирланади:

— Ҳақли талаб, — деди оммавий бўлимнинг мудири Кенжада дўнғиллаб.

Агар бутун қийинчилик ёлгиз шу дўнғиллашни ҳазм қилишдан иборат бўлса, Муродхўжа домла «тош ютдим» деб кўя қолар эди. Бироқ домла унинг дўнғиллашинигина эмас, ўзини ҳам ҳазм қилолмас, шунинг учун унга «Қичит-қон» деб ном қўйган эди. Домла қизарди ва пешона томирлари бўртди, сўнгра бирданига бўзарди-да, оғзи қийшайди:

— Шундоқми, а? Ҳақли талаб денг! — деди зўрга.

Муҳаррир, отаси билан онасининг уриши қўйди-чиқди-гача боришига кўзи етган ёш боладай, нима қилишини билмас эди. У йигитга мақола янглиш кетганини ва бу ҳақда идора чора кўрганини айтиб, чиқариб юборди-да, кўтарилиб келаётган жанжални босишга ҳаракат қилди. Домла унинг ёлворишига қарамасдан яна гап ковлади:

— Сиз, шоир бўлсангиз ҳам, ҳали бўқчасини ташламаган чумчук боласиз, — деди у не машаққатлар билан илжайиб, — мен ношир бўлганимда, газета ишида ишлай бошлаганимда, онангиз бўғоз бўлишни ҳавас қилиб, қорнига ёстиқ бoggлаб юрган қизча эди!.. Шундай, ука!

Кенжада муҳаррирнинг қайта-қайта қилган илтимосини ерга ташламади — жавоб қайтармади, фақат кулди-да, қофозларни тахлар экан, ихтиёrsиз оғзидан чиқиб кетди:

— Бир сўмга кафандик бергани ҳолда, шу одамнинг ҳанузтирик юрганига ҳайронман...

— Эй, сен ўл!—деди домла титраб-қақшаб. — Қавм-қарин-дошиңг, маҳалла-күйинг ўлсин! Ўлган авлод-аждодинг гўрида тўнғиз кўпсин!..

Жанжал домланинг идорани ташлаб, бутунлай чиқиб кетиши билан тамом бўлди<sup>1</sup>.

Абдулла Қаҳҳор ӯзбек адабиётининг асл асарлари қаторидан мустаҳкам ўрин олган ушбу романида қаҳрамонлар руҳий оламини кенг таҳлил қиласиди. Адид худбинлик фожиасини ҳаётий воқеалар моҳиятини очиш орқали кўрсатади. Романда қаҳрамонлар ички дунёси, кайфият, кечинмасидаги ўзгаришлар жараёни таъсирчан гавдалантирилади. Қаҳрамонлар кайфият, ҳолатларини уларнинг ташки қиёфасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда кўрсатиб, ўзининг психологияк портрет яратиш маҳоратини намоён этади. «Психологизм – кишиларнинг ички дунёсига, уларнинг латифзариф томонлари ва гўзаллигига яхши эътибор қилиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш фурсати етди. Бу ёзувчилик маҳоратининг энг муҳим жиҳатидир. Китобни бадиий қилиб, маҳорат билан ёзиш – ижодий жасорат кўрсатиш демакдир», дейди у<sup>2</sup>.

Абдулла Қаҳҳорнинг инсон руҳий оламини ёрқин гавдалантириши асосий қаҳрамонлар образида ҳам, бошқа персонажлар кечинмалари ифодасида ҳам намоён бўлади. Романда қаҳрамонларнинг ўзаро сўзлашув, мулоқотида ҳам «теша тегмаган» иборалар қўлланади. Улар фақат «Сароб» муаллифига хос эканлиги яққол билиниб туради. Саидийнинг Мунисхонга илк дуч келгандаги ҳолати: «Саидий ундан нима умидвор эканини ўзи билмас, аммо унинг умид қилган нарсасигина эмас, бутун оламни бериб, ҳеч нарса талаб қилмайдиган бир ҳолатда эди» деб таърифланса, ўша пайтдаги Мунисхоннинг қўнглидан кечганлари: «Бундан бир неча дақиқа илгари Саидийнинг берадиган бир оғиз маълумоти қиз учун бутун оламнинг хирожига арзийдиган эди, бу уйга киришдан воз кечганидан сўнг бу маълумот билан бирга Саидийнинг ҳам қадр-қиймати қолмади» деб тавсифланади. Асар бошидаёқ қаҳрамонларнинг худбинлиги, манфаатпарастли-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 92-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб: Роман,—Тошкент: «Шарқ», 1995.—231-бет.

гига шу тарзда ишора қилинади ва воқеалар давомида уларнинг шу хил табиати аста-секин очиб берилади. Мунисхон ва Сайдийнинг дастлабки пайтлардаги муносабати тўғрисида:

«Дарс вақтларида кўпинча иккаласи бир жойда ўтириб қолади. Дарс тамом бўлгандан сўнг то Мунисхон ўрнидан туриб, эшикка томон йўналмагунча, Сайдий жойидан қимирламайди. Баъзан Мунисхон ҳам шундай қиласи, аммо у ҳеч қачон Сайдийни кутиб турганига иқрор бўлмас эди. Эшикдан чиқилгандан сўнг икковининг йўли бир томонда бўлса ҳам, ҳеч бирга кетишмайди. Айрилиб, иккови икки томонга кетгандан сўнг эса худди айтадиган бир гапини эсидан чиқаргандай, иккови ҳам дадил қадам ташлаб кетолмас эди» дейилади.

Қаҳрамонлар ҳолатини қиёс, таққослаш асосида кўрса-тиш жиҳатидан ҳам «Сароб» ўзбек адабиётининг асл асарлари сирасига киради. Бу романнинг сирли, мафтункор жиҳатлари унда ўхшатиш, халқона иборалар кўплиги ва уларнинг жуда ўринли қўлланганлиги билан белгиланади. Масалан, асосий қаҳрамоннинг бир ҳолати қўйидагича таърифланади: «Эътиroz билдирган кишининг товуши супурги билан урилган арининг товушидай бирдан ўчди. Шунда Сайдий тор оёқ кийимини ечиб ташлагандай яйради». «Сароб»да ўткир ўхшатишларнинг бундай кетма-кет келиши унинг иштиёқ билан ўқилишига сабаб бўлади. Чунки роман саҳифаларида воқеалар: «Бу гап Сайдийга оловли қамчи бўлиб тегди, ҳозир ўзи ёлғиз бўлса, бошини деворга уриб, хўнграб йиғлашга тайёр эди» ёки «Мунисхон эрга ёқишида кундоши билан рақобатлашган келинчакдай абжирлик билан Сайдийнинг қўлидан пальтосини олиб, қозикқа илди ва ўшандай ширин сўзлар билан уни ичкарига таклиф қилди»; «Сайдий баланддан боши билан тушгандай кўзига юлдузлар кўринди, аммо сирни бой бермасдан, Мунисхоннинг юзига қараб илжайди. Ўнгайсиз жимлик ҳукм сурди, фириллаб турган шабада очиқ қолган китобни варақлаб, устидаги гулни ерга туширди, қоғоз парчаларини учирив кетди» тарзida қизиқарли баён қилинади. Мунисхон Сайдийга: «Китобингиздан фикрлар миямга тегиб қочиб кетаётир»; «Мен хотинингдан, ўша дастмолқовоқдан камми?» деб гапирса, Сораҳон эрига: «Фарнинг оғзи тавба қиласи» деб уришади. Муродхў-

жа домла эса Саидийга: «Ёкубжонда уч-тўрт минг сўм ҳамма-вақт топилади. Мен сўрасам, бермаслик эҳтимоли бор. Ўзингиз сўрасангиз, дарров беради. Сўраганда ҳам пули бор эканини бўйнига қўйиб туриб сўрайсиз-да. Аммо ҳовли олмоқчи эканингизни билдирмайсиз» деб маслаҳат беради. Саидий ва қайноаси муносабати: «Гарчи «булбулигўё»нинг бузук авзойини, бундай кезларда қони қочадиган кулоқларини, кўкариб кетадиган юз ва лабларини кўришга тоқати бўлмаса ҳам, Саидий бокча томон йўналди. У боғ эшигининг бўсағасига қадам қўйганда, «булбулигўё» калтакесакдай чақонлик билан унинг ёнидан ўтди ва Саидий то орқасига қараб гап сўрагунча эшикни «тақ» этиб ёпиб, уйга кириб кетди», деб тасвирланади.

Қаҳрамонларнинг кечинмалари ифодасида ҳам, уларнинг бир-бирини тавсифлашида ҳам айнан Абдулла Қаҳҳорга хос услуг сезилиб туради. Жумладан, Саидий Мунисхонни ilk кўрганида: «Бунинг ҳуснигина эмас, ҳатто кийган кийими ҳам мўъжиза-ку, нега менинг отимни билади, нега яна ўзини паст олган товуш билан сўрайди» деб савол беради. Эҳсон эса Москвага ўқишига кетиш арафасида сандиқчасини сим билан боғлаётуб Саидийга: «Раҳимжон, ёшлик тошқин сув, сугорадиган экинингизни сугориб қолмасангиз ўтиб кетади. Кейин кексаликнинг кўзойнагини тақиб, игна билан қудуқ қазишдан иш чиқмайди» дейди. Саидий Мунисхонни уйига кузатиб қўяр экан, кўчада ириллаган ит пайдо бўлиб қолганида, Мунисхоннинг янада яқинлашишини истаб: «Шу итнинг ақли бўлса, ҳозир юзта ўзига ўхшаган итни эргаштириб чиқиб, бизни ўраб олар эди... Жодугарликни билсан, ҳовлингизни минг чақирим нарига сурар эдим» деб айтади. Ёки Саидийнинг муаллими Маҳмуджон афанди: «Новча, ҳаддан ташқари ориқ, юзи фижимланган қофоз сингари, хира кўзлари ёшланиб турадиган бу одам ҳар сўзида «арз қилолмадимми?» деб майин товуш билан сўзлайди» дея таништирилади. Саидий Мунисхонни севиб қолганини: «Бу қиз яшнаб турган чўф. Мен унга яқиндан тутилган дока: ёниб ҳам кетмайман, омон ҳам қолмайман, фақат сарғаяман. Сарғая-сарғая ахири ёнмасдан тамом бўламан... Хусусан, бехосдан товушини эшитсан, ўзимни йўқотиб қўяман» деб таъкид-

лайди<sup>1</sup>. Романда қаҳрамонларнинг бир-бири түррисилиги фикри: «Сайдий ўлимга тайёр бўлиб, кафанга қараб қолган бўлса, Кенжা ўз терисидан кафан бичиб, суягидан тобут ясашга тайёр, Сайдий шундай деб билар эди» дея кутилмаган таққосларда ифодаланади.

Романда Сайдийнинг худбин эканлиги унинг ўй-кечинмалари, хатти-ҳаракатлари, кишилар билан муносабатларида кўрсатилиши баробарида, бошқаларнинг у хусусдаги фикри орқали ҳам таъкидланади. Бу қаҳрамон характеристини яратишга турли томондан ёндашилганидан далолат беради. Сайдийнинг худбинлиги хусусида дўсти Эҳсон: «Сизнинг бир ёмон одатингиз бор: одамга қўшилмайсиз» деса, маслақдошларидан бири унга: «Сиз қўнғизсиз. Отнинг тезагини яхши кўрадиган қўнғиз... отнинг тезагини юмалатиб, уясига олиб киришга ҳаракат қиласди, аммо ҳамма вақт уясининг оғзига сифмайдиган тезакка ёпишади. Мехнат қила-қила оқибат, уясининг эшигини тезак билан бекитиб қўйиб, ўзини ўзи қамайди» дейди<sup>2</sup>. Сайдий эса ўйланиб қолади. Ёкубжон унинг олдига келади-да: «Ҳа, гапнинг кайфини суроётисизми?» деб сўрайди. Ёки ёзнинг иссиқ кунида ишдан кеч қайтган Сайдий, хотинига «Совуқ чой борми?» деса «игна билан тароқнинг тишларини тозалаб ўтирган Сораҳон этагига тушган кирларни қоқиб, ўрнидан туриб, диванга бориб чўзилганча эрига: «Чанқабсиз-да! Борган жойингизда чой дамлаб бермадими?» деб айтади. Сайдий ҳам бениҳоят кунчи, унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзидан хиёнат белгиларини излаб, ҳар куни шу важдан наштар урадиган Сораҳонга: «Йўқ! Чойга аталган сувга чўмилишга тўғри келди», деб жавоб беради<sup>3</sup>. Худбинлиги туфайли бошқаларни бездириб қўйган Раҳимжон Сайдийга дўсти Эҳсон: «Ҳеч ўзингизни салмоқлааб қўрасизми? Менингча, Аббосхон, Салимхон сингари устодлари талантини ширадан тозалаган бу кунги Раҳимжонга ҳеч кимнинг ҳаваси келмас! Билишимча, талант ширадан тозаланган Раҳимжон ҳозир шалоғи чиққан аравадай Му-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 79-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 174-бет.

<sup>3</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 165-бет.

родхўжа домланинг томорқасида ағанаб ётибди!» дейди<sup>1</sup>. Абдулла Қаҳҳоргина қаҳрамонларини шундай «теша тегмаган» тарзда сўзлатади.

Романда қаҳрамонларнинг ҳаракат-ҳолати ҳам, ўй-кечинмалари ҳам таъсирчан таққослаш асосида кўрсатилади. Масалан: «Саидий кўчага камдан-кам чиқади, чиққанида ҳам уйга қайтишда, худди орқасидан бирон шикаст етказадиган киши келаётгандай бўсағадан ўтиши билан тезроқ эшикни занжирлагиси келар эди. Мана шундай кезларда домланинг ҳовлиси унга иссиқ қучоқ, мустаҳкам қалъя бўлиб кўринар эди» дейилади.

Романда қаҳрамонлар образи ва ҳаёт ҳодисалари диққатини бирдан тортадиган ана шу каби ўхшатиш, сифатлашлар орқали гавдалантирилади. Улар ўзбек адабиётининг асл асарларидан бири бўлган «Сароб»га ўзига хос сир—сехр, жозиба бағишлийди. Унинг саҳифаларидағи қаҳрамонлар худди тирикдай, уларнинг қиёфаси, хатти-ҳаракатлари кўриниб тургандай, гап-сўzlари, тортишув, мунозаралари эшитилаётгандай бўлади.

\* \* \*

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиёти ва маданий ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкордир. Унинг ҳикоялари, романлари, драмалари, таржималари халқимизнинг маънавий бойлигига айланган. Ёзувчининг «Үгри», «Бемор», «Анор», «Даҳшат» сингари кўплаб ҳикоялари, «Сароб», «Кўшчинор чироқлари» романлари, «Тобутдан товуш», «Шоҳи сўзана» каби драмалари миллионлаб ўкувчилар қалбидан жой олган. Абдулла Қаҳҳор бу асарларида ҳаёт ҳодисаларини ҳаққоний кўрсатиб, таъсирчан қаҳрамонлар обrazини яратган. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорда адиб ижодий меросининг ёш авлодни Ватангга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсо-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Роман. 200-бет.

ний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган<sup>1</sup>.

Абдулла Қаҳҳор ижодий меросида алоҳида ўрин тутадиган «Сароб» романни ўзбек адабиётининг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» (А. Қодирий), «Кечава кундуз» (Чўлпон), «Навоий», «Кутлуг қон» (Ойбек), «Мирзо Улугбек» (М. Шайхзода), «Қўхна дунё» (О. Ёкубов), «Лолазор» (М. Муҳаммад Дўст) каби асл асарлари қаторида туради. Ўзбек адабиётининг энг машҳур асарлари тарихий мавзуда яратилган. «Сароб» романида эса, ўтган аср 30-йилларидағи ижтимоитарихий бурилишлар даври мураккабликлари кўрсатилган. Шу зиддиятли давр кишиларининг қарама-қаршиликларга тұла руҳий дунёси гавдалантирилиб, улар ўртасидаги муносабатлар чигалликлари ҳаққоний гавдалантирилган. Шунинг учун ҳам ушбу роман доимо дикқат марказида турған. У турли баҳс-мунозаралар обьектига айланған. «Сароб» яратилиши билан фақат китобхонларнинг гина эмас, балки расмий ташкилотларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб қылған. У ҳақида мафкуравий жиҳатдан кескин танқидий фикрлар айтила бошлаган. Айрим мунаққидлар уни «янги тузум»га хос ижобий кучларни менсимасликда ва синфий душманларни, яни миллатчиларни ташвиқ қылувчи асар сифатида айлашған. Мафкуравий яккаҳокимлик авжига чиқиб бораётган бу пайтларда «Сароб» заарали асар деб эълон қилинди» дейди адабиётшунос Матёкуб Кўшжонов<sup>2</sup>. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов эса: «Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллиги муносабати билан пайдо бўлган илмий-танқидий ишларда «Сароб» яна қаламга олинди ва бу гал ўзбек прозасининг чўққи асарларидан бири сифатидан баҳоланди. Кейин... қайта куриш, ошкоралик йиллари бошланди. Адабиётга қарашлар ўзгарди, асарларга берилган баҳолар янгиланди. Шу жараёнда Абдулла Қаҳҳор ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар айтилди. Булар ичида маъқуллари ҳам, шошмашошарлик билан ўйламай айтилганлари ҳам бор. Шу жумладан, «Сароб» ҳақида шундай фикрлар айтилдики, улар асарнинг ҳар қандай қимматини рад этишга қаратилган эди. Шу айтилганлардан аён бўладики, «Сароб»—мураккаб роман.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2007 йил 12 январь.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб: Роман. —Тошкент: «Шарқ», 1995.—233-бет.

Албатта, у ҳар хил баҳслар, мунозаралар қўзғаши мумкин. Албатта, ҳар қайси давр китобхони уни ўзича ўқиб, ўзича талқин қилиши мумкин. Буларнинг бари табиий ва қонуний бир ҳол. Фақат олатасир шов-шуввлар кетидан кувиб, кечаги кунимиздан буткул юз ўтираслигимиз керак. Ҳар ҳолда, бугун «Сароб»ни қандай баҳолашимииздан қатъи назар, бу роман адабиётимиз тарихида катта ўрин тутадиган, ҳаётий мазмуни бўлиқ, бадиий савияси юксак асардир» дейди<sup>1</sup>. Турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, «адабиётимиз тарихида катта ўрин тутадиган» «Сароб» романи аввало қаҳрамонларининг ҳаётийлиги, жонлилиги, ички дунёсининг ёрқин кўрсатилгани, ташқи қиёфасининг таъсирчан гавдалантирилганлиги, диалогларининг қаҳҳорона ўткирлиги билан дикқатни тортади. Ундаги қаҳрамонлар ички олами жиҳатидан ҳам, ташқи қўриниши жиҳатидан ҳам бир-биридан алоҳида ажралиб туради.

Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонлар психологияк портретини яратишга алоҳида эътибор қаратадиган ижодкорлар сирасига киради. «Воқеъликни чукур ўрганиш, ундан илҳомланишдан ташқари, маҳорат ҳам керак: сюжетни яратса билиш, композициянинг жўн ва чиройли, портретнинг психологик нозик ва яққол чиқишига эришиш, тилни яхши билиш зарур» дейди адиб<sup>2</sup>. Абдулла Қаҳҳор «Сароб» романида ҳаёт воқелиги ва қаҳрамонлар образини ҳаққоний ва таъсирчан акс эттириш учун зарур бўлган ана шундай маҳоратга эришган. У ушбу асарида Сайдий, Мунисхон, Муродхўжа домла, Сораҳон сингари ёрқин образлар яратган. Романда булардан ташқари ҳам қатор қаҳрамонларнинг психологик портрети юксак маҳорат билан чизиб берилган. Жумладан, Салимхон, Мухторхон, Аббосхон, Эҳсон, Кенж, Шафрин, Муҳаммадражаб, Тўпа сингари қаҳрамонларнинг ҳар бири ўз қиёфаси билан намоён бўлади.

Шунинг учун ўзбек адабиётининг асл асарларидан бири «Сароб» романи қаҳрамонлари худди ҳаётдаги кишилар каби таассурот уйғотади.

<sup>1</sup> XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1999. – 268-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Сароб: Роман. –Тошкент: «Шарқ», 1995. –230-бет.

---

## АЁЛЛАРНИ АРДОҚЛАГАН АДИБ

Абдулла Қаххор асарларида аёллар образи алоҳида ўрин тутади. Адиднинг қатор ҳикояларида, «Синчалак» қиссаси, «Сароб» ва «Қўшчинор чироқлари» романларида, «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш» каби драмаларида аёллар асосий қаҳрамонлар қаторида кўринади. Бу асарларда адиднинг аёлларга эҳтироми яққол намоён бўлиб туради. Абдулла Қаххорнинг асарлари, муайян маънода, ўзбек аёли босиб ўтган тарихий йўлнинг бадиий манзаралари каби кўринади. Ёзувчи «Анор», «Бемор», «Даҳшат», «Бошсиз одам» ҳикояларида аёлларнинг укубатли ҳаётини чукур ачиниш билан, «Минг бир жон», «Мастон», «Кампирлар сим қоқди», «Қўк конверт» каби ҳикояларида эса уларнинг образларини меҳр, эҳтиром билан гавдалантиради. «Синчалак» қиссаси бу жиҳатдан адид ижодидагина эмас, ўзбек адабиёти тарихида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Жамиятнинг ижтимоий, маданий-маърифий даражаси, кўп жиҳатдан, ундаги аёлларнинг аҳволига қараб белгиланади. Шу боисдан Абдулла Қаххор хотин-қизларнинг ҳаётини, муаммоларини кўрсатиш орқали турмушимизнинг ҳаққоний манзарасини гавдалантиради. Ёзувчи асарлари аёллар ўтмишда қанчалик укубатли ҳаёт кечиргани, ўз инсоний ҳақ-хуқуқларига эришиш учун улар қанчалик мураккаб йўлни босиб ўтгани тўғрисида тасаввур беради. Албатта, аёллар ва эркаклар тенг хуқуқлилиги мустаҳкам қарор топган, оиласда ҳам, жамият ижтимоий ҳаётида ҳам аёлларга алоҳида эътибор қаратилган ҳозирги пайтда кўпчилик ёшлилар «Даҳшат» ҳикояси қаҳрамони Унсиннинг пайғамбар ёшидан ошиб, «кафандигини сандиққа солиб кўйган» кекса доддоҳга сак-кизинчи хотин бўлиб яашини, бири гуноҳ қилса, барчаси баравар калтак ейдиган саккизта кундош аҳволини унчалик

тасаввур қилолмайди. Ёки «құлига қамчи олиб, «қаеринг қициди» дәя калтаклайдиган әрга шунча хотиннинг қулдай итоат қилиб яшагани XXI аср ёшларига бамисоли эртак туюлади.

Абдулла Қаҳжор бир күн келиб, ўзбек хотин-қизларининг инсоний ҳақ-хуқуқлари ҳаққоний қарор топиб, аёлларнинг азоб-уқубатта тұла ҳаёти ҳақидаги ҳикоялари эртак бўлиб туюлишини жуда аниқ пайқаган. Шу боисдан ўша замонларнинг аёллар учун заҳар-заққумга тұла ҳаётини бошидан кечирған гувоҳ — Тұрахон аянинг «Хотин-қизларнинг бурун замонда кўрган кунини билмайсизлар, қизларим, айтган билан ишонмайсизлар» деган гапини «Даҳшат» ҳикоясида пешсўз қилиб келтирған. Ҳақиқатан, бугунги күн қизлари Унсиннинг бунчалик хўрликларга тоқат қилишига ишонмайди. Чунки улар паранжи-чимматнинг нималигини билишмайди. Турмуш қуриш масаласида ҳам ота-оналари уларга зуфум ўтказишолмайди.

«Ўгри», «Анор», «Бемор»да Қобил бобо, Туробжон, Сошиболди асосий қаҳрамондай кўринса-да, аммо уларнинг хотинлари ҳам ушбу ҳикояларда улардан кам ўрин тутмайди. Чунки улар ҳам турмушнинг ташвиши, муаммоларидан эрларидан кам азоб тортмаётгандығи аниқ билиниб туради. Ночорлик туфайли эрларидан баттар азоб тортаётган бу аёлларнинг исми мазкур ҳикояларда айтилмайди. Адид бу жабрiddийдаларнинг исмини ёзмагани каби, уларнинг қиёфаси, кўриниши, ёши кабиларни ҳам баён этиб ўтирумайди. Бу билан адид хотин-қизларнинг ҳаммаси ҳам қашшоқ турмуш исканжасида эзилган, демоқчи бўлади.

Адид ушбу ҳикояларида яна бир ҳақиқатта — турмуш қанчалик азоб-уқубатта тұла бўлмасин, аёллар ҳамиша эрларини аяганлигига, ҳаёт машакқатларида уларга доимо елкадош бўлганига эътибор қаратган. Ҳўқизини ўғри урган Қобил бобо не умидлар билан амин, пристав ҳузурига қатнаб юрганида хотини ҳам кўл қовуштириб турмайди. У ҳам ҳўқизни топиш илинжидә ўзича ҳаракат қилиб, эрини ташвишдан халос қилишга уринади. Бу хусусда ҳикояда: «Бу бир ҳафта ичидә кампир «дуонинг зўри билан қулф очадиган» азайимхонга обдастагардон қилдиргани қатнаб, ярим

қоп жийда, уч елпиштовоқ жүхори, икки калава ип элтди, аммо иш чиқмади» дейилади. Қобил бобонинг кампири азайимхон ҳузурига умид қилиб борган. У олиб борган «ярим қоп жийда, уч елпиштовоқ жүхори, икки калава ип» ҳам Қобил бобо рўзгорининг ночорлигини билдиради. Абдулла Қаҳҳор Қобил бобонинг тиззалири букилиб, дағ-дағ титршини маълум қиласкан, унинг хотинининг аҳволига ҳам эътибор қаратади. Ҳикоя «Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб, ҳўқизидан хабар олди» деб бошланади. Бу билан ёзувчи кампирнинг «ўйим-жойим» деб яшайдиган, рўзгори учун жонкуяр бўлғанлигини таъкидлайди. Ҳўқизни ўгри урганини дастлаб кампир билади ва дод солиб йиглайди. Унинг «додига одам тез тўпланади. Тонг қоронғисида тўпланган хотинлар аҳволдан хабардор бўлгач, «ўғрини қаргайди». Абдулла Қаҳҳор аёлларнинг феъл-авторини айни ўринда аник ифодалайди. Чунки аёллар ўз норозилигини дарров қарғаш орқали билдиради. Адид уларнинг ўғрини қарғаси қандай натижага бериши тўғрисида бирор нарса демайди. Чунки аёлларнинг бундан бўлак бир иш қилишга қурби етмайди. Қобил бобонинг кампири, эри билан бирга амин ёки приставнинг ҳузурига арзга ҳам бормайди. Чунки у замонларда аёллар худди ҳозиргидай эмин-эркин юриб, ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилолмаган. Эри бор аёлларнинг пристав, амин каби амалдорлар ҳузурига боришига аллақандай ножӯя бир иш деб қаралган. Амалдорлар аёлларнинг арзу шикоятларига қулоқ ҳам солишмаган. Абдулла Қаҳҳор замоннинг шу каби гаройиб тартиблари тўғрисида тўхталмасдан, Қобил бобонинг хотини жабрдийда бўлгани ҳолда, азайимга арзини айтишдан нари ўтолмагани, анча чиқим қилгани ҳолда, ҳеч қандай натижага эришолмаганини таъкидлайди. Ҳикояда бирор ўринда ҳам кампирнинг исми эслатилмайди. Бу билан ҳам адид Қобил бобонинг кампирига ўхшаган минг-минглаб аёлларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни бўлмагани, уларнинг аҳволи, арз-додига эътиборсиз қаралганига дикқатини жалб этади.

Абдулла Қаҳҳор асарлари ана шундай таг маъноларга тўла. Адид ҳикоялари матни синчилаб ўрганилса, улардаги ҳар бир сўз, жумла ичидаги ҳаётнинг кенг картинаси турганлиги аён кўринади.

Абдулла Қаҳҳор ижодида «Ўғри», «Бемор», «Анор», «Даҳшат», «Бошсиз одам» каби ҳикоялар алоҳида ўрин тутади. Ўтмишдаги ҳаёт ҳақида мазкур ҳикоялар ўзбек адабиётининг асл асарлари қаторида туради. Ушбу ҳикоялар ҳажман кичкина бўлса-да, улар мавжуд турмуш ҳодисалари аниқ чизиб кўрсатилгандай таассурот қолдиради.

Абдулла Қаҳҳор улуғ рус ёзувчisi Антон Павлович Чехов асарлари аҳамияти тўғрисида фикр билдириб: «Унинг чертма, жаранглаб турган «кафтдеккина» ҳикоялари ўзининг чиройлилиги, ҳаққонийлиги ва турмушни ҳаққоний акс эттириши билан ўқувчини ўзига асир қиласди. Бу ҳикояларнинг ҳар бири Чехов замонасидағи Русия ҳаётининг бир парчаси. Унинг бутун ижодидан бутун Русияни кўриш мумкин. Унинг бутун ижоди ўтмишни қоралаб ёзган айномадир» дейди<sup>1</sup>. Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари ҳам шундай салмоққа эга. Жумладан, ёзувчининг «Анор», «Бемор», «Ўғри», «Даҳшат» каби ҳикояларида турмушнинг ҳаққоний манзаралари, ночор кишиларнинг аяңчли аҳволи кўрсатилади. «Чертма, жаранглаб турган ушбу «кафтдеккина» ҳикояларда аёллар образи ҳам алоҳида ажralиб туради.

Ёзувчи «Бемор» ҳикоясига «Осмон йироқ, ер қаттиқ» деган мақолни пешсуз қилиб келтиради. Бу ҳикоя «Сотиболдининг хотини оғриб қолди» деб бошланади. Ана шундай «чертма, жаранглаб турган» жумлалар билан бошланган ҳикоя давомида бемор хотинини даволатолмаган Сотиболдига иложисизликдан «Осмон йироқ, ер қаттиқ» бўлиб қолгани кўрсатилади. Ҳикоя ҳар қандай ўқувчини ўзига асир қиласди. У беихтиёр маҳзун бўлиб қолади. Ҳикоядаги қаҳрамонларға ич-ичидан ачинади. Ҳикояда Сотиболди, унинг бемор хотини, тўрт яшар қизаси, қўшниси — бир кампир иштирок этади. Сотиболди хўжайини Абдуганибойнинг хузурига аҳволини арз қилиб боргани ҳам эслатилади. Бемор ётган аёлнинг аҳволи қуйидагича тасвирланади: «Сотиболди касални ўқитди — бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бе-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Асарлар: Беш жилдлик. 5- жилд. —Тошкент: Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. —23-бет.

морнинг күзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб, толнинг хивчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади... Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлди. Бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади... Тўрт яшар қизчаси қўлига рўмолча олиб, онасининг юзини караҳт, нимжон, хира пашшалардан қўрийди; баъзан қўлида рўмолча, мукка тушиб ухлаб қолади. Ҳаммаёқ жим. Фақат пашша ғингиллайди, бемор инқиллайди». Бу тасвирдан аён бўладики, bemor аёл ўриндан туролмайди. Қаддини ростлаб ўтиришга эмас, ҳатто, «юзини караҳт, нимжон, хира пашшалардан қўриш»га ҳам унинг ҳоли етмайди.

Бир кечаси bemor азоб тортиб, оғриқقا чидолмасдан безовталанади. Абдулла Қаҳҳор бундай пайтда bemornинг ёнида турган киши эзилиб қийналишини «Бемор ҳар инграганда Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай талвасага тушар эди» деб таъсирчан ифодалаган. Адиб bemorга ёрдам беришга иложи етмаётган эр бундай пайтда нима қилишини ҳам аниқ кўрсатган: «Қўшниси – бир кампирни чақирди». Кампир ҳам иложисизлигидан нима қиларини билмай, изтироб чекиши ҳикояда янада таъсирчан гавдалантирилган: «Кампир bemornинг тўзиган соchlарини тузатди, у ёғ-бу ёгини силади, сўнгра ... ўтириб йиглади». У йифиси билан ўз ожизлигини тан олди ва буни ҳаммага билдириди. Абдулла Қаҳҳор ҳикояда ҳаёт шами сўниб бораётган bemor олдида руҳан азобланиб турган Сотиболди ва қўшни кампирнинг ҳолатини батафсил тафсилотларсиз, фоятда аниқ ифодалаган. Чаккага буров солиш жиноятчи-ларни сўроқ қилиш чоғида қўлланган оғритувчи жазо усуларидан бири саналади. Бунда бошга айланасига ўралиб, тортганда узилмайдиган ип кийгизилади ва шу ипга таёқ, солиб буралади. Ип бошни чаккага қўшиб сиқади ва томирларда қон айланмай қолгач, қаттиқ оғриқ кўзгалиб, чидаб бўлмай қолади. «Сўнгра ... ўтириб йиглади» деган ўринда эса қўшни кампирнинг bemorга, Сотиболди ва унинг тўрт яшар қизchasига юрак-юрагидан ачинаётгани аниқ ифодаланган. Одам ожизлигини чинакамига ҳис қилиб, изтиробга тушса, ўтириб йилайди. Абдулла Қаҳҳор кам-

пирнинг бу ҳолатини кўрсатиш орқали аёлларнинг ачинарли аҳволини таъкидлаган.

Адиб айни ҳикояда аёл ҳар қандай оғир шароитда ҳам фарзандини ўлаши, ғамхўрлик қилишига эътибор қаратиш орқали воқеликнинг фожейлигини янада кучайтирган. Ўрнидан қўзғалмай ётган аёл ўлими олдидан «Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига қабул қилди. Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг» дейди. Бу бемор аёлнинг айтган сўнгги гапи бўлади. У шу гапни айтгач, кўзини юмади ва саҳарга бориб узилади. Абдулла Қаҳҳор фарзандига меҳр аёлнинг вужудига, қон-қонига сингиб кетгани, ҳар бир она сўнгги нафасигача фарзандлари фами билан яшашини шу тарзда кўрсатади.

«Ўғри» ҳикоясидаги Қобил бобонинг кампири сингари Сотиболдининг хотини ҳам ҳеч кимга шикоят қилмайди, нолимайди. У эрининг аҳволини яхши билади. Шунинг учун ўзининг беморлиги, касалликдан азобланашётгани тўғрисида гапирмайди. Сотиболди хотинининг қийналанаётганини кўриб эзилади. Худди чаккасига буров солингандай қийналади. Аммо имконият йўқлиги туфайли хотинини касалхонага олиб боролмайди. Чунки «Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ пошшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келади». Сотиболдининг извоши ҳам, оқ пошшонинг сурати солинган 25 сўмлик пули ҳам йўқ. Шундан Сотиболди эзилади. Эрининг камбағаллиги туфайли бемор хотин қийнала-қийнала узилади. Тўрт яшар қизчаси онаси ўлиб қолганини ҳам билмасдан уйқусираганича кўзини очмасдан «Худоё аямди дайдига даво бейгин ...» деганича қолаверади.

Ҳикояда бирор ўринда беморнинг аҳволи оғир дейилмайди. Аммо шу маънони билдирадиган бир неча деталь қўлланилади. «Бемор инқилайди», «Бир кечаси бемор жуда азоб тортди. У ҳар инраганида Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай талвасага тушар эди», «Бемор кундан кун баттар, охири ўсал бўлди» дейилади. «Извош» ҳам беморнинг аҳволи оғирлигини таъкидлаш мақсадида келтирилган деталлар сирасига киради. Ушбу деталь бемор ўзи юролмаслиги, уни касалхонага бирор уловда авайлабгина олиб бориш кераклигини билдиради.

Күшни кампир беморнинг оғир аҳволда эканини билгач, ўтириб йиглайди ва «Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйғотинг қизингизни!» деб айтади. У бу билан аввало ўзига, кейин Сотиболдига, унинг ингришиб ётган хотинига тасалли бермоқчи бўлади. Абдулла Қаҳҳор кишилар ҳар қандай оғир аҳволда ҳам бир-бирига таскин-тасалли беришга интилишини шу тарзда таъкидлаб, жуда таъсирчан манзарани гавдалантиради.

Ҳаётнинг кишини изтиробга соладиган фожеий ҳодисаси ҳаққоний акс эттирилган ушбу ҳикояда бемор аёл ўлими олдидан қандай ҳолатда бўлгани, унинг аҳволига қараб эзилаётган эрининг уринишлари аниқ ифодаланган. «Қўнгилга армон бўлмасин» деб «чилёсин» ҳам қилдиришга тўғри келди. Сотиболди тўқиган саватларини улгуржи оладиган бақколдан йигирма танга қарз кўтарди. «Чилёсин»дан тетик бўлиб чиққандай бўлди, шу кечаси, ҳатто, қўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади: «Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига қабул қилди. Дадаси, тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг». Шам сўниш олдидан лопиллаб ёруглик таратгани сингари оғир касалликдан азобланиб ётган беморлар ҳам ўлишидан олдин ўзини аллақандай енгил сезади. Бу фавқулодда ҳолат унинг атрофидагиларни сергаклантиради. Абдулла Қаҳҳор инсон табиати билан боғлиқ бу ҳолатни жуда ҳаётий, аниқ акс эттирган.

«Бемор» сюжети ёзувчи томонидан тўқилган, ўйлаб тошилган ҳикоя эмаслиги яққол билиниб туради. Адибнинг ўзи ҳам бу хусусда «Бемор» деган ҳикоямда тасвир этган воқеага ўхшаш ҳодиса тахминан 13- йилда ўз бошимдан кечган эди<sup>1</sup>. Ва ўша воқеани баён этиб, ҳикояда ҳодисани «қайта бичиб тикканини» маълум қиласиди. Адиб «Бемор»да тасвирланган ҳодиса ўша давр учун оддий воқеа бўлганини таъкидлайди. Ушбу ҳикоядаги воқеа моҳият-эътибори билан ҳозир ҳам ҳаётда кузатилиши мумкин. «Бемор»да қаламга олинган воқеа ҳар бир замонда, исталган жойда содир бўлади. Чунки ҳар қандай жойда одамлар турлича яшайди. Оғир шароитда, ночор аҳволда турмуш кечирадиганлар ҳамма замонларда истаганча топилади.

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Асаллар: Беш жилдлик. 5- жилд. — 199- бет.

Ушбу ҳикояда адид кишиларнинг ҳар қандай шароитга кўникиши, ночор одамлар, ҳатто, ўз аҳволининг оғирлигини сезмайдиган даражага келиб қолишига эътибор қаратади. Сотиболди ҳам, унинг хотини ҳам, қўшни кампир ҳам фожиани ночорлик, қашшоқлик туфайли содир бўлаётганини айтиб, шикоят қўлмайди. Ҳеч кимдан нолимайди. Сотиболдининг «чигит пўчоқ ва кунжара билан савдо қиласидиган хўжайнини Абдуганибой олдига арзга боргани эслатилади. «Боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмаган Сотиболдининг сўзини эшитган Абдуганибой кўп афсус қилгани, қўлидан келса, ҳозир унинг хотинини оёққа бостириб беришга тайёр эканини билдиргани, кейин эса «Девонайи Баҳовуддинга ҳеч нарса кўтардингми? Fav sul аъзамга-чи?» деб сўрагани маълум қилинади. Абдуганибой хизматкори Сотиболдига ҳеч қандай ёрдам бермагани билдирилади. Ёзувчи худбин хўжайнинларнинг ночор аҳволга тушган кишиларга эътиборсизлигини шу тарзда истехゾ билан кўрсатади.

«Бемор» ҳикоясида касалликдан қийналиб ётган аёлнинг исми айтилмайди. У фақат бир мартағина гапиради. Инграбниб ётган bemor аёл ўлими олдиди эридан қизчасини энди саҳарлари уйғотмаслигини сўрайди. Адибнинг «Анор» ҳикоясида ҳам аёл асосий қаҳрамонлардан бири сифатида иштирок этади. Сотиболдининг bemor хотини сингари бу аёл ҳам касал. У анорга бошқоронги бўлган. Туробжоннинг оғироёқ хотини бир дона анор учун умрининг ярмини беришга тайёр. Анор анқонинг уруғи эмас. У бойларнинг боғида пишиб ётибди. Туробжоннинг хотини «Муллажон қозининг богини кўрган эмас, аммо таърифини эшитган. Бу боғни кўз олдига келтириб кўрди: боғ эмас, анорзор ... Анор дарахтларида анор шигил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди. Анор бозорда ҳам бор. Аммо «бир қадоқ анор фалон пул!» Туробжоннинг эса хўжайнин уйида «саҳармардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёқиб бир ойда оладигани ўн саккиз танга пул». Муллажон қозининг уйида бешик тўйда отилган мушакларнинг ҳар бири эса уч мири. Агар юзта мушак отисла ... биттангадан юз танга. Бир миридан кам — етмиш беш танга бўлади».

Адиб «Анор» ҳикоясига халқ құшиғидан олинган «Үйлар тұла нон, оч-нақорим болам, Ариқлар тұла сув, ташна зорым болам» сатрларини пешсүз қылиб келтиради. Бу билан камбағал бечора одамларнинг ҳамиша үzlари учун эңг зарур бўлган нарсаларни сотиб олишга қурби етмаслигига ишора қиласади.

«Анор» ҳикоясидаги аёл «Бемор» ҳикоясидаги касал аёлдан, «Ўғри»даги Қобил бобонинг кампиридан анча фаол. У анорга бошқоронги бўлгандан қийналади. Эри анор олиб келолмай, асаларининг уяси, оқ мум олиб келса, кўзиға ёш олиб, норозилигини билдиради. «Ҳавасга анор ейди дейсиз, шекилли» деб тўнгиллади. Баралла йиглаб: «Бу ер юткур қандай бало экан!.. Одамлардай гулутага, тузга, кесакка бошқоронги бўлсан-чи!» деб қарғанади. «Ўша асалнинг пулига анор ҳам берар эди» дея ранжийди. «Камбағаллик үлсин! Иккита анор учун хотинингизни серпул одамга оширгани уялинг!» деб таъна қиласади. Эри унга «Ўтган бозор қуни еган анорингни ўйнашинг олиб келганмиди? деса, «Ўйнашим олиб келган эди!» деб баттар жаҳлини чиқаради. «Бемор» ва «Даҳшат» ҳикоясидаги аёллар эса бундай эмас. Улар беҳад итоатгўй. Туробжоннинг хотини эса, камбағаллигини норозилик билдиради. Туробжон ҳам камбағаллигини англайди. Ўзининг ночор аҳволи унга алам қиласади. Шунинг учун Муллажон қозининг бешик тўйида отилган мушакларни пулга чақади. Ҳўжайини берадиган бир ойлик ҳақ қанчалигини айтади. Туробжон ўз норозилигини шу тарзда билдиради.

«Анор»да ночорлик туфайли эр-хотин ўртасида аччиқ-тиззиқ гаплар ўтиши таъсирчан диалогларда ифодаланган. Ҳикояда жаҳли чиққан эр ва аччиқланган хотиннинг тортишувлари ҳам, ички кечинмалари ҳам аниқ акс эттирилган. Эр-хотиннинг мулоқот, мунозарасида уларнинг бир-бирини авайлаши билиниб туради. Туробжон бошқоронги хотининг истагини адо этгиси келади. Аммо камбағаллиги бунга имкон бермайди. Хотини ҳам буни билади. Аммо анорга бошқоронғилик жисму жонига азоб бериб, уни беҳол қиласади. Фарзанд кутаётган аёлининг бу аҳволидан Туробжон ҳам қийналади. У нима қилишини билмасдан: «Ахир бошқоронги бўл, эвида бўл-да!» деб хотинини койиади.

Иложсизлигидан жаҳли чиқиб, аламини хотинидан олади. Жаҳл устида унга «Жигарларинг эзилиб кетсин!» деб айтади. Аммо хотинининг аҳволини кўриб, аччиғидан тушади. Агар иззат-нафс қўйса, шу пайтнинг ўзида хотинининг бошини силаб: «Қўй, хафа бўлма, жаҳл устида айтдим!» дегиси келади. Муроса ўрнатиш учун «Кишининг юрагини қон қилиб юборасан! Наинки мен асал олсан! Асал отлиққа йўқ, ҳали биз пиёда-ку!» деб гап бошлаб, ўзи умрида бир-икки марта асал егани тарихини баён қиласди. «Шо-кирхўжа қандолатчи асал қиём қилдираётганида қозонига аммамнинг жўжаси тушиб кетганди, шу жўжани ялаганман» дейди. Бундан Туробжоннинг қиём қилинаётган қозонга тушиб ўлган жўжанинг патларига ёпишган асални ялагани аён бўлади. Абдулла Қаҳҳор ночорлик, қашшоқликнинг аянчли манзарасини ана шундай таъсирчан деталь орқали кўрсатади. Шариатда ҳам ўғирлик кескин қораланиб, бу ишга қўл урганларга қаттиқ жазо бериш зарурлиги таъкидланади. Дунёвий қонунларда ҳам ўғирлик жиноят саналади. Туробжон эса иложсизликдан анор ўғирлаб келади. У фарзанд кутаётган хотини анорга бошқоронги бўлиб азобланётгани учун мажбур бўлганидан жиноятга қўл уради. Бунинг учун Туробжоннинг хотинини ҳам, унинг ўзини ҳам айблаб бўлмайди. Абдулла Қаҳҳор шу тарзда ҳаёт ҳамиша ҳам белгилаб қўйилган қонун «қолип»ларига сигавер-маслигини, у сир-синоат, жумбоқчарга тўлалигини таъкидлайди.

Адибнинг «Даҳшат» ҳикоясида инсоннинг инсон томонидан таҳқирланиши қанчалик аянчли эканлиги кўрсатилади. «Анор», «Бемор», «Ўгри» ҳикояларида аёллар асосий қаҳрамонлар қаторида ҳаракатлансанса, «Даҳшат»да аёл асосий бош қаҳрамон сифатида кўринади. Ёзувчи аввалги ҳикояларида аёлларни Қобил бобонинг кампира («Ўгри»), Сотиболдининг хотини («Бемор»), Туробжоннинг хотини («Анор») деган бўлса, «Даҳшат»даги аёлнинг аниқ исмини айтади. Бу билан унинг асосий қаҳрамон эканлигини таъкидлайди. «Даҳшат» ҳикоясининг қаҳрамони – Унсин. Фарзандлари турмаган ота-оналар ўғил-қизлари туғилганида униб-ўссин, умри узоқ бўлсин, деган ният билан уларга Турсун (Турсуной), Ўлмас – Ўлмасой, Турғун – Турғу-

ной, Күпайсин, Унсин деган исмлар қўйишади. «Даҳшат» ҳикояси қаҳрамони ганжиравонлик Унсин – тегирмончинг қизи. У додхоҳнинг даргоҳига келганига беш ой бўлган. Унсин – додхоҳнинг кенжা хотини. Додхоҳнинг Унсиндан бошқа ҳам етти нафар хотини бор. Каттасининг исми – Нодирмоҳбегим. Бу исм унинг аслзода, бой-бадавлат хонадондан эканлигини билдиради. Ҳикояда додхоҳнинг қолган олти хотинининг исми айтилмайди. Бу билан уларнинг додхоҳ даргоҳида ўрни билинмаслиги таъкидланади. Додхоҳ – «оп-поқ соқолли», «пайғамбар ёшидан ошиб, кағанлигини сандиққа солиб қўйган». «Пайғамбар ёшидан ошган»лиги додхоҳ олтмиш уч ёшдан ўтганлигини билдиради. У шу ҳолида беш ой аввал ганжиравонлик Унсинни саккизинчи хотини қилиб олган. Унсин додхоҳни яхши кўриб, севиб теккан эмас. У бу даргоҳга қандай келиб қолгани хусусида ҳикояда ҳеч қандай изоҳ берилмайди. Аммо Унсиннинг ночорлик туфайли додхоҳга саккизинчи хотин бўлиб тушгани билиниб туради. Унсин бу ерда бир дақиқа ҳам тургиси келмайди. У «Ганжиравонга жўнаш, ота-онасини, дугоналарини кўриш» учун ҳамма нарсага тайёр. У нима бўлса ҳам додхоҳдан қутулса... Чунки додхоҳ хонадони унинг учун «тириклар гўристони», «бу даргоҳнинг даҳшати олдида ўликлар гўристони даҳшати ҳеч гап эмас».

«Кузак шамол яйдоқ дарахтлар шохида чийиллаб, фувиллаб, толларда вишиллаб, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб «уф» тортиб турган кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам ... ўлишдан ҳам кўра гўристонда ётишини ўйлаганда тилигача совуқ тер чиқаради. Бундай кечаларда одамзод қўймижоз, фуж бўлиб, нимадир кутиб, жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади». «Ҳар кеча таровеҳ намозидан кейин ҳалқага қоладиган додхоҳ ҳам буни яхши билади. Об-ҳаво шундай дилгир бўлганидан у таровеҳ намозидан кейин ҳалқага қолмасдан эрта қайтади». Катта хотини Нодирмоҳбегим шундай шамол кечасида бир йигит гўристонга бориб, гўрга пичноқ санчиб келиш тўғрисида бир қўйдан гаровлашиб, қабристонда қўрқиб ўлиб қолгани тўғрисида гапиради. Бу воқеани эшитган Унсин ёнида ўтирган кундошига шивирлаб: «Ўлсин, нокас одам экан, битта қўйни деб ... Кошки арзийдиган нарса бўлса!» дейди. Бу гапни ўзича айтади. Аммо буни

доддоҳ эшитиб қолади. Унинг нафсонияти қўзгайди. Чунки «Доддоҳдай одам «гўристон» деганда тиззаси қалтирайди, бирор «оламга подшо қиласман» деган тақдирда ҳам у ерга бормайди, боролмайди-ю, бу қиз муштдай боши билан «Арзийдиган нарса бўлса, мен бораман!» дегандай бўлади. Шунинг учун доддоҳнинг ғаши келиб, Унсинни: «Оббо, тегирмончининг қизи!» ... «Битта қўйни назарлари илмайди! Нечта қўй бўлса арзир эди? Сен ўзинг ўнта қўй берсам, пичоқ санчиб келасанми? Юзта қўй, давлатимнинг ярмини берсам борасанми?» деб масхара қилади. Адиб бу билан доддоҳнинг такаббурлиги, у ўзини бошқалардан устун эканлигини писанда этишни ёқтиришини таъкидлайди. Давлатмандлигини билдиromoқчи бўлган кишилар ўзларини худди доддоҳ сингари тутади.

Унсин ҳам доддоҳнинг беписандлик билан бундай камситишига чидаб турмайди. У «Менга давлат керак эмас, давлат керак бўлса борар эдим», дейди. Чунки у юзта қўй ва доддоҳнинг ярим давлатини кўлга киритганида ҳам бариверади. Аммо Унсин доддоҳ хонадонидан бутунлай кетишни истайди. Шунинг учун доддоҳга: «Мен буткул кетсам дейман, жавобимни берсангиз демоқчиман» дейди. Аммо у бу гапни доддоҳнинг юзига қараб, шартта-шартта айтмайди. Абдулла Қаҳҳор ноҷорлик туфайли руҳан форат бўлиб, мутелик қон-қонига сингиб кетган Унсиннинг ҳолатини: «Ёнида ўтирган кундоши тирсаги билан биқинига икки-уч туртгандан кейин бошини кўтариб, бало-қазодай тикилиб турган доддоҳга бир қўз ташлади-ю, яна бошини эгиб, лекин дадил жавоб берди: «Жавоб берсангиз ... Ганжировонга кетсам ... Битта гўрга битта пичоқ эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келаман» деб жуда аниқ кўрсатади. Унсиннинг бошини эгиб гапириши, доддоҳ фижинганча «гўристонга» пичоқ эмас, қумғон олиб бориб, онҳазратим сағанаси олдида қумғон қайнатиб, битта чой дамлаб келасан, майлими» деб зуғум қилганида, қўзлари жавдираганча «Майли, майли! Лекин лафзингиздан қайтмасангиз ...» дейиши унинг эридан қаттиқ қўрқишини билдиради.

Ҳикояда Унсин ҳам, бошқа хотинлари ҳам доддоҳдан қўрқиши «Доддоҳнинг саволи жавобсиз қолиши мумкин эмас

эди. Шунинг учун биттаси гуноҳ қўлса, ҳаммаси баравар калтак ейдиган кундошлар Унсинни туртқилашди» дея тарьиғиданади. Додхоҳ уйга кириб келса, кундошлар бесаранжом бўлиб қолади. Бу хусусда: «Хотинлардан бири унинг салласини олди, бири чакмонига қўл узатди, бири махсишини тортгани чоғланди... Кундошларнинг энг кичиги – бу даргоҳга тушганига беш ойгина бўлган келинчак – ганжиравонлик Унсиной чилим солиб тутди» дейилади. Додхоҳ эса хотинларини бунчалик ташвишга соганидан ҳеч ҳам хижолат тортмайди. У ўзини хотинлари устидан яккаю ягона ҳукмрон деб билади. Ўзига бино қўйган додхоҳнинг бу ҳолати: «Додхоҳ чилимни бир марта, лекин жуда қаттиқ тортди-ю, ясов тортиб турган хотинларига эътибор қилмай, тўрга ўтди» дея ифодаланади. Мол-давлатининг кўплиги, амалдорлиги туфайли бир эмас, саккиз хотин олган додхоҳ шамол оч бўридай увиллаётган қоронги кечада гўристон қанақа ваҳимали бўлар экан, деб ўйлади. У хаёлидан гўристон тўғрисидаги гапларни кувиш, ўзининг довюраклигини хотинларига, улардан ҳам кўра ўзига писандга қилиш учун гўристон ваҳималаридан гап очади. Додхоҳ ўзини довюрак кўрсатишга ҳар қанча уринмасин, у қабристонга борищдан кўрқади. У қабристонга борищдан эмас, қабристонга бориб келган Унсинни кўришдан ҳам кўрқади. Унсин қоронги тунда қабристонда чой қайнатиб келганида «сандалда ўтириб пинакка кетган додхоҳ уйғониб тамшанади, бошини кўтариб, Унсинни кўради-ю, «жон берәтибди» деб ўйлаб, кўзлари олайди. Ерда ётган Унсиндан кўзини олмай, секин ўрнидан туради, худди ўлим хавфидан қочгандай, бир иргиб, сандалдан ошади-да, ўзини эшикка уради».

Адаб «Ўгри», «Бемор», «Анор»да кишиларнинг уқубатли ҳаёти манзараларини гавдалантиrsa, «Даҳшат»да Унсиннинг матонатини кўрсатиб, аёлни зўрлик билан енгиб бўлмаслиги, у ўз эрки ўйлидаги ҳар қандай тўсиқдан ўта олишини ҳикоя қиласди. Шу мақсадда у Унсиннинг қоронги тунда қабристонда қандай ҳолатда юрганини батафсил тасвирлайди. Ҳар қандай кишининг дилига ваҳима, кўркув солувчи бу даҳшатли манзара саҳнаси ҳикоя матнининг салкам учдан бир қисмини ташкил этади. Кеч кузак шамоли увиллаб

турган тун қўйнидаги қабристон кўриниши: «Ўт чарсиллаб-қарсиллаб бирпасда гуркиради, шамолда тўлғанаётган тутун аралаш аланганинг қизғиш шуъласидан қоронғилик липиллаб, узоқ-яқинда дўппайиб турган гўрлар, худди бирор тупроқни кўтариб чиқаётгандай, ҳаракатга келди» тарзида тасвирланади.

Унсин мана шундай қўрқинчли манзара ичидаги турса-да, паранжи- чимматини унумтайди. У қоронғи тунда қабристонга кетаётганида ҳам паранжи- чимматини ёпиниб олади. Қабристонда ўтин териб, чой қайнатаётганидагина паранжи- чимматини олиб қўяди. Қайтаётганида паранжи- чимматини сафана олдида қолдирганини эслайди. Лекин бориб олишдан қўрқади. Унинг бу ҳолати ҳақида: «Унсин бир неча қадам босгандан кейин паранжи-чиммати сағананинг олдида қолганини эслаб тўхтади, лекин қайтиб боргани боти-нолмади, ҳозир қайтиш эмас, қайрилиб қарагани ҳам юраги дов бермас, назаридаги ҳамма ўликлар сағаналардан, гўрлардан бошини чиқариб, кетидан қараб тургандай эди. Унсин нима қилишини билмай туриб қолди» дейилади. Абдулла Қаҳҳор у замонларда аёллар тунда ҳам паранжи- чимматиз юришни худди яланғоч қолишдай уят деб билганини шутарзда қўрсатади.

Доддохнинг мусулмонлар учун муқаддас саналган рамазон ойида – рўза пайтида шу даражада аёвсизлик қилишини қўрсатиш орқали эса жамиятда авж олган жаҳолатнинг асосий айбори ўшалар эканини таъкидлайди. Доддох рўза тутади, таровеҳ намози ўқиёди, кейин ҳалқада қолади. Бу унинг мусулмончилик тартиб-қоидаларидан хабардор эканлигини билдиради. Шундай бўла туриб, у хотинларига ҳаддан ташқари зулм ўtkазди. Саккизта хотинининг бири гуноҳ қилса, барчасини бараварига калтаклайди, қўлига қамчи олиб, «қаеринг қичиди» деб солади. У хотинларини шу даражада қўрқитганки, уларнинг ҳеч бири унга бир оғиз сўз айтишга ҳам журъат қилолмайди. Ҳикояда бу хусусда «Унсинни тилаб олиш учун бирон сўз айтишга ҳеч ким, ҳатто, гўристондан унинг ўлиги келишига кўзи етиб, ичидаги фарёд чекаётган Нодирмоҳбегим ҳам журъат қилолмади ... Нодирмоҳбегим қўлидан бошқа иш келмаганидан кейин ҳеч бўлмаса, Унсин-

нинг юрагига қувват бўладиган бир-икки сўз айтиш мақсадида кетидан чиқмоқчи бўлган эди, додҳоҳ бир хўмрайиб ўтқазиб қўйди. Кундошлар битта-битта оёқ учида юриб чиқиб кетди» дейилади. Қоронғи тунда қабристонга кетган Унсиннинг изидан додҳоҳнинг бирор орқали маймунини юбориши ҳам унинг беҳад золимлигини билдиради. Додҳоҳнинг ўйлаб топган бундай зулм усулларини бошқалар ҳар қанча ўйласа ҳам тополмайди. Масалан, Қобил бобо («Ўгри»), Сотиболди («Бемор»), Туробжон («Анор») бошқаларга нисбатан додҳоҳ сингари шафқатсизлик қилолмайди. Додҳоҳ фоят ақлли. Аммо у бу ақлинини эзгулик учун эмас, ёвуз мақсадда ишлатади. У хотини Унсиннинг шамол оч бўридай увиллаб турган қоронғи кечада қабристонда қўрқишини жуда яхши билади. Аммо уни ўша жойга чой қайнатиб келишга юборади. Додҳоҳ унга қабристоннинг қаерида чой қайнатиб келишини ҳам белгилаб беради. У Унсинга «Онҳазратим сафанаси олдида кумғон қайнатиб, чой дамлаб келасан» деб шарт қўяди. Бундай жой аёнки, қабристоннинг бир чеккасида эмас, унинг ўртасида, марказида бўлади. Чунки азиз зотлар «онҳазратим» дея эъзозланади. Уларнинг қабри муқаддаслаштирилиб, атрофига одамлар дафн этилади. Додҳоҳ Унсинга дўппайган гўрлар, ўйилиб тушган сон-саноқсиз сафанаар оралаб, қабристон ўртасига боришни буюради. Додҳоҳнинг ақлинини ёвуз мақсадда ишлатиши унинг бирор орқали ўз маймунини Унсинни қўрқитиш учун қабристонга жўнатишида янада яққол аён бўлади. Қобил бобо, Туробжон, Сотиболди каби бечоралар кундалик тирикчилик ташвишида эзилади. Ўша замонларда бой-бадавлат кишилар ҳашамат, бошқалардан ажralиб туриш, эрмак учун хонадонларида маймун ҳам асрашган. «Нодирмоҳбегим Унсиннинг ёш жонига раҳм қилишини, уни қайтаришни сўраб, додҳоҳга ёлворганида уни тутиб олиб хўп уради. Нодирмоҳбегимнинг ўнг кўзи моматалоқ бўлиб шишиб кетган, оқ дока рўмолининг у ер - бу ери қон теккан». Ҳикояда бу каби деталлар «пайғамбар ёшидан ошиб, кафандигини сандиққа солиб қўйган», «оппоқ, узун соқолли», «ҳар кеч таровеҳ намозидан кейин ҳалқага қоладиган» додҳоҳнинг беҳад шафқатсиз, золим кимса эканини билдиради.

Ҳикояда Нодирмоҳбегим образида аёлларнинг бир-бираига меҳрибонлиги, бир-бирига ачиниши кўрсатилади. Нодирмоҳбегим Унсинга ачинади. У додхоҳ сингари тошбагир эмас. Унсин қоронғи тунда қабристонга кетаётганида у ичидан фарёд чекади. Нодирмоҳбегим Унсиннинг «юрагига қувват бўладиган бир-икки сўз айтиш мақсадида кетидан чиқмоқчи бўлади, аммо додхоҳ уни бир хўмрайиб, жойига ўтқазиб кўяди. Додхоҳ қабристондан қайтган Унсинни кўриб, қўрққанидан уйдан қочиб чиқиб кетган пайтда Нодирмоҳбегим остононадан ўтиб йиқилиб ётган Унсиннинг тепасида туриб, «бошини силайди, юзини юзига кўяди, ўша чофи одам юбориб, гўристондан олдирган икки чимдим тупроқни ярим пиёла сувга чайиб», Унсинга тутади. «Ич, жигарим, қурқсансан ... Гўристондан қурқсанга гўристоннинг тупроғи даво бўлади» деб айтади.

Додхонинг Унсинга қилган шафқатсизлиги Нодирмоҳбегимнинг онгида кескин ўзгариш ясайди. Нодирмоҳбегим ўлиши аниқ бўлган Унсиннинг аҳволига дил-дилидан ачинганидан додхонинг «яна калтаклашидан ҳайиқмай, Ганжиравонга бир хизматкор юборади». Қабристонда қўрқиб юраги ёрилган Унсин пешинга етмай узилгач, Нодирмоҳбегим ҳам додхонинг даҳшатли хонадонини тарк этади. У «Унсинни сен ўлдирдинг! Сен айбдор!» деб додхонинг ёқасидан тутмайди. Адибнинг мазлума аёлнинг даҳшатли додхонга ғазаб-нафратини: «Дарвозадан бошида паранжи ва қўлида оқ тугунча Нодирмоҳбегим чиқди. У дарвозага юзини ўгириб, чўнқайди, икки қўлини фотиҳага очиб, бир нималар деди. Додхонинг ўзи билан бирга бу даргоҳни ернинг қаърига юборгандай иккала муштини уч марта ерга қадади; кейин «бу даргоҳни энди елкамнинг чукури кўрсинг» дегандай бир ҳаракат билан кескин бурилиб, аравага чиқди, марҳумнинг бош томонига ўтириди» дея жуда таъсирчан ифодалайди.

Адибнинг «Бошсиз одам» ҳикоясида ҳам додхон сингари жоҳилларнинг аёлларни азоблаши ҳақида сўз юритилади. Ушбу ҳикоя қаҳрамони «Ўгри», «Анор», «Бемор» ҳикояларидаги аёллар сингари исмсиз эмас. Унинг ўз исми бор – Нисо буви. У ҳам худди «Даҳшат» ҳикоясидаги Унсин, Но-

дирмоҳбегим сингари дастлаб эрига итоат қилиб яшайди. Аммо барibir охири чидолмасдан эрининг хонадонини тарк этади. Иккита ёш қизи билан бева қолган Нисо буви хотини ўлган Абдураҳмонга турмушга чиқади. Уста Абдураҳмоннинг аввалги хотинидан бир ўғли булиб, Фахриддин эрка, тантиқ ўсган. Уста Абдураҳмон Нисо бувининг қизларини кўл уради. Буни кўриб, Нисо буви азобланади. Чидолмасдан эрига: «Урсангиз, ўша дўконингизга олиб бориб уринг» дейди. Уста Абдураҳмон эса Нисо бувига: «Ҳа, жонинг ачийдими, бундан кейин мен ураётгандан кулиб турмасанг, уч талоқсан...» деб айтади. Шундан кейин уста қизларни урган пайтда Нисо буви сиртида кулиб, ичидаги йиғлаб туради. Чунки аёл учун эрининг талоқ қилиши мусулмончиликда энг оғир жазо саналади. Нисо буви ана шу жазога учрамаслик учун уста Абдураҳмоннинг барча зулмига чидашга мажбур бўлади.

Уста Абдураҳмон қизларни уриш билан чекланмайди. У Нисо буви ва қизларидан бир оғиз сўрамасдан, уларнинг розилигисиз тўй бошлайди. Ҳикояда бу воқеа ҳақида «Бир куни эрталаб нонуштадан кейин уста Абдураҳмон: «Чоршанба куни тўй!» деди-ю, кўчага чиқди-кетди. Нисо буви ранги-қути ўчиб, деворга суюнганча қолаверди» дейилади. Чунки Нисо буви қизи Мехрини уста Абдураҳмоннинг эрка ўсган ўғли Фахриддинга беришни асло истамайди. Аммо у эрининг истагига қаршилик ҳам қилолмайди. Ҳар қандай гапга «осилиб турган қалин пастки лабини бир-икки қимирлатиб, билаги билан бурнини артганча: «Мен билмасам, дадам биладилар-да!» деб жавоб берадиган Фахриддин Мехрига уйланади. Нисо буви Фахриддиндан қизининг бўйида бўлиб қолишини хоҳламайди. Шунинг учун Мехрини кўрпага ўраб, янги қилинаётган кигиздай юмалатади; қорнига ёстиқ билан уради, устига чиқиб ўтиради, қўққисдан қаттиқ қўрқитади, қаердандир чорасини билиб келиб, Мухрининг қорнини силаб, болани эзиг йўқ қилиб ташлашга уринади. Оқибатда, Мехри роса азобланади. Касалхонада унинг боласини олиб ташлашади. Мехри: «Кундан кун багтар бўлган эдим, олиб ташлашди ... нақ ўлаёздим ...» деса, Фахриддин «Хайрият» дейди. Мехри «Қўрдим, боши йўқ ...» деса, Фахриддин оғзини ва қўлларини катта очганча

«Ие!.. Боланинг ҳам боши бўлмайдими!.. Дадамдан сўрайчи ...» деб чиқиб кетади.

Ҳикояда бирор ўринда «золим» деган сўз учрамайди. Аммо баён қилинган воқеалардан уста Абдураҳмоннинг жоҳил, золимлиги яққол билиниб турди. «Бошсиз одам»да «Фахридин эрка ўсганидан ношуд эди» ҳам дейилмайди. Аммо бу унинг отасининг гапи билан юриши, ярашиқсиз хатти-ҳаракатлари орқали намоён этилади. Нисо буви золим, жоҳил эр хонадонини тарк этиб, тўғри иш қилганига ишонтирилади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ушбу ҳикояларида ҳаётнинг қувончу шодлиги ҳам, қайфу ва ҳасрати ҳам аллақандай сирли, кўзга кўринмас илоҳий нарсаларга эмас, аввало одамларнинг ўзларига, уларнинг онги, дунёқарашига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Адабнинг «Бошсиз одам» ҳикоясида айнан шунга ишора қилинади. Ҳикояда золимлик шубҳасиз хунук оқибат келтиришини англамаган уста Абдураҳмон сингариларнинг бошсиз -- ақлсиз эканлиги очиб берилган. Адаб аёлларга беписандлик билан қараб, зулм қилишни одат қилиб олган бу кимсанинг жоҳиллигини чукур ачиниш, аччиқ истеҳзо билан кўрсатган. Ҳикояда икки ўринда уста Абдураҳмоннинг сўзлари келтирилган. Қизларини ураётганда Нисо бувидан кулиб туришини талаб қилган Абдураҳмон келини Мехри оғриқнинг зўридан уйнинг у бошидан бу бошигача юмалаб додлаб турган пайтда бепарволик билан какликка сув қуяётган Фахридинга: «Ха, ўғлим, хафа бўлаётисанми? Хафа бўлма... Бўлса бўлар, бўлмаса, хотиннинг уруғи Ҳиротдан келган эмас» дейди. Уста Абдураҳмон айни гапи билан шафқатсизликда «Даҳшат»даги додҳоҳга, такаббурлиқда «Ўгри» ҳикоясидаги амин, пристав, элликбоши, тилмочга ўхшаб кетади.

Абдулла Қаҳҳор мазкур ҳикояларида турли воқеаларни таъсирchan гавдалантириб, кўп кишилар уқубатли ҳаёт кечираётганини аниқ акс эттиради. Адаб уқубат чекаётгандарга ачинишини ҳам, золимлик қилаётгандарга нафрат, ғазабини ҳам ошкор қилмайди. У воқеаларни холис кузатувчи бўлиб кўрсатиш билан кифояланади. Аммо ҳикояларда унинг бечора одамларнинг хўрланиб, таҳқирлани-

шидан қаттиқ изтироб чекиши, зұравон, такаббур, тамағир кимсаларға аччиқ истеҳзο билан қараши аниқ аён бўлиб туради. Бу эса улуг ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг юксак инсонпарвар эканлигидан далолат беради.

Абдулла Қаҳҳор «Даҳшат», «Анор», «Бемор», «Үгри», «Бошсиз одам» каби ҳикояларида нотавон, муштипар, муте аёлларнинг аянчли аҳволини чуқур ачиниш, «Минг бир жон», «Мастон», Жонфифон», «Қизлар» каби қатор ҳикоялари ҳамда «Синчалак» қиссасида эса инсоний қадрини англаган, ўз ҳақ-хуқуқини таниган, хотин-қизларнинг файрат-шижоатини меҳр-ифтихор билан гавдалантиради. Ушбу ҳикояларда ёзувчи аёлларни ардоқлаб эъзозлаган адид сифатида намоён бўлади.

Адид ўз асарларида аёлларнинг уқубатга тўла аянчли турмушини гавдалантирганда ҳам, уларнинг шижоатга тўла фаолиятини қаламга олганда ҳам уларга ўзгача меҳр билан қарайди. Бу меҳр «Мастон», «Кампирлар сим қоқди», «Минг бир жон», «Кўк конверт» каби ҳикояларида айниқса яққол аён бўлиб туради.

Ёзувчининг «Даҳшат», «Анор», «Бемор», «Үгри» ҳикояларидаги аёллар паранжи- чиммат ёпиниб, қисиниб-қимтишиб юрадиган муштипар бўлса, «Минг бир жон», «Мастон», «Жонфифон», «Кўк конверт», «Синчалак»даги хотин-қизлар ҳамма жойда эмин-эркин юради, эркаклар билан бемалол гаплашиб, бирга ишлайди. Чунки улар – янги замон одамлари. Уларга Унсинларни азоблаган доддоҳлар дахл қилолмайди. Улар худди эркаклар каби жамиятнинг тўла хуқуқли аъзоси саналади. Қонун олдида улар эркаклар билан teng, баробар.

«Мастон» ҳикоясининг қаҳрамони Турғуной эридан но либ: «Отам ўлмаганда мен бу алвастига бир кун ҳам хотин бўлмас эдим. Отам ўлди – дармоним қуриди. Ундан чиқиб қаёққа, кимникига бораман, кимнинг уйига сигар эдим. Икки кўзинг кўр, қўл-оёғинг шол бўлса ҳам эркак бўл экан-да» деб ҳасрат қилса, Мастон унга: «Биз ёруг дунёни кўриш учун туғилганмиз, Турғуной. Биз товуқ эмасмизки, қандай тухум бостиурса, шуни очиб чиқарсан» дейди. Мастон ҳаётга умид, ишонч билан қарайди. Турғуной эса ҳамма нарсадан ҳадиксирайди, чўчийди. Ҳикояда йўлда кетаётган бу

икки аёлнинг ҳаётга қараши образли тарзда: «Мастон юки оғир аравани тортиб бораётган отдай оёқларини тираб юқорига интилар, Турғуной эса энгашиб, икки кафтини тиззасига қўйиб, зўрга-зўрга қадам ташлар эди» дея ифодаланган.

Турғуной эскича турмуш ақидаларидан бутунлай халос бўлмаган. Уни ўша ақидалар руҳан мажруҳ қилиб қўйган. Аммо у эскича ақидаларга кўнинкан, итоатгўй эмас. У аёлларнинг хўрланишидан нафратланади. Шунинг учун: «Амманнинг қизи Абдураззоқ дўппифурушга тушган эди... Бунга ўн йилча бўлди. Дўппифуруш – элликка бориб қолган одам. Қиз – гунчадаккина. У вақтларда ҳамма ихтиёр ота-онада эди-да... Ҳеч иложини қилолмагандан кейин «пес бўлсан, қўйиб юборади» деб атайлаб овқатига калтакесак солиб еган экан. Калтакесак еса, пес бўлади, деб эшитган экан...» дейди. Унинг бу гапи ўша пайтда аёлларнинг аҳволи ниҳоятда аянчли бўлгани, улар уқубатдан кутулиш учун ўзларини ҳар нарса қилишга урингани, ҳатто, пес бўлишга ҳам рози бўлишганини билдиради.

«Мастон» ҳикоясида аёлларнинг шиҷоати, улар мақсадига эришиш учун курашишда эркаклардан асло қолишмаслиги таъкидланади. Мазкур ҳикоя айни жиҳати билан «Даҳшат» ҳикоясига ухшаб кетади. Унда Maston образида интилувчан, ҳаракатчан аёллар қиёфаси гавдалантирилади. Турғунойнинг кечинмалари, хатти-ҳаракатларида эса ҳамма нарсага ҳадиксираб қарайдиган хотин-қизлар образи очиб берилади. Ҳикоя «Арава фижирлаб борар, гап мавзудан мавзуга кўчар, Турғуной гапга аралашмай, бедалар ичида бир боғ бедадай силкиниб борар эди» деб тугалланади. «Арава фижирлаб бориши» ҳаётнинг тўхтовсиз ҳаракатини, «гапнинг мавзудан мавзуга кўчиши» эса турмуш ҳамиша турфа хил муаммоларга тўла бўлиши рамзини билдиради. «Турғуной гапга аралашмай, бедалар ичида бир боғ бедадай силкиниб борар эди» дейиш орқали адид, ҳамма нарсадан ҳадиксирайдиган, торгинчоқ кишилар ҳаётда ўз ўрнини тополмай юришига ишора қиласди.

Адиднинг «Жонфиксон» ҳикояси қаҳрамони Малоҳатхон ҳаракатчанлиги, интилувчанлиги билан «Мастон»даги Mastonга ухшайди. Maston: «Бахтни эрдан излашнинг ўзи баҳт-

сизликнинг бошланишидир. Бизда хотинлар эрга шундай боғланиб қолади, шунча бахтни ундан излайдики, эр ўлса гүё бахтининг калити унинг чўнтағида кетган бўлади; эрининг ўлганига эмас, бахтдан умиди узилганига йифлайди. Эр ўлмасдан ундан юз ўғирса ҳам хотин бундан кам йифламайди. Бизда кўп хотинлар шу калитни йўқотмаслик, ана шундай қўз ёши тўқмаслик учун эрга чўри бўлиб яшайди» дейди. Малоҳатхон шоффёр бўлиб ишлайди, икки йилда уч марта мукофот олади. Малоҳат эрини ҳам ишлашга ундейди. Эрига кўпчилик олдида: «Пулингизнинг кераги йўқ, ишласангиз бўлди. Мен сизни эrim дейишга номус қиласман!» дейди.

Бирор жойда ишламайдиган Жонифон эса «Малоҳат энди мени ташлаб кетади» деб ҳадиксирайди. «Менинг қўядиган хотиним йўқ. Агар зўрлик билан хат топширсанг, товонимга қоласан. Мана шу йигитлар гувоҳ. Айтдим-қўйдим, икки қулоч арқон...» деб упкасини тутолмай йифлайди. Адид «Даҳшат» ҳикоясида аёлларнинг хўрланишини қанчалик чукур ачиниш билан кўрсатса, «Жонифон»да айрим эркакларнинг ношуудлигини шу даражада юмор билан гавдалантиради. «Мастон», «Жонифон» ҳикояларида адид аёллар образини ўзгача меҳр билан ардоқлаб ифодалайди. «Даҳшат» ҳикоясидаги Унсиннинг эри қанча золим бўлса, «Жонифон»даги Малоҳатнинг эри бунинг тамоман тескариси. Жонифоннинг кулгили аҳволи ҳақида: «Жонифон катта бир ҳақиқатни очишга шошилгандай уйдан югуриб чиқди, бизга зўр ҳақсизликдан шикоят қилаётган қиёфада туриб, аллақаерда ўтган бир авлиёнинг ўз ўғлига «хотинлар бевафо» деб қилган насиҳати, жиноят қоидлари мажмуасининг алланечук моддаси тўғрисида гапирди ва бехосдан йифлаб юборди. Кейин билсак, кеча эр-хотин уришган, хотини «Кўй энди, мен сен билан умр қилмайман, эртага хатимизни оламиз» деган экан дейилади. «Хатимизни оламиз» никоҳни бекор қилиб, ажраламиз, деган маънони билдиради.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида бугунги кун кишилари учун тушунарсиз бўлган бу каби ўринлар талайгина. Масалан, «Ўғри» ҳикоясидаги элликбоши, амин, пристав, тилмоч, «Даҳшат» ҳикоясидаги таровеҳ намозидан кейин ҳалқага қолиш, додхоҳ, чилим, гап ейиш, бозвант, бўйра, сандал,

сафана каби сўзлар маъносини ҳамма ўқувчилар ҳам тушу-  
навермайди. Айримлар, ҳатто, қумғон, паранжи-чиммат нима  
эканлигини билмайди. Адиб бу каби сўзлар орқали замон ва  
маконнинг ҳаққоний манзарасини акс эттирган.

Ёзувчи асарларининг номи ҳам тарих тўғрисида сўзлаб,  
кишиларимиз дунёқарашидаги ўзгаришлар жараёнидан да-  
рак беради. Адиганинг ҳикояларидан бири «Кампирлар сим  
қоқди» деб номланади. Бу қандай маъно билдиришини ҳамма  
ҳам дарҳол англамайди. Майин ҳазил-юморга йўғрилган  
ҳикоя билан танишгач, «сим қоқиш» мих қоқиш, қозиқ  
қоқиш қаби эмас, балки «телефон қилиш» эканлиги аён  
бўлади. Ушбу ҳикоянинг асосий қаҳрамонлари – кампир-  
лар. Назир буви, Тўхта буви, Шаҳодат буви, Розия буви,  
Ортиқжон биргалашиб, тўрт қути пилла қурти боқишидади.  
Колхоз раиси дастлаб уларнинг шунча қути пилла қуртини  
эплашига ишонмай, кампирлар юборган чопарга «Бу кам-  
пирларнинг ҳаммаси йифилганда битта шафтолига тиши  
ўтмайди» деб айтади. Кампирлардан бирининг портрети: «На-  
зир буви сандалнинг четида, деразадан тушиб турган эрта  
баҳор офтобига шўрвада пишган олмадек юзини товлаб,  
тўйган қўзичоқдек ухлаб ётар эди; бу товуш қулоғига ки-  
риб, худди паашша қўригандай, бир лунжини қимирилатди;  
кўзини очмоқчи бўлган эди, фақат биттаси очилди» деб  
тасвирланади. Кампирлардан бири Тўхта буви Саримсоқо-  
ванинг ёши етмиш бешда эканлиги, у пилла қурти боқа-  
диган беш кампирга звено бошлиғи этиб тайинлангани ай-  
тилади. «Юзи шўрвада пишган олмадек» бу кекса кампир-  
лар «Ўри»даги Қобил бобонинг кампиридан, «Бемор»,  
«Анор» ҳикояларидаги аёллардан ёки «Даҳшат»даги Нодир-  
моҳбегимдан тамоман фарқ қиласиди. Улар колхоз раиси би-  
лан талашиб-тортишишади. Ҳатто «раисни ўртага олиб,  
шундай қилишадики, раис «тегишган эдим, тавба қил-  
дим» деб зўрға қутулади ва тўрт қути уруғни ўз қули би-  
лан келтириб беради». Чунки раис бу кампирларга додхоҳ  
хотинларига муомала қилгани сингари баланддан келиб  
муомала қилолмайди. Адиганинг «Ўри», «Даҳшат» ҳикоя-  
ларидаги амалдорлар эса бошқаларга зуфум қилиш, итоат  
эттириш керак, деб билишади.

Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Ойбек, Faфур Фулом сингари адиблар асарларида ҳам бой-бадавлат кишиларнинг бошқаларга зулм ўтказиши, хотин-қизларга зўравонлик қилиши, майшатпарамастлиги ёритилади. Уларда шариат пешволарининг файриинсоний кирдикорлари, амалдорларнинг тамагирлиги, бой-бадавлат кишиларнинг ўз майшати, манфати йўлида камбағал-бечораларни топтаб таҳқирлаши кўрсатилади.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Минг бир жон» ҳикояси аёл матонати ҳақида. «Даҳшат» ҳикоясида Унсин эркига эришиш учун қоронги тунда қабристоннинг ўртасида чой қайнатиб кела-ди. Унсин додхоҳнинг зулмидан қутулиш учун унинг шафқатсиз шартини бажаради. Унсиннинг ўлими кишини қанчалик ачинтирса, унинг шижаоти шунчалик қойил қолди-ради. «Минг бир жон» ҳикояси қаҳрамони Маствура ҳам касалликни мардонавор енгиб, чинакам шижаот кўрсатади. Ушбу ҳикоя тўғрисида адибнинг ўзи: «Минг бир жон» ҳикоясида тасвир этилган аёл билан таниш эдим. Мен уни касалхонада кўрган эдим. У машҳур ўзбек аёли Тўрахон аянинг қизи Жўрахон эди. Бу аёл ўн йил дард тортиб, охири вафот этган. Ҳикояда Жўрахон тузалиб кетади. Мен ҳикояда, эҳтимол, фактга хилоф иш қилгандирман, аммо, адолат юазисдан тўғри иш тутдим: ҳикояда бу аёл мислсиз мардлиги, ҳаётга муҳаббати, азоб-уқубатга бардошига яраша «мукофот» олди, холос» дейди<sup>1</sup>.

Ҳикояда аёлларнинг сабр-бардоши, метин иродаси кўрсатилади. Чунки ҳикоя қаҳрамонни Маствура метин иродаси билан касалликни енгиб, бошқаларни қойил қолдиради. Адиг ушбу ҳикоясида «Аёлнинг жони қирқта бўлади» деган гапни Маствуранинг ҳаётга интилиши орқали гавдалантиради. Маствуранинг касалхонадаги аҳволи: «Кўз ўнгимизда хаста эмас, ўлик, ҳақиқий ўлик, сап-сариқ терию суяқдан иборат бўлган мурда ичига ботиб кетган кўзларини катта очиб ётар эди... Тобутда ўликнинг қўлими, оёгими бирор сабаб орқасида қимирлаб кетса, киши қандай аҳволга тушади? Унинг ўлим пардаси қоплаган юзида чақнаб турган кўзларини кўрган киши худди шу аҳволга тушар эди»

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Асарлар: Беш жилдлик. 5- жилд. —200- бет.

деб тасвириланади. Ҳикояда Мастиурани күргани кирган уч беморнинг ҳолати маълум қилинади. Улардан бири Ҳожи аканинг ҳолати тӯғрисида: «Ҳожи ака йўғон гавдаси билан Мастиурани тӯсиб, тикка туриб қолди. Ёнимдаги курсини суриб, Ҳожининг этагидан тортай десам, қорни силки-няпти... Ажабо, бу одам нега кулаётибди, деб афтига қара-сам... ранги бўз бўлиб кетибди! Унинг қўрққанини пайқаб, сестра дарров йўл қилди: Ие, Ҳожи ака, сизга дори бериш эсимдан чиқибди-ку, юринг! – деди ва Ҳожини етаклаб чиқиб кетди» дейилади. Мастиура узоқ вақтдан бери касал экани ҳақида гапириб: «Мен одам ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман. Ҳатто, тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас, балки «розилик тилашгани эрта» дермикан деган умид билан, дунёда тенги йўқ, тимсоли йўқ зўр умид билан қарагани деб биламан» дейди. У ана шу «тенги, тимсоли йўқ зўр умид» туфайли касалликни енгиб, оёққа турди. Ваҳоланки, бошқалар унинг тӯғрисида «Уч кунлиги борми, йўқми... Соб бўлган дейишади...» деган фикрда эди. Чунки Мастиуранинг томогидан ҳеч нарса ўтмайди, овқатни қорнига қуишиади. Мастиуранинг ҳаётга талпинишини кўрганлардан бири: «Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта! Ҳозир тугаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам, қолган мингтасини ёқиб ке-йин сўнади. Мана шу ишонч Мастиурага ўлимни яқин йўлат-майди» дейди.

Абдулла Қаҳҳор Мастон, Мастиура каби қаҳрамонларида инсоннинг ишончи нималарга қодирлигини гавдалантиради. Мастиура, Мастон ўзининг дадиллиги, интилиши, ишончи билан «Бемор», «Даҳшат» ҳикояларидаги аёллардан ажralиб туради. Бу ҳикоялардаги аёллар руҳини мутелик, итоатгўй-лик психологияси форат қилган. Шунинг учун Унсин дод-хоҳнинг шартини бажариш йўлида ўзини қурбон қиласи. Мастон ёки Мастиура ҳеч қачон Унсиннинг йўлини тутмайди, золимга итоат қиласи. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари аёллар дунёқарашидаги ўзгаришлар жуда мураккаб кечгани, Мастон, Мастиуралар етишиб чиққунча қанчадан-қанча Унсин, Нодирмоҳбегим кабилар қурбон бўлгани тӯғрисида та-саввур беради.

Абдулла Қаҳҳорнинг хотин-қизлар ҳаётига багишланган ҳикояларида ифодаланган ҳурлик, инсонпарварлик фояларида умуминсоний ва миллий қадриятлар мужассамлашгани яққол сезилади. Чунки адиб асарларида ҳаёт ҳодисалари бўяб-безаб, муайян «қолипларга» солиб кўрсатилмайди. Ёзувчи ўзбек аёли босиб ўтган мураккаб ва машаққатли тарихий жараённи айни ҳаётнинг ўзидај жонли ва таъсиранчан гавдалантиради. Унинг «Даҳшат», «Бемор», «Бошсиз одам», «Қизлар», «Мастон», «Жонфифон», «Минг бир жон», «Кампирлар сим қоқди», «Кўк конверт» каби ҳикоялари ўзбек аёли босиб ўтган тарихий йўлнинг бадиий манзаралари каби кўринади.

\* \* \*

Абдулла Қаҳҳор асарларида яқин ўтган даврнинг «қора ва кир тарихи» ҳам, замона ўзгаришларидан баҳраманд одамларнинг кураш ва интилишга тўла ҳаёти ҳам яққол акс этади. Адиб аёлларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрнини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. У қатор асарларида хотин-қизларни асосий бош қаҳрамон сифатида кўрсатади. «Даҳшат» ҳикоясидаги Унсиннинг аччиқ қисматида аёллар чеккан азоб-укубатлар акс этади. «Бемор», «Анор» ҳикояларида қашшоқлик туфайли азоб чекаётган аёлларнинг аянчли аҳволи кўрсатилади. «Мастон», «Минг бир жон», «Жонфифон», «Кампирлар сим қоқди», «Синчалак»да эса ҳаётга ишонч билан қарайдиган аёлларнинг шижаоти ҳақида ҳикоя қилинади. Аёлларнинг аламли ҳаёти ва умид, ишончга тўла турмуши тўғрисидаги бу қисса ва ҳикоялар ижтимоий-маданий, майший ҳаётимизнинг ўзига хос бадиий ойнаси бўла олади.

Адибнинг «Даҳшат», «Бемор», «Ўгри» ҳикояларини ўтмишни қоралаш мақсадида ёзилган асар, деб талқин қилиш нотўри. Уларни шўро сиёсатига мос дейиш ҳам калтабинлик. Чунки ушбу ҳикояларда ҳаёт ҳодисалари ҳаққоний кўрсатилган. Уларда ҳаётнинг турли муаммолари туфайли азоб-укубат чекаётган кишилар аҳволи таъсиранчан гавдалантирилган. Кишилар ҳамма замонда, ҳамма жойда муаммога дуч келади ва изтироб чекади. Бу ўтмишда ҳам бўлган. Ҳозир ҳам мавжуд. Келажакда ҳам шундай бўлади.

Фақат бу фожелик турли тарзда, ҳар хил шаклларда күри-нади. Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳаёт муаммолари қарши-сида турган кишиларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб-лиги гүё заррабинга солиб кўрсатилади. Шунинг учун Ун-син каби муте, мушфиқаларнинг аҳволи бошқаларни бениҳоя ачинтиради. Бундай хўрликка инсон боласи тоқат қилиши мумкин эмасдай туюлади. Ваҳоланки, Унсин ва унинг кундошлари учун додхоҳ даргоҳида яшаш оддий ҳаёт эди. Унсин шу жойда кенжা келинчак бўлиб, беш ой яша-ган эди. Агар тасодиф бўлмагандан у бу даргоҳда яна яшай-верарди. Ёки Нодирмоҳбегим ҳам додхоҳнинг зулмларини сезмасдан юраверарди.

Абдулла Қаҳҳор «Даҳшат», «Бемор», «Ўғри», «Бошсиз одам» ҳикояларида қашшоқлик туфайли форат руҳан бўлга-нидан ўзининг инсонлик қадрини унугтган, ночорлигига кўниккан бечора одамларнинг аҳволини кўрсатган. Унсин, Қобил боболар ўзини бошқалар олдида ожиз сезгани учун таҳқирланади. «Ўғри»даги амин, пристав, тилмоч, элликбо-ши, «Даҳшат»даги додхоҳ каби такаббур кимсалар ҳамма замонларда ҳам бошқалардан ўз устунлигини намойиш этиш-дан мароқланади. Табиатига такаббурлик сингган кишилар, имконият туғилса, ҳар қандай жойда ўзини кўрсатиб, ман-манлик қиласеради.

Адид ўз асарларида хўрланган, ҳақоратланган одамларга чуқур ачиниш билан қарайди, такаббур кимсаларнинг «ман-ман»лигини кўрсатиб, аччиқ истеҳзо қиласи. Руҳан форат бўлиш инсонни қанчалик аянчли аҳволга солса, такаббур-лик кишини шунчалик хунук қилишини кўрсатади. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида турли хил феъл-атвордаги кишилар образи намоён бўлади. Ёзувчи уларнинг феъл-атвори, дунё-қарашини ҳар хил воқеалар асосида очиб беради. Адид воқеа-ларни содда, тушунарли баён этиш орқали қаҳрамонлар-нинг характеристини гавдалантиради. Шунинг учун «Даҳшат» ҳикоясидаги Унсин билан «Минг бир жон»даги Мастура, «Мастон»даги бош қаҳрамон тамоман бошқа-бошқа одамлар эканлиги аниқ билиниб туради.

Адид «Мастон», «Жонфикс», «Қизлар», «Кўк конверт», «Кампирлар сим қоқди», «Синчалак» асарларида инсонлик

қадрини билган, янгиликка интиладиган, шижаатли аёллар образини кўрсатади. Адиб уларни меҳр билан ардоқлаб тас- вирлайди, ҳаётга ишонч билан қарашларини қўллаб-кув- ватлайди. Бу аёлларнинг турмушдаги тўсиқларни мардона- вор енгиб ўтаетганидан мамнун бўлади. Аёлларнинг шижао- тига хайриҳоҳлик ва эҳтиром билан қараш жиҳатидан Абдулла Қаҳҳор асарлари ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутади. Адибнинг «Даҳшат», «Анор», «Бемор», «Ўғри» каби ҳикоялари ўзбек адабиётининг асл асарлари қаторида туради.



---

## МУҲАББАТ МАДХИ

Абдулла Орипов ижоди ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутади. Унинг теран фалсафий шеърлари, инсон ҳаётининг чигал муаммолари тўғрисида баҳс этувчи достонлари, жаҳон адабиёти намояндалари ижодидан қилган жарангдор таржималари адабиётимиз мулкига айланиб, кишилар қалбидан жой олган.

Абдулла Орипов ижоди мавзу, фоя жиҳатидан ранг-баранг. Шоирнинг шеърларида Ватан, халқ, тарих, инсон тақдирни тўғрисида сўз юритилади, эзгулик улугланади, ёвузлик, ҳасад, иғво каби иллатлар қораланади. Шоир барча мавзудаги шеърларида маънавий гўзаллик, инсоний баркамолликка даъват этади. Инсонни улуғлаш Абдулла Орипов шеърларининг асосий мундарижасини белгилайди. Бу унинг она тўғрисидаги, муҳаббат мавзусидаги шеърларида, айниқса, ёрқин кўринади.

Муҳаббат кишилар ҳаётига теран мазмун бахш этади. Бу туйғу ҳар бир инсон ҳаётида жиддий бурилиш ясади. Севги-муҳаббат инсоннинг қалби, ҳис-туйғуларидан «сизиб» чиқади. Бу сирли-сеҳрли туйғу қархисида донишманлар ҳам лол қолади. Ишқ-муҳаббат оддий одамларни ғам-андухга ботириб, ночор қилиб қўйганидек, шоҳу сultonларни ҳам маҳзун этиб, асирга айлантиради. Шунинг учун севги-муҳаббат адабиётнинг азалий ва абадий мавзуси бўлиб келади. Инсоният ҳаётини бошлаб берган бу сирли-сеҳрли туйғу санъат ва адабиёт асарларига бетакрор жозиба, кўрк бахш этади. Кишиларни бирор-бир мавзу ишқ-муҳаббат муаммосичалик қизиқтиrmайди, ўзига жалб этмайди. Бошқа мавзулар, ҳар қанчалик янги, долзарб бўлмасин, муҳаббат можаролари «фон»ида кўринганидагина эътиборни тортади. Шу боисдан барча ёзувчи, шоирлар асарларидан ишқ-муҳаббат можаролари «қизил ип» бўлиб ўтади. Айни мавзудаги асар-

лар неча асрлар ўтса-да, эскирмайди. «Илиада», «Одессея», «Рамаяна», «Махобхорат», «Алпомиши», «Манас» сингари минг йиллар аввал яратилган достонлар шу боисдан ҳозир ҳам ҳаммани қизиқтиради. Агар адабиёт асарларидан, қүшиқ-лардан «ишқ-муҳаббат» олиб қўйилса, улар аҳамиятсиз нарсага айланади. Инсон умрига файз, шукуҳ олиб кирадиган ишқ-муҳаббат санъатга, хусусан, адабиётга ҳам теран мазмун, бетакрор жозиба баҳш этади. Шунинг учун Абдулла Орипов:

Фақат муҳаббатга топингил, эй қалб,  
Сен меҳр кўргайсан ўшал қуёшдан.  
Ахир боболар ҳам демишлар қадим:  
Муҳаббат яратган дунёни бошдан, —

дейди. Муҳаббат шундай сирли, қудратли эканлиги қўшиқ, достонларда ҳам куйланади. Худолар, санамларга бағищланган афсоналар асосида ҳам муҳаббат туради. Қадим аждодларимиздан қолган эртак, қисса, ривоятларда ҳам севги-муҳаббат тўғрисида сўз юритилади. Севишганларнинг саргузаштлари тўғрисидаги кўҳна ҳикоятлар бугунги кун кишиларини ҳам гоят қизиқтиради. Бу мавзудаги гап-сўзларни улар ҳам мароқланиб тинглашади. Чунки вақти беҳад банд ахборот аспри кишиларининг қалбини ҳам севги-муҳаббат туйгуси безовта қиласди. Бу нозик, нафис туйгудан мосуво одам топилмайди. Инсон ҳар қанча уринганида ҳам бу сирли ҳиссиётдан сақланолмайди. Ҳар бир киши албатта бу гаройиб туйғу таъсирига тушади. Унинг завқи, сурури, азобу аламига дуч келади. Қизиги шундаки, бу туйгуни ҳар ким ўзича бошидан кечиради. Бироннинг йўли бошқа бирорвга андоза, қолип бўлолмайди. Муҳаббат масаласида ҳеч ким йўл-йўриқ ҳам кўрсатолмайди. Одамлар орасидаги жаммики муносабатлар мураккаблиги бевосита шу муаммога бориб боғланади. Оталар билан болалар, бойлар билан камбағаллар ўртасидаги муросасиз зиддиятлар ҳам кўпинча айни шу масаладан келиб чиқади. Ака-ука, опа-сингил, қадрдон дўстлар, бечора одамлар, бой-бадавлат кишилар, устоз-шоғирдлар орасидаги келишмовчиликка ҳам аксарият ҳолларда қалбдаги шу нозик, сирли туйғу сабаб бўлади. Негаки

ишқ-муҳаббат кишиларнинг ўзаро муносабатларига, ҳаётга қарашларига тош асирида бўлганидек, «ақдли» машиналар замонида ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Ривоят, достонларда шу сирли ҳодиса қонли урушларга сабаб бўлгани, унинг туфайли шаҳару қишлоқлар вайрон бўлиб, қанчадан-қанча одам нобуд бўлгани нақл қилинади. Афсона, ҳикоятларда инсон ақл кучи билан бу ҳисни енголмай, ночор ҳолга тушиб қолиши баён этилади. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов:

Огоҳ бўлсанг олам сиридан  
Дунёлар ҳам қочар бири биридан.  
Шу тахлит яшайди буюк коинот,  
Манзилин тополмас идроксиз ҳаёт...  
Тафаккур башарга гарчи яловдир,  
Нечук одам қавми одамга ёвдир.  
Жавоб берар бунга на ер, на осмон,  
На Будда, на Зардўшт, на «Инжил», «Куръон».  
Энди бандаларга ўзинг қил шафқат,  
Эй олий жозиба – Сирли Муҳаббат!<sup>1</sup>—

дейди. Инсон ҳамиша бир сирга банди – асир бўлишига, фақат угина кишиларга таскин-тасалли беришга қодир эканига эътибор қаратади. Бу сирли туйғу қурдати тўғрисида:

Йўлин йўқотса одам – муҳаббатга суянгай,  
Фуссага ботса одам – муҳаббатга суянгай.  
Чорасиз қотса одам – муҳаббатга суянгай, –

дейди. Шоир бутун шеър давомида муҳаббат инсоннинг ҳаётидаги асосий таянчи, суянчи эканини таъкидлайди. Машхур файласуф Эрих Фромм ҳам «Севги санъати» асарида ҳар бир кишининг дунёда ёлгиз эканлиги тўғрисида мулоҳаза билдирилган, «инсон ёлгизликдан фақат «муҳаббат» огушидагина нажот топади» дейди<sup>2</sup>. Ҳинд адаби Рабинранат Тагор эса «Сўнгги достон» романида «Инсон онги илм-фан

<sup>1</sup> Орипов А. Биринчи муҳаббатим: (Шеърлар). – Тошкент: «O'zbekiston», 2006.–82-бет.

<sup>2</sup> «Жаҳон адабиёти» журнали, 2000 йил, 7-сон. 195- бет.

билин қанчалик банд бўлмасин, унда муҳаббат учун ҳамма вақт ўрин топилади» дейди<sup>1</sup>.

Аммо баъзида «Севги-муҳаббат китобларда бўлади...» деганга ўхшаш гаплар қулоққа чалинади. Тўгри, «Ҳамса» дostonларида ёки Абдулла Қодирий романларида тасвириланганни каби севги-муҳаббат ҳаётда айнан учрамайди. Лекин Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Баҳром ва Дилором – шунчалик эр-хотин бўлиб яшаётганларнинг эмас, балки бирбирига сидқидилдан самимий муносабатда бўла оладиган севишганларнинг тимсоллариридир. Тимсол нарса-ҳодисанинг айнан нусхаси эмас. Тимсол ҳодисаларнинг ўзгартирилган, бойитилган, зеб берилган кўринишидир. Достон, романларда севишганлар образида бир-бирига астойдил қўнгил қўйганларнинг умумлашма қиёфаси гавдалантирилади. Шунинг учун Лайли ва Мажнун, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъононинг муҳаббати ҳар бир кишини мафтун этади, ҳаваслантиради. Уларнинг муҳаббати ички ботиний яқинлик асосида пайдо бўлгани ва улар бу уйғунликни чин дилдан ҳис қилгани боис гўзал кўринади. Абдулла Орипов кишиларни бекиёс гўзаллиги билан ҳайратга соладиган, ҳаваслантирадиган бу сирли-сехрли туйгу тўгрисида:

Сен борсан — мен учун бу ҳаёт гўзал,  
Сен борсан — мен учун дилбар коинот.  
Сенсиз қолар эдим зулматда тугал,  
Сенсиз қолар эдим буткул bemурод, —

дейди. Шеърда муҳаббат қудратига такрор таъкидлар орқали эътибор қаратилади. Афсуски одамлар ҳаётни гўзал, бутун коинотни дилбар кўрсатган муҳаббатни етарлича эъзозламайди. Шунинг учун Афлотун (Платон): «Одамлар муҳаббатнинг асл қудратини англаб етмаган. Агар буни тушунгандарида эди, севгига атаб улуғвор ибодатхоналар ва меҳроблар куриб, қурбонлик келтирган бўлардилар. Лекин биринчи галда бажарилиши лозим бўлган бу вазифаларни ҳозиргача ҳеч ким адо этмади» деган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Тагор Р. Асарлар. 8 томлик. З-том.—Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1961.—282-бет.

<sup>2</sup> Ҳақиқат манзаралари. —Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. —81-бет.

Мұхаббатнинг сирлилигини таъкидлаш барча ижодкорлар асарларида асосий үрин тутади. Абдулла Орипов шеъритининг үзига хос жозибаси ҳам унинг айни шу мавзуга бағишлиңган шеърларида ёрқин күринади. Абдулла Орипов бу шеърларида мұхаббатнинг шириң ва азоблы армонлари, сирли ва мағтункорлиги, унинг изтироблари ҳам ёқимли экани ҳақида сұз очади. Шу боисдан улар күнгилга яқын келади, ҳар бир кишининг қалбидаги хотираларни үйғотади, маңзун қилиб құяди. Инсон мұхаббатсиз яшаши мүмкін эмаслигини англатади. Севгисиз яшаши кишини меҳрдан мосуво этиши, мұхаббатсиз ҳаёт маъносиз, пуч нарса бўлиши тұғрисида үйлатади.

«Биринчи мұхаббатим» шеърида «инсон ҳамиша шу сирга асир экан» лигини таъкидлаган шоир мұхаббатга:

Мен кувонар бўлсан — сен сабаб,  
Үйга толар бўлсан — сен сабаб.  
Мен ўлишни истамасман, йўқ,  
Ногоҳ үлар бўлсан — сен сабаб, —

деб мурожаат қиласи. Бу илтижоларда мұхаббатнинг сирли-сехрли остонасига шириң орзу-ҳавасларга тұлиб қадам қўйған ўспириннинг әхтиросли түйгулари акс этади. Достонларда ҳам ҳиссиётта берилған ошиқларнинг маъшуқасига етишиш учун тоғ-тош, сахро-чүл, денгизлар ошгани нақл қилинади. Чунки ҳиссиёт мантиқ «қолип»ларига бўйсунмайди. Мантиқ ҳамма нарсани етти үлчаб, бир кесади. Ҳиссиётта берилған ошиқлар олами эса масофани тан олмайди. Уларга мақсад йўлида чеккан машаққатлари азоб эмас, фарофат туюлади. Абдулла Орипов мұхаббат шавқидан маст ўспириннинг жўшқин түйгуларини бу тарзда ифодалайди:

Юлдузлар үтига бардош берурман,  
Фазолар тафтига қилурман тоқат.  
Ёнингга соғ-омон қайтиб келурман,  
Оташ нигоҳингда ёнгали фақат.

Тұлқынлар құтурсин, майли, беомон,  
Менинг қисматимни күмөлмагай у.  
Барибир ёнингга қайтаман омон,  
Мовий күзларингга чүмгали мангу.

Мұхаббатта мубтало ҳар бир ўспириң үзини ҳар нарсага қодир ҳис қиласы. Чунки үшанды унинг қалбіда достонларда мадҳ әтилған мажнұона жунун, Фарҳодға хос шижаат пайдо бўлади. Адам Жексон бу хусусда: «Барча қадимий битикларда «Мұхаббат ҳамма нарсаны енгиб ўтишга қодир куч» деб таъкидланади... Мұхаббат тан, ақл ва руҳга қувват беради... Коинотнинг кўпгина қонуниятлари мавжуд ва уларнинг барчаси бенуқсон, лекин улар ичида энг асосийси – Мұхаббат қонуни, чунки абадий барҳаёт. Бу коинотдаги энг қудратли куч. Мұхаббат туфайли барча муаммоларни ҳал эта оламиз, душманликни бартараф этамиз... ва касалликлардан ҳалос бўламиз... Мұхаббатнинг соғломлик учун муҳимлиги шундаки, у – ҳаёт асоси. Мұхаббатсиз улар ўз аҳамияти ва маъносини йўқотади ва инсон депрессияга учрайди. Фазаб, нафрат, худбинлик кабилар мұхаббатта қарши турадилар ва улар вужудимизни емирувчи токсик моддалар ишлаб чиқишига сабабчилардир. Инсон мұхаббатни ҳис этганида унинг вужудида оқ қон танаачалари миқдори ортиб, томир оқимиға оғриқ ва стресслар билан курашишга ёрдамлашувчи махсус гармонлар кўшилади ҳамда бундай инсоннинг аҳволи буткул ўзгаради...» дейди.

А.Ориповнинг «Мұхаббат» шеърида ҳам бу сирли туйғунинг инсонни гоҳида адоқсиз алам, изтиробга солиши ҳақида сўз юритилади. Лирик қаҳрамон:

Ҳаёт мендан аямади неъматларини,  
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман.  
Фақатгина бир фам ўртар юракларимни,  
Мен мұхаббат тақдиримдан мақтанолмайман.  
Болаликдан ўтиб мен ҳам, бўй етиб секин,  
Гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб,  
Бир ёш йигит севганчалик севдим-у, лекин  
Бошқалардай толе менга бўлмади насиб, –

деб ўксинади. Унинг бу дардли ўртанишлари беихтиёр ўқувчига ҳам ўз таъсирини ўтказади. У ўз-ўзидан маҳзун бўлиб қолади. Чунки шеърда муҳаббатдан мажруҳ қалбнинг дардли туғёнлари кучли эҳтирос билан ифодаланган. Шунинг учун лирик қаҳрамоннинг дардли кечинмалари ўз-ўзидан ўқувчи қалбига кўчиб ўтади. Шоир Рауф Парфи эса: «Муҳаббат» шеърида бу туйфунинг бекиёслигини қуидагича ифодалайди:

Сенсиз дунё менга нимадир, гулим,  
Ҳар не унут бўлар, ҳар неки эзгу,  
Қонимни музлатар тирилган ўлим.

На севинч, на кўз ёш, на ушбу сезги,  
Бу чексиз оламда ягона йўлим —  
Ёлғиз инонганим сенсан-ку, севгим<sup>1</sup>.

Икки шоирнинг бу сирли-сеҳрли ҳиссиётнинг алам, оғриқлар тўғрисидаги мулоҳазаларида уйғунлик кўринади. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони:

Сен бўлмасанг дунё ўзи менга надир, деб  
Ичдим, ҳатто, талай-талай шеърий қасамлар.  
Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан турғун,  
Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.  
Бугун ҳаёт нималиги, севги йўриғи —  
Бари маълум, ҳаммасига етади ақлим.  
Юрагимда севги изи топилмас асло,  
На бир афсус, на бир алам чиққайдир ундан, —

деса, Рауф Парфининг лирик қаҳрамони:

Шундоқ изтиробда севган юрагим,  
Муҳаббат дастидан йўқ мажол, имкон ...  
Хорғин — адо кўзларимга қарагин,  
Билурман, шунчаки ўртанмас виждон...

<sup>1</sup> Рауф Парфи. Сўнгги видо.—Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.—61-бет.

Қасдинг борми менда, эй сүнгсиз қайфу,  
Дунё дунё әмас, дунё бу – яра!  
Наҳот бу жароҳат событдир мангугу...  
Севгилим, мен сенга инондим, нечун  
Сени ўзгалардан ўзга, деб билдим.  
Қора гирдоб қаърига мен йиқилдим,  
Оқар дарё бўлиб йиглайман бу кун...  
Севгилим, хеч кимни севмасман, нечун  
Осмон йироқ, юлдуз йўқ, ой кулмас.  
Ҳамма нарса кулгилидир мен учун, –

дейди. Ҳар иккала шеърда шу тарзда озурда қалб изтиробла-  
ри ифодаланади. Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг эҳти-  
росга тұла нолалари ўқувчи қалбига етиб боради. Рауф Пар-  
фининг «Мұхаббат»идаги қалб оғриқлари эса секинлик би-  
лан юракка киради ва ўчмас бўлиб муҳрланиб қолади. Чунки  
бу шеърда:

Не хаёл ташланур ўксик ёдимга,  
Ёдимнинг күзини кесиб кирав тун,  
О, ким ҳам етарди менинг додимга.

На ер сарварлари, на сарват, на дин,  
Инномогим учун одам зотига  
Мен сенга инонмоқ истайман олдин, –

дейилади. Мұхаббат мавзусидаги бу шеърларда севги туфайли  
қалбга чўккан адoқсиз аламлар оғриғи ҳақида сўз юритилади.  
Аммо уларда севги азоб бериш баробарида фараҳли ҳам экан-  
лиги таъкидланади. Абдулла Орипов ҳам, Рауф Парфи ҳам  
инсон севгисиз яшиши мумкин әмаслиги, севгисиз ҳаёт маъ-  
носиз, пуч эканлигини таъкидлайди. Ҳар иккала шоирнинг  
«Мұхаббат»ида нозик қалб ҳиссиётлари, кишиларнинг ёрига  
бўлган чуқур эҳтироми ўз ифодасини топган.

Халқ қўшиқларида, қадимий достонларда ҳам ошиқлар-  
нинг самимий мұхаббати, садоқати улуғланади. Самимий  
мұхаббат эса соғинчдан пайдо бўлади, ундан «озиқланади».  
Ҳар иккала шоирнинг «Мұхаббат»ида шу соғинч изҳор қили-  
нади. Бу соғинч мазкур шеърларни мутолаа қилган ҳар бир

кишининг қалбига ҳам беихтиёр қўчиб ўтади ва уни шу ҳис қамраб олади. Соғинч туйгуси туфайли одамлар бир-бирига интилади, улар ўртасида беғараз, тамадан холи муносабат юзага келади. Мұхаббат соғинчи шундай сирли-сехрли кудратта эга бўлгани боис шоир:

О, қалбимга сен ҳам ошно бўлсайдинг, севгим,  
Айрилиқмас, висол қуйлаб қолсайдим ғамда.  
Ҳар қандай аянчни ҳам улуғлар эдим,  
Мен ўзимни баҳтли дердим ҳар қандай дамда.  
Йиғласам-да кулар эдим мағрур ва осон,  
Севгим билан зарб берардим ҳар қандай ғамга, –

дейди. Лирик қаҳрамоннинг бу истагида самимий севгини ҳис қилган қалбнинг беғубор туйгулари акс этади. Покиза туйгуларга тўла бу қалб дунёни бошқалардан бўлакча ҳис қиласди. У ҳамма нарсага меҳр билан қараб, ҳаётдаги мавжуд ноқисликларга ўзини айбор сезади. Армонга айланган муҳаббат учун ўзгани эмас, ўзини гуноҳкор билади. Абдулла Ориповнинг қўйидаги шеъри шу хусусда:

Хайр энди ...  
Қалбимда бир видо қолди.  
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оҳу.  
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!  
Бугун бош устингда кимнинг паноҳи?!  
Сени кеч топгандим, эрта йўқотдим,  
Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳрингга.  
Ўзгалар қалбida қадр уйғотдим,  
Бироқ етолмадим ўзим қадрингга.  
О, инсон қисмати, бунчалар чигал,  
Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.  
Қисматим, ўзимман гуноҳкор бу гал,  
Наҳот, гуноҳкорга қўшиқдир жазо?!

Улуг немис шоири Гёте «Инсоннинг тавба-тазарруга бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон йўқолмайди» дейди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ҳақиқат манзаралари. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. –239- бет.

Лирик қаҳрамон ҳам йиллар ўтиши билан ўз хатоларини англайди ва «Қарғагин, лойикман сенинг қаҳрингга» деб илтижо қиласди. Ўз хатоларини англаб, чорасиз қолганидан «О, инсон қисмати, бунчалар чигал, Бунчалар хилма-хил фоже ва аза» дейди. «Қисматим, ўзимман гуноҳкор бу гал» деб тавба-тазарру қиласди. Тавба-тазарру эса инсонни руҳан поклайди. Киши ўзгалар хатосини эмас, ўз хатоларини англағандагина тавба-тазарру мақомига эришади. Тавба-тазарру инсоннинг ботинида кечади. У кимгадир ялиниш-ёлвориш эмас. Киши мажбур бўлганидан, иложсиз қолганидан, қўрққанидан кимгадир илтижо қилиб, кўмак сўраши, кечирим сўраши билан инсоннинг ўз ичида кечадиган тавба-тазарру teng, бир хил эмас. Бирорга илтижо қилаётганда, кечирим сўраётганда кишининг кўнглида ўша одамга нисбатан нафрат, адоват авж олади. Уни ич-ичидан қарғайди, ўч олиш истагини кўнглига тугади. Хатоларини англаб, ич-ичидан азобланганда эса кишининг кўнглида ҳеч кимга нисбатан кек, адоват бўлмайди. У ўша пайтда астойдил тавба-тазарру қилиб, ўзининг ожизлигини англайди, ичидаги такаббурлик, манманликни синдиради.

Абдулла Ориповнинг муҳаббат мавзусидаги шеърлари лирик қаҳрамони ҳам эришилмаган муҳаббат соғинчи туфайли инсон қисмати чигалликларини, ҳаёт кутилмаган мураккабликларга тўлалигини тушунади. Аммо у ўзининг ожиз, бечора эмаслигини ҳам билади. Шунинг учун:

Ҳаёт мендан аямади неъматларини,  
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман...  
Йўқ, йўқ, ҳаёт аямади неъматин мендан,  
Тўрт мучам соғ, дўстларим бор ҳавас қилгулик.  
Нолимайман на келажак, на ўтмишимдан,  
Иродам бор — келса агар бирор кўргулик, —

дейди. У ҳаёт берган неъматлар қадрини билгани учун ундан нолимайди. Ҳаёт азоб-уқубатга тўла, деб арз-дод қилмайди. Кишиларнинг ҳаётдан норозилиги қўпинча уларнинг ўзидан норозилиги туфайли туғилади. Абдулла Орипов ва Рауф Парфининг қаҳрамони эса ҳаётдан эмас, ўзининг муҳаббат қисматидан норози. Улар ҳаётдан ҳам, бошқа бирордан ҳам

хафа бўлиб ёзгирмайди. Шунинг учун Рауф Парфининг лирик қаҳрамони:

Афсус-надоматнинг бордир-ку чеки...  
Сенинг гуноҳингни ювсин кўз ёшим...  
Айни жасоратдир ҳар қандай севги,  
Сенга оқ йўл тилар менинг бардошим.  
Бу шундай ҳаётдир, бу шундай дунё,  
Эга чиқавермас ҳар ким аҳдига,  
Онасан, омон бўл, соғ бўл доимо,  
Масъум болаларнинг маъюс баҳтига, –

дейди. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони ҳаётда ҳамма ҳавас қиласидан барча нарсага эришган. Ундан «ҳаёт неъматларини аямаган» бўлса-да, аммо баҳти бутун эмас. Шунинг учун:

Фақатгина бир куч бордир, фақат угина  
Зор йиғлатар, қилолмайман мен унга тоқат.  
Ҳаётимда чақнамайсан фақат сенгинага,  
Толеимда сен бўлмадинг, баҳтли муҳаббат.  
Кимга шошай, кимни қўмсад, кимга сифинай,  
Фариштам, деб оқ ювиб-у, оқ тараий кимни?  
Кимни Лайлым, Шириним деб, баҳтим деб атай,  
Ҳаётим, деб чўққиларга кўтарай кимни?! –

деб баҳти маъюслигидан зорланади. Аммо ўзини йўқотиб қўймайди. Лирик қаҳрамон соғинчга тўлиб:

Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,  
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат, –

деб илтижо қиласи. Чунки уни мана бундай саволлар қийнайди:

Сен бугун қайдасан? Қайларда қолдинг?!  
Сен бугун кимларнинг маъсум ҳамроҳи?!  
Қайси бир одамнинг баҳтига ёрсан,  
Очилдими сенга толе дарчаси?!

Лирик қаҳрамонга соғинган кишиси маъсума бўлиб кўри-  
нади. У севган кишисининг баҳти бўлишини, унга баҳт  
дариchasи очилишини истайди. Унинг ўзи сингари қийнали-  
шини хоҳламайди. Дили тоза, нияти покиза кишигина шун-  
дай бўлади. У ўзи азобланса-да, бошқаларга ёмонлик тила-  
майди. Рауф Парфининг лирик қаҳрамони севган кишиси-  
нинг хиёнатидан изтироб чекади. Лекин зорланиб, уни  
айбламайди, қарғамайди, нафратланмайди. Чунки уни чин  
юракдан севади. Шунинг учун:

Мен суйибман... Ёлвориб  
толдим —  
Ўзгарар табиат, дунё ўзгарар.  
Балки мен ўзга баҳт йўлида қолдим,  
Лекин олиб кетди сени ўзгалар.

Ахир ўзга эди сенинг аҳдинг, эй,  
«Ахир ўткинчидир ҳаттоки абад».  
Нечун ўзга эди сенинг баҳтинг, эй?  
«Лекин ўзга эрур муҳаббат!..»

Қайда у садоқат, поклик деган сўз?!  
Ҳайҳот! Хиёнатнинг етими бўлиб,  
Фақат йиғлаб қолди икки қора кўз...

Онасан, омон бўл, соғ бўл доимо  
Маъсум болаларнинг маъюс баҳтига...

дейди. Абдулла Орипов ва Рауф Парфининг лирик қаҳра-  
мони муҳаббат соғинчидан изтироб чекса-да, аламзада эмас.  
У «муҳаббат йўқ, «севги» дегани сафсата» деб нолимайди.  
Лирик қаҳрамон ҳаётнинг норасолигидан зорланиб юради-  
ган бадбин кишилар тоифасидан эмас. Шунинг учун у қал-  
бини қийнаётган аламлар сабабини билади. Рауф Парфи-  
нинг лирик қаҳрамони:

Лов-лов ёнаётир қуёш — ул нажот,  
Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ.  
Шундан юрагимда товушсиз фарёд.  
Мен сенга инонмоқ истайман, э воҳ,

Барча құргуликка күніккан ҳаёт,  
Буюк муҳаббат деб аталған, воллох, —

деса, Абдулла Ориповнинг «Муҳаббат»и:

Фақат сен кел, юрагимга армон бўлган ҳис,  
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат, —

деб тугалланади. Бу лирик қаҳрамоннинг некбинлиги — ҳаётга умид, ишонч билан қарапидан далолат беради. «Муҳаббат»нинг лирик қаҳрамони камолотга эришган. Муҳаббат изтироблари унинг ўзини ўзи англашига сабаб бўлган. Шунинг учун қалбидаги нозик ҳиссиётларга лоқайд қараёлмайди. Аслида ҳам ҳар бир кишининг қалбida сирли туйфулар тўқнашуви кечади. Уларни таҳлил қилиш фоят қийин кечади. М.Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» қиссаси қаҳрамони Печорин ҳам ўз туйфуларини англолмасдан азобланади. У соҳибжамол қиз княжна Мэрини севишини ҳам ёки уни ишқибозлик учун эрмак қилаётганини ҳам билмай қийналади. Шунинг учун Печорин: «Мен ўз қилмиш ва эҳтиросларимни қизиқиш билан таҳлил этаман-у, аммо аслида улар билан ўзим қизиқмайман. Менда икки шахс бор, бири яшайди, туради, иккинчиси эса ўйлади, биринчисини таҳлил қиласди» дейди<sup>1</sup>. Абдулла Орипов ва Рауф Парфининг лирик қаҳрамони ўзининг севиши ёки севмаслигини тушунмай иккиланмайди. У севишига қаттиқ ишонади. Унинг муҳаббати севги ҳаваси эмас. Севги ҳаваси тез аланга олиб, тез сўнади. Юзаки муҳаббатни самимий муҳаббат билан асло тентглаштириб бўлмайди. Юзаки муҳаббат тубанда, чин муҳаббат фоят юксакда туради. Маънан, руҳан камолотга эришган қалбгина чинакамига сева олади. «Муҳаббат»нинг лирик қаҳрамони шундай даражага эришган. Шунинг учун Абдулла Ориповнинг қаҳрамони «Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман» деса, Рауф Парфининг шеърида:

<sup>1</sup> Пушкин А.С.Лермонтов М.Ю. Капитан қизи. Марҳум Иван Петрович Белкин қиссалари. Дубровский / А.С. Пушкин; Замонамиз қаҳрамони. Вадим / М.Ю. Лермонтов.—Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.—339-бет.

Қора гирдоб қаърига мен йиқилдим,  
Оқар дарё бўлиб йиглайман бу кун...  
Сенинг гуноҳингни ювсин кўз ёшим...  
Айни жасоратдир ҳар қандай севги, –

дейилади. Ҳар иккала шоир лирик қаҳрамоннинг муҳаббат изтироби, севги соғинчини шу тарзда тиниқ ифодалаб, инсон қалбидаги тилсиз ҳиссиётларини жонлантиради. Уларни сўз ва образларда гавдалантиради. Шунинг учун ҳар иккала «Муҳаббат» кишида ажаб туйгулар, ҳиссиётлар уйғотади.

Абдулла Ориповнинг «Чувалади ўйларим сенсиз...» шеърида ҳам муҳаббат изтироблари акс этади. Аммо у кўнгилга оғриқ эмас, соғинч ҳиссини солади. Бу шеър «Муҳаббат»га таққосланганда ёки «Биринчи муҳаббатим»га қараганда ҳажман кичкина, қисқа. Лекин унда шоирни тўлқинлатган, ҳаяжонлантирган, қайғуга солган ҳиссиётлар аниқ ифодаланган. Бу шеър муайян лаҳзалардаги оний кайфият акси эканлиги аниқ билиниб туради. Сезги, ҳиссиёт, фикр бирлиги мужассам бу шеърда лирик қаҳрамоннинг қалб түғёнлари қуидагича гавдалантирилади:

Чувалади ўйларим сенсиз,  
Хаёлимга тароқ ургайман.  
Менинг қўлим етмаган юлдуз,  
Тушларимда сени кўргайман.

Баланддасан тоғлар қоридан  
Чақирасан мени илгари.  
Ёлвораман арвоҳ ортидан  
Интилувчан Ҳамлет сингари.

Маҳшаргача, майлига, кетай,  
Кетай, майли, бўлиб овора.  
Сени сўраб қўймаса нетай  
Ерда қолган севги бечора.

Шеърда руҳий ҳолат таъсирчан ифодаланган. «Чувалади ўйларим сенсиз, Хаёлимга тароқ ургайман» сатрларида лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари образли гавдаланти-

рилган. Шеърда соғинч тұлған қалдан тошиб чиққан ҳис-  
сиётлар ортиқча ҳаяжонларсиз, содда ифода қилинганды.

Соддалик Абдулла Ориповнинг шеърларига  
ўзига хос жозиба бағишлады. Шоир шеърларидаги маъ-  
но бирданига ярқ этиб күринади. Унинг маъноси жүн,  
юзаки хулосалардан иборат эмаслиги ҳам аниқ билиниб  
туради. Жумладан, шоирнинг «Биринчи муҳаббатим»,  
«Муҳаббат», «Хайр энди...», «Чувалади ўйларим сенсиз»  
каби шеърлари киши эътиборини бирданига жалб этади.  
Улар маъносининг теранлиги ва ифодасининг тиниқлиги  
боис шундай салмоқ касб этади. Абдулла Ориповнинг  
бошқа шеърларида бўлгани сингари муҳаббат мавзусида-  
ги шеърларида ҳам туйғуларнинг аниқ манзараси ёрқин  
чизиб берилади. Бу туйғулар маъюс, фамгин бўлса-да,  
чуқур маънони мужассам этиши билан кишини беихтиёр  
ҳаяжонга солади.

\* \* \*

Муҳаббат мавзусидаги шеърлар чиройли ташбеҳларга  
бойлиги билан ажралиб туради. Бу мавзудаги шеърларда  
ҳис-туйғулар ифодалангани боис турли қиёс, сифатлаш,  
муболағалар кўп қўлланади. Чунки шоир ўзининг ҳис-  
ҳаяжонларини бошқаларга таъсирчанроқ тарзда етказишни  
истайди. Муҳаббат мавзусидаги шеърларнинг лирик қаҳрамони  
севган, соғинган, айрилиқдан азобланган киши. Уни «яхши» ёки «ёмон» деб ҳукм чиқариб бўлмайди. Унинг иж-  
тимоий аҳволи – бой ёки камбағал эканлиги ҳам аҳамият  
касб этмайди. Шеърхон муҳаббат мавзусидаги шеърларни  
ўқиганда лирик қаҳрамонни ўзининг қадрдан кишиси син-  
гари қабул қиласди. Унинг шодлигидан қувонади, изтиро-  
бидан қайфуради. Чунки муҳаббат кўйига тушган лирик  
қаҳрамон кечинмалари унга ҳам беихтиёр кўчиб ўтади.  
Шеърда инсоний кечинма, туйғуларнинг турли ташбеҳлар  
орқали таъсирчан ифодалангани шундай кайфият уйғотади.  
Абдулла Орипов муҳаббат суруридан маст ошиқ кечинма-  
ларини қуидагича ифодалайди:

Күпдан кутган эдим орзиқиб, мана,  
Булутлар тарқалди түкишиб күз ёш.  
Хаёлим осмондай ёришди яна,  
Ёруғ кунларимдай порлади күёш.  
Шошқын дарёларнинг зангордир лаби,  
Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.  
Юргил, сайр этайлик, юргил, малагим,  
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.  
Кўряпсанми, қандай яшармиш олам,  
Бепарво гўдакдай жилмаяди жим.

Қалби пок, туйғулари тоза киши дунёга шундай ишонч билан қарайди. Унга осмон бепоён, күёш чароғон, ёруғ кўринади. Юраги кир кимсага эса оқ ранг ҳам қора туюлади. Унга күёш чараклаб нур сочиб турган пайтда ҳам атроф зулматдай кўринади. Ушбу шеърда қалби севги сурури билан тўлган ошиқнинг ҳаяжонга тўла кўтаринки кайфияти ифодаланган. Ёмғир ёғиб, булутлар тарқалиб, күёш чараклаганда унга хаёли ҳам ёришиб кетган каби туюлади. Абдулла Орипов ушбу шеърда ошиқ кўнгилнинг қувончи, соғинчининг мўъжаз суратини чизиб беради. «Муҳаббат» шеърида руҳ соғинчи, севган қалбнинг дарду ҳасрати аниқ акс этади. «Муҳаббат» мавхум мулоҳазалардан, тагдор ишоралардан холи. Рауф Парфининг шундай номланган шеъри эса тагдор маъноли. Унда муҳаббат аламларида куйиб, севги соғинчи билан яшаётган қалб манзаралари янада рангин бўёқларда сувратлантирилган. Шеърдан одамлар орасида туриб, ўз-ўзини аёвсиз сўроқ қилаётган, ўзини ўзи ахтараётган ёлғиз одамнинг дардли қиёфаси кўринади. Шоирнинг қуидаги шеъри унинг «Муҳаббат» и-нинг бевосита давомидай таассурот уйғотади:

Ҳувиллаган уйда сиқилар юрак,  
Фолиб келди охир қора гумонлар.  
Мен-да саргардонман, ўзимдан йироқ,  
Хорғин кўзларимга чўкмиш гумонлар.  
Ҳайдот, тингламайсан ёнимга қайтиб,  
Ортиқ етиб бормас оташин сўзим,  
Сен кетиб борасан алвидо айтиб...  
Мен эса излайман ўзимни ўзим.

Мұхаббат мавзусидаги шеърларда ошиқ үзининг ёл-  
ғизлигидан зорланади. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳра-  
мона «Сен бўлмасанг дунё ўзи менга надир, деб Ичдим,  
ҳатто, талай-талай шеърий қасамлар» деса, Рауф Парфи:

Сенсиз дунё менга нимадир, гулим,  
Хар не унут бўлар, ҳар неки эзгу,  
Қонимни музлатар тирилган ўлим.

На севинч, на кўз ёш, на ушбу сезги  
Бу чексиз оламда ягона йўлим —  
Ёлғиз ионганим сенсан-ку, севгим...

дейди. Инсон қалбининг бу гаройиб, сирли-сехрли ҳиссиёти Рауф Парфи шеърларини ич-ичидан нурлантириб туради. Рауф Парфи муҳаббатни мадҳ этмасдан туриб, унга мафтун этиб қўяди. У инсон муҳаббатсиз яшashi мумкин эмаслигига унинг айрилиф изтиробларини акс эттириш воситасида ишонтиради.

Абдулла Орипов шеърлари ҳам муҳаббат шаънига мадҳиялардан иборат эмас. Шоир муҳаббатни «дилдаги оҳим», «ёлғиз Оллоҳим» деб таърифласа-да, бу унинг «руҳидаги бир маъюслик, сокинлик уйғотган» пайдаги кечинмалари билан боғлиқлиги яққол билиниб туради. Шоир муҳаббатни ҳамма нарсага таққослайди ва уни ҳамма ҳодисадан юксакда, деб билади. Инсон руҳиятидаги мураккаб ва сирли жараён тўғрисида у бундай дейди:

Севги керакмиди сенга, дўстгинам?  
Севаман тинч оқшом, юлдузли тунни,  
Севаман сайраса қушлар бетартиб.  
Севаман оромни, суронни, лекин  
Мен уни севардим булардан ортиқ.  
Хуруж айлаганда бедаво фироқ,  
Аччиқ алам ичра ёнсам тутоқиб,  
Ўлимни жонимдан севаман, бироқ  
Мен уни севардим ўлимдан ортиқ.  
Аммо ҳаёт оқар ўз билишича...  
Ўзганинг юраги сенга бўйсунмас.  
Севсанг-у, севсанг-у севилмасанг гар  
Бундан қайгулироқ қайгу топилмас.

Бу шеърда пок ва самимий қалбнинг қайғуга ботган ҳолати кўринади. Шеърнинг сатрлари латиф мусиқийлиги, маъносининг равшанлиги билан эътиборни тортади. Чунки «Севгисиз одам»да бир-бирига зид туйгуларга теран маъно сингдирилган. Шеърда оташин муҳаббатнинг қадри фоят юксак эканлиги таъсирчан ифода этилган.

Муҳаббат мавзусидаги шеърларда изҳор қилинган кечинма, мулоҳазалар оддий сўзлашув тилида баён этиладиган бўлса, улар жуда чучмал, жимжимадор туюлиб, кишини гашлантиради. Масалан, Абдулла Ориповнинг «Сув париси» шеърининг:

У баҳор туни эди, дарёning қирғофида  
Ёнар эдим интизор бир гўзалнинг доғида.  
Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,  
Кумуш ёлли қоялар соясини ёпарди.  
Дарё ширин висолни айлар эди ҳикоят,  
Жилваси ой нурида у қиз каби шўх фоят, –

сатрларини дарак гапнинг одатдаги қолипига солинса, ундаги мулоҳазалар жимжимадор, баландпарвозлиги билан энсани қотиради. Шеърнинг сехри, ўзига хослиги эса унинг оддий сўз билан айтиб бўлмайдиган ҳиссиётларни ифодалашида кўринади. Шеър нутқнинг бошқа шаклларидан ўзининг айни ана шу хусусияти билан ажralиб туради. Шеърда сўз қалдан қалқиб чиққан ҳиссиётларни сингдирган ҳолда намоён бўлади. Унда мусиқа ва мантиқ ўзаро уйғунлашади.

Абдулла Ориповнинг муҳаббат мавзусидаги шеърларида бу сирли-сехрли ҳиссиётнинг турли манзаралари таъсирчан гавдалантирилади. Шоирнинг «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат», «Севгисиз одам», «Эслаш», «Ўйлардимики, номингни сенинг...», «Йўлим бошлар...», «Айрилик қўшиғи», «Аёл», «Хайр энди», «Чувалади ўйларим сенсиз...», «Қўйғил, у кунларни эслатма...», «Севги ўлими», «Кетмоқдаман» каби шеърларида лирик қаҳрамон дарду ғамга тўлганидан руҳсиз кўринса, «Сув париси», «Номаълум қиз», «Қўл», «Сен баҳорни соғинмадингми?!», «Мен қувонар бўлсан...», «Сен Пушкиннинг севган малаги...»,

«Юлдузлар ўтига бардош берурман...», «У қүшиқ куйлади...», «Оху», «Үтінаман...», «Әтгали», «Мен күйламоқ истайман», «Баҳор кунларида», «Илтижо», «Хавас», «Хадим борми...», «Сен борсан...», «Висол», «Оқ қофоз», «Аән бұлгай», «Бунчалар камолот...», «Ранглар», «Малак» сингари шеърларида муҳаббат туфайли ҳаётдан мамнун ошик-нинг қувончи, меҳри, қочиримли қазиллари, шұх-шодон кайфияти ифодаланади. Аммо ҳар иккала йұналишдаги бу шеърлар үзининг жозибадорлиги, мазмунининг теранлиги билан қалбни тұлқинлантиради. Чунки шоир ҳижрон изти-роблари, айрилиқ азоблари билан боғлиқ кечинмаларга ҳам, севгининг қалбни тұлдирадиган суурули лаҳзалари манза-расига ҳам рух соғинчини сингдиради.

Гарчи муҳаббатнинг ҳаётда турфа хил бозори бор,  
Ошиқ аҳлин лек муҳаббатта етишмай зори бор.  
Узма күнгил гарчи ҳижрон хор этар бир зум сени,  
Гул тиконсиз бўлмагай, ҳар бир чаманинг хори бор, —

дейди. Унинг бошқа мавзудаги шеърларидағи каби муҳаб-бат билан боғлиқ ҳиссиётлар изҳор этилган шеърларида ҳам шу тарзда бир-бирига зид туйгулар ёнма-ён келтири-лади. Бу билан шоир инсон ҳаёти сип-силлик, текис йўлдан иборат эмаслиги, у ҳамиша кутилмаган тўсик, говларга тұла эканлигига ишора қиласы. «Бириңчи муҳаббатим» му-аллифининг бу мавзудаги шеърлари мазмунининг теран-лиги ва тиниқ ифодаси билан киши қалбига дағъятан таъ-сир қиласы. Уларда ҳазин кечинмалар, изтироба тұла ҳис-сиётлар ҳам, әхтирос, қувонч тұла туйгулар ҳам жаранглаб туради. Бу эса, шоирнинг айни шеърларида ҳар бир сўз ўз ўрнида қўллангани, сатрлар сўлғин, бўш эмаслигидан ке-либ чиқади. Ҳар қандай салмоқли фикр ҳам агар у мукам-мал бадиий шаклда ифода қилинмаса, у ҳеч қандай таъ-сирга эга бўлмайди. Чунки санъатда, жумладан, шеърията ҳам шаклни мазмундан ажратиб бўлмайди. Абдулла Ори-повнинг шеърлари мазмун ва шаклининг мувофиқлиги боис кишига чексиз завқ беради, унинг онгу шуурига таъсир ўтказади. Чунки шоирнинг лирик қаҳрамони муҳаббатга чексиз ҳайрат ва руҳий соғинч билан қарайди:

Сен борсан — мен учун бу ҳаёт гүзал,  
Сен борсан — мен учун дилбар коинот.  
Сенсиз қолар эдим зулматда тугал,  
Сенсиз қолар эдим буткул бемурод.  
Сенинг висолингда умрим яширин,  
Чечаксан, мен учун асло сўлмайсан.  
Шу қадар дилбарсан, шу қадар ширин,  
Афус, шундайлигинг ўзинг билмайсан.

Абдулла Орипов бошқа мавзудаги шеърларида каби муҳаббат тўғрисидаги шеърларида ҳам инсоннинг зиддиятли ҳис-туйгулари ва руҳий кечинмаларини санъаткорона маҳорат билан ифодалайди. Унинг шеърларида севги соғинчига тўла дил изтироблари, айниқса, ёрқин акс этади. Шоир лирик қаҳрамоннинг ҳаёт ҳақидаги мушоҳадалари, ҳис-туйфуси, қувонч ва изтироблари, фамгин кайфиятини жўшқин мисраларда ифодалайди. Абдулла Ориповнинг муҳаббат мавзусидаги шеърларида севги ва садоқат, вафо ва хиёнат, ҳижрон изтироби ва висол соғинчи ҳақида сўз юритилади ва муҳаббат инсон ҳаётига мазмун багиашлаши таъкидланади. Шоирнинг лирик қаҳрамони гарчи «Мен муҳаббат тақдиридан мақтанолмайман» деса-да, у ҳаётга алам эмас, умид, ишонч билан қарайди. Шунинг учун:

Кўкда юлдуз эмас, у сирли қўшиқ,  
Интизор йигитнинг чашмига сингган.  
Муҳаббат дардига мубтало ошиқ  
Сенга ҳавас билан бокурман чиндан, —

дейди. Бошқаларга ҳасад эмас, ҳавас билан қарап кишининг ҳаётсеварлигидан далолат беради. Ҳаётни севадиган, унинг неъматларига шукrona қилиб, эътироф этадиган киши бошқаларга яхшилик соғинади, эзгу ишларга интилади. Абдулла Орипов ошиқнинг турли кайфият, ҳолатларини кўрсатиш орқали ҳаётни севишга, инсонни ардоқлашга даъват этади. У бадбинлик, таркидунёчиликни рад этади. Шоир таърифлаган севги аллақандай ҳаёлий ҳодиса эмас, балки ҳаётий севги, инсоннинг инсонга бўлган самимий муҳаббатидир.

Шоирнинг лирик қаҳрамони қалби севги суурига түлган чоқда:

Сизга икки олам борича нисор,  
Сиз икки оламдан баландсиз мутлоқ.  
Сизга фақат термулмоқ даркор,  
Сизга фақатгина лозим сифинмоқ, —

деса, муҳаббат алдовлари алами қийнаган кезларда:

Оҳ, ўтган у кунлар қайтмагай зинҳор,  
Ўтган муҳаббатнинг ёнмоги душвор.  
Нигоҳинг қадама қарофимга сен,  
Унда тўкилмаган кўз ёшларим бор, —

деб изтироб чекади. Лирик қаҳрамоннинг бу тарзда қувониб, қайғуриши эса уни фоят ҳаётий кўрсатади.

Сўз асли пайғамбардир,  
У боис балки  
Одамзот таниган ўз Худойини.  
Эриган темирнинг томчиси каби  
Ўртаб юборар у теккан жойини, —

дейди шоир. Абдулла Ориповнинг «Сўз» шеъридаги бу мулоҳазалар унинг муҳаббат мавзусидаги шеърларига ҳам тўла тааллуқли. Чунки шоирнинг «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат» каби шеърлари бир марта ўқиганда ёки бир бор эшигандაёқ дикқатни жалб қилиб олади ва узоқ вақт эсдан чиқмайди. Абдулла Ориповнинг бу шеърларини ҳар гал тинглаганда кишини согинч туйфуси қамраб олади.

Аксарият шоирлар ёшлик чоғларида, ижодини энди бошлаган кезларида муҳаббат тўғрисида тўлиб-тошиб шеърлар битишади-ю, кейинчалик бу мавзудан узоклашишади. Уларнинг ўй-хаёlinи ҳаётнинг бошқа муаммолари кўпроқ банд қилиб қўяди. Бир қараганда, Абдулла Орипов ижодида ҳам шундай манзара кўзга ташланади. Шоирнинг XX аср 60—70-йиллардаги ижодида муҳаббат асосий мавзу саналади.

Абдулла Орипов бу даврда ёш шоирларга хос шижаат билан муҳаббат түғрисида ўнлаб шеърлар яратган. Унинг бошқа мавзудаги шеърларида ҳам шу сирли-сөхрли туйғу тараннум этилган. Бу ўша шеърларга бетакрор жозиба бағишлаган. Масалан, «Ирода» шеърида шундай сатрлар бор:

Аччиқ кўз ёш бўлиб оқди у баъзан  
Муҳаббат ўтига дуч келгани он,  
Лекин иродада бу – ёнди қайтадан,  
Ўтли қўшиқларга айланди ҳижрон.

Ёки «Ишонч» шеърида:

Бир кун фарзандинг ўксик дилида  
Уйгонса фамларни енгган муҳаббат,  
Капалак мисоли учиб йўлида,  
Сен уни кутласанг, ахир бу не баҳт.

Фамгин ва беиқбол ёринг оҳ уриб  
Болишга бош қўяр, кўз ёши тахир.  
Сен унинг тушига билдиримай кириб  
Тасалли беролсанг, саодат ахир, –

дейилади. Абдулла Ориповнинг турли мавзудаги шеърларидағи бу каби ўринлар унинг 60–70-йиллар ижодида муҳаббат етакчи мавзулардан бири бўлганини билдиради. Шоир бу мавзудаги шеърларида инсон ҳаёти муҳаббатсиз сароб бўлиб қолиши, муҳаббат изтироби, алами, севги соғинчи инсон қалбини поклаши, эзгуликка ундаши, севгисиз яшаш мумкин эмаслиги таъкидланади. Шоирнинг лирик қаҳрамони:

Бир ёш йигит севганчалик севдим-у, лекин  
Бошқалардай толе менга бўлмади насиб.  
Кўнгил шишам бир сўз билан қолганда дарз еб,  
Қаламимдан илк мартаба тўкилди фамлар, –

деса-да, у муҳаббатга маломат тошлари отмайди, хиёнатдан нолиб, ҳеч кимга таъна ёғдирмайди. «Ўтирмайман у

кунларни сўкиб, қоралаб» дейди. «У»ни «бегуноҳ оху» деб атайди. «Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!» деб сўроқладиди. «Сени кеч топгандим, эрта йўқотдим, Қаргагин, лойиқман сенинг қаҳрингга» деб ёлворади. Чин дилдан севган киши, ҳар қандай шароитда ҳам, севганини айбламайди. Самими мұҳабbat ўзгага баҳт тилашда намоён бўлади. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони чин дилдан севади. Унинг қалби самими мұҳабbat ҳислари билан тўла. Шунинг учун у «Хайр энди...» дея қалбida бир видо қолдирган санамга таъна қилмайди. Аксинча, унга:

...Очилдими сенга толе дарчаси?!

Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан  
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси, –

дея хаёлан мурожаат қиласди. Унинг бу сўроқлари юрақдаги мұҳабbat армонлари, севги суури, согинчи эканлиги яққол билиниб туради.

«Биз кўриб турган ва кўрмаган, ақлимиз, тафаккуrimiz билан идрок этадиган дунёларни табиий бир куч, бир қудрат бириктириб туради. Шунинг учун сайёralар, юлдузлар бир-бирига урилиб парчаланиб кетмайди. Инсониятни ҳам бирлаштириб, умумлаштириб турадиган бир ҳиссиёт бор. Бу – мұҳабbat, меҳр туйғуси. Назаримда, бу туйғунинг сарчашмаси – Аёл, дояси – Она! Аёл, она бўлмаса, меҳр-мұҳабbat туйғуси йўқдай. Инсоният адашиб кетадигандай, йўлини йўқотадигандай» дейди Абдулла Орипов<sup>1</sup>. У XXI асрда, фан-техника мислсиз ривожланиб, ахборот «бўрони» кучайганидан ўзаро меҳр-оқибат хийла суайган даврда мұҳабbat туйғусини меҳр билан таърифлаб:

Мұҳабbat ҳиссини асрамоқ учун  
Иморат шарт эмас, макон шарт эмас.  
Синамоқ бўлсанг гар мұҳабbat кучин  
Вақт-соат шарт эмас, замон шарт эмас, –

дейди.

<sup>1</sup> Орипов А. Адолат кўзгуси. –Тошкент: «Адолат», 2005.—295-бет.

Мұхаббат мавзусидаги шеърларда ошиқнинг оху зорлары баробарида, унинг шириң, покиза орзу-хаёллари ҳам гавдалантириләди. Чунки мұхаббат ҳамиша орзу-ҳаваслар осмонида юради. Ушалмаган мұхаббат орзу-ҳаваслари қалбни соғинч билан қийнайды. Аммо ҳар бир инсон үз қалбига ўрнашған мұхаббат ҳисларидан воз кечолмайды. Абдулла Ориповнинг бу мавзудаги шеърларида худди шу ҳақда сүз юритилади. Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳётда севиш ва севилиш бахти борлигидан чин дилдан қувонади. «Тұлин ой» шеърида бу соғинч ҳислари қуйидагича ифодаланади:

Кексайған ҳилолим, эй сен, тұлин ой,  
То ҳануз бузурсан ҳаловатимни.  
Ёдимга солурсан әнді, ҳойнақой,  
Сочлари оқарған мұхаббатимни.

Йилларим кечдилар елдири мисол,  
Фунчалар бағрига хаёлдай индим.  
Әнди-чи, толиқиб, ҳорғин ва беҳол,  
Форларга бекинган шамолдай тиндим.

Билмадим, қайдадир ётар сарғайиб,  
Оташин ҳисларим ўралған дафтар.  
Қайсиدير гүшада бўлмишdir фойиб,  
Бир замон қўлимдан учган у капитар.

Әнди висол ўзга, ўзгадир фироқ,  
Тұлин ой, ўтингчим ёдингда тутгин.  
Бизнинг томонларга йўлинг тушган чоғ,  
Менинг кулбамга ҳам мўралаб ўтгин.

Шоирнинг мұхаббат мавзусидаги аксарият шеърлари алам, изтироб изҳори билан тұла бўлса-да, уларни мутолаа қилганда, эшитганда кишининг қалби янги фикрлар, тиниқ туйғулар билан нурланади. Бундай ҳолатни бошқа бирор-бир нарса воситасида ҳосил қилиб бўлмайди. Мұхаббат туйғуси қалбда беихтиёр туғилади. Бу туйғуни тұхтатишга, ундан буткул воз кечишга ҳеч кимнинг қурби, иродаси етмайди. Қалбга кирған севги ҳисси изсиз фойиб бўлмайди.

Вақт Абдулла Ориповнинг севги ҳақидаги аксарият шеърлари бир ўқилиб унуглидиган асарлар сирасига кирмаслигини кўрсатди. Шоирнинг «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат» каби шеърлари яратилганига қирқ йилдан ошди. Аммо улар ҳозир ҳам ўзининг теранлиги, маънодорлиги, жарангдорлиги билан кишиларни ҳайратлантиради. Абдулла Ориповнинг шеърларидағи «Кўзларимда пастлади ўшал тунда осмон», «Борлик қоп-қора кокилига чўлғонди», «Рашк этиб, ой шуъласин оёқларин ёпарди», «Асов, ёлдор қирғоқ-ла нигоҳимни ёпдилар» («Сув париси»), «Юрагимда ҳислар тутоқди» («Сендан йироқда»), «Самовий кўзларинг сачратиб учқун», «Тепамдан тун каби қуйилади соч, Қора тун ёнади оташ юзларда», «Коинот тубида қуёш чекар оҳ» («Деразангни қоллар оқшом зулмати»), «Шошқин дарёларнинг зангордир лаби», «Кўряпсанми, қандай яшармиш олам, Бепарво гўдакдай жилмаяди жим» («Кўпдан кутган эдим...») каби мисралар шунчаки поэтик ташбех, жарангдор сўзлар эмас. Шоирнинг айни сатрларида севилган ва севилмаган юракларга ҳаяжон соловчи жозиба мавжуд. Бу жозиба сирини ҳар бир қалб ўзича англайди.

Аслида муҳаббат ҳақидаги шеърлар онанинг фарзандига меҳрига ўхшайди. Меҳрни тушунтириш қанчалик қийин бўлса, Абдулла Орипов, Рауф Парфининг муҳаббат изтироблари, севги согинчи хусусидаги шеърларини шарҳлаш ҳам шу қадар мушкул. Бу шеърларни мантиқ асосида англаб бўлмайди. Чунки бу шеърлар туйгулар, қалbdаги нозик кечинмалар, соғинч ҳақида. Шунинг учун муҳаббат ҳақидаги шеърларни қайта-қайта ўқиш, мароқланиб тинглаш, ундаги сўзларнинг оҳангларини эшитиш ва нимадир қалбга чуқуроқ кириб бораётганини ҳис этиб, ҳайратланиш керак.

\* \* \*

Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Faфур Fулом, Ойбек, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Асқад Мухтор каби шоирлар шеърларида инсоннинг инсонга бўлган севгиси куйланади. Абдулла Орипов, Рауф Парфи сингари шоирлар ижодида ҳам инсоний севги соғинчлари, изтироблари таърифланади. Эркин Воҳидов fazалларида ҳам муҳаббат инсон

ҳаётига кўрк, жозиба багишлаши таъкидланади. Абдулла Ориповнинг севги ҳақидаги шеърларида ошиқнинг турли кайфиятлари изҳори орқали инсонга муҳаббат куйланади. Бу шеърларнинг лирик қаҳрамони самимий ошиқ экани яққол билиниб туради. У севгига ҳою ҳавас, бир эрмак деб эмас, балки қалбининг ширин армони, ҳаётининг мазмуни, ажралмас йўлдоши деб қарайди.

Шоирнинг «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат» каби ўзбек адабиётининг асл асарлари қаторидан жой олган шеърларида ушалмаган муҳаббат армонлари изҳор этилади. Аммо лирик қаҳрамон рашқ ёки ҳасаддан ўртанмайди. Лирик қаҳрамон муҳаббат бахш этган ҳисларни ҳаётидаги катта синовимтиҳон сифатида қабул қиласи. Шунинг учун у ҳижрон изтиробидан нолиб, фарёд чекмайди. У:

Ҳаётимда чақнамайсан фақат сенгина,  
Толеимда сен бўлмадинг бахтли муҳаббат.  
Кимга шошай, кимни қўмсад, кимга сигинай,  
Фариштам, деб оқ ювиб-у оқ тараи кимни?  
Кимни Лайлім, Шириним деб, бахтим деб атай,  
Ҳаётим, деб чўққиларга кўтарай кимни? –

деса-да, «Йўқ, йўқ, ўтган муҳаббатни қўмсамайман ҳеч, Нима керак кулни титиш, бўлмаса учқун!» деб иродасининг қатъиятини билдиради. Бу шоирнинг муҳаббат мавзусидаги шеърлари фам-алам, ҳасрат, шикоят ифодаси эмас, балки инсонга меҳр, ҳаётга ишонч изҳори эканлигидан далолат беради. Абдулла Орипов муҳаббатни инсоннинг ноёб фазилати сифатида ардоқлаб тараннум этади. Шоир бу мавзудаги шеърларида руҳий кечинмаларни таъсирчан ифодалайди. У инсон қалбидаги севги ситамлари самараасиз кетмаслиги, у ҳаётни, умрни қадрлашга, оқибатли бўлишга даъватлашини таъкидлайди.

Абдулла Ориповнинг муҳаббат ҳақидаги шеърлари ўзининг теран фалсафаси билан ҳаёт мураккабликлари, инсоний муносабатларнинг зиддиятларга тўлалиги тўғрисида ўйлатади. Унинг лирик қаҳрамони бахтни бирор бирорвга бериши мумкин бўлган жўн бир нарса деб билмайди. Шунинг учун:

Бахт кутмасман ўзгадан зинхор,  
Бирога бахт беролмасман ҳам,  
Сен бахтимсан, демагил, дилдор,  
Бахт беролмас одамга одам.

Кўряпсанми, гавжум бутоқдан  
Чирт узилиб тушди бир япроқ.  
Барглар йиғласа-да фироқдан,  
Кутқаролмас дўстини бирок, —

дейди. Бахтни теран англаған кишигина шундай мулоҳаза билдиради. Севги инсоннинг табиий, руҳий хусусияти сана-лади. Севги ўзининг соғинчи, изтироблари билан инсон ҳаётини жозибадор қиласади. Аммо севги ҳар қанча самимий, чин дилдан бўлмасин, биргина унинг ўзи билан инсон тўла-тўкис баҳтли бўлолмайди. Бойлик, мол-мулк ҳам ҳеч бир инсонга тўла баҳт тақдим этолмайди. Навоий «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» достонларида айнан шуни таъкидлайди. Инсоннинг ўзини тўла баҳтли ҳис қилиши жуда кўп омилларга боғлиқ. Тўла-тўкис баҳтга эришиш — инсоннинг туганмас орзузи. Ана шу орзу инсонни ҳаракатга, ўзини ақлий, жисмоний, маънавий, руҳий баркамол қилишга, ҳаётни гўзаллаштиришга ундейди. Абдулла Ориповнинг муҳаббат тўғрисидаги шеърлари ҳам инсонни интилишга, ҳаёт-севарликка даъват этади.

---

## МУНДАРИЖА

Сүз боши .....	3
Қодирий яратган қадрдан қаҳрамонлар .....	5
Мехр ва нафрат уйғотган қаҳрамонлар .....	31
«Сароб»нинг ҳаётий қаҳрамонлари .....	64
Аёлларни ардоқлаган адид .....	103
Муҳаббат мадҳи .....	130

*Адабий-бадиий нашр*

**Абдулла Улугов**

**АСЛ АСАРЛАР СЕҲРИ**

Адабий мақолалар

Муҳаррир *Маҳмуд Тўйчиев*

Мусаввир *Anatolij Bobrov*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусаҳҳих *Fotima Ortikova*

Компьютерда саҳифаловчи *Нодир Зокиров*

ИБ № 4566

Босишга 06.09.2007й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/<sub>32</sub>.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 8,40 шартли босма тобоги.  
10,0 нашр тобоги. Жами 300 нусха. 335 рақамли буюртма.  
102—2007 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлитининг  
Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.  
100128. Тошкент, Усмон Юсупов кӯчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзилимиз: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)**

Улуғов, Абдулла.

Асл асарлар сеҳри / А.Улуғов. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. –160 б.

Коң

«Олтин зангламас, асл айнимас». Бу каби ҳикматли сўз, мақолларда аждодларимизнинг узоқ замонлар мобайнида тўплаган тажрибаси мужассам. Адабиёт тарихи ҳам ҳикматли сўз, мақолларда айни ҳақиқат акс этганидан далолат беради. Яъни саёз, жўн асарлар, қанчалик мақтальмасин, тарғиб-ташвиқ этилмасин, барабир унтулиб кетади. Асл асарлар эса ҳар қанча вақт ўтса-да, аҳамиятини йўқотмайди, қадри юксалиб боради. «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён», «Сароб», «Анор», «Бемор», «Ўғри», «Даҳшат», «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат» шундай асарлардир.

Ушбу китобда ўзбек адабиётининг ана шу асл асарлари тўғрисида сўз юритилади.

ББК 83.3 (5У)



ISBN 978-9943-03-103-6

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-03-103-6.

9 789943 031036

